

Лазиз Қаямов: фашистку булар

Абулқосим

МАМАРАСУЛОВ

МЕН ҚАНДАЙ ЁЗУВЧИ БЎЛГАН ЭДИМ

э с с е

1981 йил 5 январ.

Тошкентдаги Яланғоч санаторийсининг шифохонасига даволаниш учун ётқизилдим. Бу ерга мени Жиззахдан жўнатишди. Мен учун бу тарзда даволанишлар янгилик эмас. Ўрганиб қолганман. Шу сабабли шифохонада ўтадиган бекорчи вақтдан унумли фойдаланиш ниятида бир қоп ёзув-чизувларимни кўтариб келганман. Жумладан, 1978 йили бошлаб, етти бобини ёзиб тугатган “Ҳаётга йўлланма” романимни давом эттириш ва тугаллаш ниятим бор. Иложи борича кўпроқ ёзишни мўлжаллаяпман. (Матбуотда чиқиш кейин бир гап бўлар, олдин чиқарадиган нарсани тайёрлайин. Ўзим билан романнинг ёзилган бобларини, аввал ёзган тўртта ҳикоямни (“Суюнчи”, “Армон”, “Ўғрини қароқчи урди”, “Тўй”) ва “Учрашув” номли қиссамнинг иккинчи вариантини олиб борганман. Ишни Теодор Драйзер ҳикоялари ва Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романини ўқишдан бошладим. Биратўла “Граф Монте Кристо”ни ўқиб чиқдим. Шунингдек, Мартин Иденнинг ҳаёти менга қаттиқ таъсир қилди. Баъзи томонларим унинг ҳаётига ўхшаб кетар экан. Мен ҳам ўттиздан ортиқ ҳикоя, иккита қисса ва яримта роман ёзиб ташлаганман. Лекин ҳали биронтаси бир ерда нашр этилмаган. Тўғри, мен Мартин Иденга ўхшаб барча редакцияларни тўлдирганим йўқ. Фақат ёзиб-ёзиб тахлаб ташлаяпман. Ярми уйда - Барлос қишлоғида, ярми – Жиззахда, ишхонамда чанг босиб ётипти.

Ёза бошладим ҳамки, Одил Ёқубовга ёзган-чизганларимни кўтариб бориш ниятидаман. Мен Одил аканинг асарларини жуда яхши кўраман. Биринчи марта тўртинчи ё бешинчи синфда ўқисам керак, қўлимга Одил Ёқубовнинг “Ота изидан” номли қиссаси тушиб, қаттиқ таъсирланганман. Ўғилнинг ота изини, отасининг қотилларини топиши, қочоқ (Қосимов бўлса керак)ни топиши мени кўп ўйлантирганди. Чунки менинг отам кечаси тунги сменага ишга кетаётганда шубҳали тарзда аварияга учраган, қотил бугунга қадар топилмаган. Фалокат содир бўлганда мен беш ёш бўлганман. Шунинг учунми, мен ҳам қиссадан сўнг тезроқ катта бўлишни, отамнинг қотилини топиш истагида куйиб ёнганман. Ва шундан сўнг Одил Ёқубовнинг ҳар бир асарини суриштириб, излаб, топиб ўқийдиган бўлганман.

Аниқ эсимда. 1973 йилнинг ёзида, 9-синфни битирганимдан сўнг кўзим касалланиб, шифохонага тушдим. Ҳамма кўзим касалланишига кўп китоб ўқишим туфайли эканини айтишади. Тўғри, китобга жуда қаттиқ боғланганман. Овқат еяётганимда ҳам бир кўлимда нон, иккинчисида китоб, кўзларим китобда, оғзим нонда бўлади. Тўртинчи синфгача асосан эртақ ва дostonларни ўқиганман. Бирон бир эртақ ё дoston мени четлаб ўтолмаган. Кўпларини ҳалигача ёддан биламан. “Қуёш ерининг пахлавони” деган эртақ бўларди. Ўшани ўқиб олиб, кейин “синфдан ташқари ўқиш” дарсида айтиб бериб, барча синфдошларим, ҳатто синф раҳбаримиз Зоя Галимовнага қадар йиғлатганман. 3-4 синфларда меҳнат дарсида қизлар, шунингдек ўғил болаларга ҳам кашта тиктиришарди. Йигит бўлиб қолган эмасмизми (кашта қизларнинг иши, ахир!) уялиб, баъзан дарсга каштамни олиб бормасдим. Ўшанда ўқитувчимиз жазо тариқасида мени доска қошига чиқариб, 45 минут давомида эртақ айттирарди. Мен эртақ айтишдан чарчамасдим. 5-синфга ўтгандан сўнг ҳикояларга, қиссаларга ва ниҳоят романларга ўтдим. 1-май Бутун дунё меҳнаткашлари халқаро бирдамлик куни, 7 ноябр – Октябр революцияси куни ва бошқа байрам ҳайитларда биз район маркази – Булунғурга борардик. Қўлимизда бир-икки сўм байрамлик пул бўларди. Байрамга чиқиб, мен биринчи навбатда Булунғурдаги китоб дўконига кирардим. Пулимнинг асосий қисмига янги бадий китобларни харид қилардим. Ундан сўнг семичка, шар, пирашка кабиларни олардим. Совхозимиздаги китобхонанинг энг фаол ўқувчиси эдим...

Хуллас, 1973 йил ёзида кўзим касалланиб, китоб ўқишнинг иложи бўлмай қолди. Китобга қарасам, кўзларим ёшланиб кетаверарди. Касални аниқлаш учун аввал қорачикни кенгайтиришар экан. Қорачик кенгайса, киши яхши кўрмай қоларкан. Шундай кунларнинг бирида касалхона ёнидаги киоскда “Шарқ юлдузи”нинг янги сонини кўриб қолдим. Мундарижасини қарасам, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи! Дарҳол сотиб

олдим. Адашмасам, у пайтлари журналнинг бир сони 50 тийин бўларди. Агар бошқа ёзувчи асари бўлганда қорачиғим кенгайтирилганини ўзимга баҳона қилиб, журнални олмас эдим. Аммо Одил Ёқубов асарини олмай, қорачиғим жойига келиб, кўзим тузалгунга қадар ўқимай туриш мумкин эмас эди. Одил Ёқубовнинг ҳар бир янги асари мендек ёш китобхон учун катта байрам эди ва қандай қилиб мен бу байрамга чиқмаслигим мумкин? Шартта романни ўқишга тушдим. Кўзларим яхши кўрмайди, ёш оқади. Биламан, китоб ўқиётганимни кўрса, даволовчи врачим уришади, шу сабабли пана-пастқамда ўқийман. Ўшанда роса қийналсам-да, асарни ўқиб чиқдим. Одил Ёқубовга нисбатан меҳрим яна-да ортди. Ҳақиқатан ҳам ўша даврлардаёқ Одил ака мен энг севган ва ҳурмат қиладиган ёзувчи эди. (У пайтлари ёзувчи бўлиш хаёлимда йўқ эди).

Булунғур тумани марказидаги Пушкин номили 60-ўрта мактабда, тўққизинчи-ўнинчи синфда ўқиб юрган пайтларимда шоирликка (ёзувчиликка эмас) анча ишқибоз бўлиб, қатор шеърлар ёзганман. Синфдош дўстим Норбой Қўшмуродов иккимиз қунига, кун ора катта танаффуслар пайти ёнгинамиздаги туман газетаси редакциясига янги ёзган шеърларимизни кўтариб борардик. Шу тахлит ўша даврдаги маданият бўлими ходимлари Музаффа Кўзиёва, Дилфуза Жуманова, Абдураззоқ Мелибоевларни безор қилиб юборган эдик. Тез орада Норбой тан олиниб, шеърлари туман газетасида босила бошлади. Мендан эса сира шоир чиқмасди. Устига-устак ойма-ой бериладиган “ҳаваскорларнинг шеърларига обзор” да нукул мен атрофлича кескин танқидга учрардим, безор қилиб юборганим учун бўлса керак. Шундай қилсак қайтиб келмай кетади, деб ўйлашганми? Ва ниҳоят ўзим ҳам мендан шоир чиқмаслигига ишондим шекилли, прозага ўтдим. Бир ёзишда ўнтача ҳажвия ёзиб ташладим. Ўзимча ҳажвияларим ёмон эмасдай (зўр эмас албатта, буни ҳам тушуниб етганман шекилли, ўшанда). Албатта, ҳажвияларимга кўп нарсалар етишмаслигини билардим, аммо бундан зўрроқ ёзишга қодир эмасдим. Асарим газетада босилиб чиқишини эса жуда-жуда истардим. Ногоҳ ҳажвияларимдан бирини Дилфуза Жуманова газетада эълон қиламиз, деб қолди. Мен рухланиб, яна ёзавердим, ёзавердим, сонини ўнтага етказдим. Лекин ҳеч бири газетада босилмади. Ҳар сафар янгисини кўтариб борсам, ўқиб, газетада босамиз, дейишардию, кейин нимагадир қолдиришарди. Охири шу нарса асосида яна битта ҳажвия ёздим. Унга ўзим ва Дилфуза опани бош қаҳрамон қилиб олдим. Буниси ҳам аввалига Дилфуза опага ёқди, чиқармоқчи бўлди. Кейин гап нимадалигини англаб етди шекилли, буниси ҳам қолдирилди. (Ўша ҳажвияларим ҳозир йўқолиб кетган.)

Кейинчалик Самарқанд Давлат университетининг рус филологияси факультетига ўқишга кирганим сабаб бўлдими, то 3-курсни битирганга қадар айтарли бирон нарса ёзмадим. Тўғри бир қанча шеърлар ёздим, аммо уларнинг саъвийси нақадар пастлигини ёзаётганимдаёқ ҳис қилиб турардим. Улар қалбимдан отилиб чиқмасди. Шунчаки, шоир бўлиб танилиш истагида ёзиларди. Шу сабабли уларни бировга кўрсатишга-да уялардим. Рус тили факультетида ўқиётганим учун энди ўзбекча китобларни унчалик ўқимасдим. Русча адабиётларга эса тишим кўпам ўтавермасдим. Шу тахлит уч йил муаллақ қолганман.

Учинчи курсни битиришим арафасида, 1977 йил баҳорида ҳаётимда кескин бурилиш содир бўлди. Бу тўғрида бир йил кейин 1978 йили “Хиёнат” номили қисса ёзганман. (Қиссани кейинчалик ёқиб юборганман). Хуллас, бу кескин бурилиш, хиёнат менга қаттиқ таъсир қилди. Кимлардандир хафа бўлдим, кимларнидир сўқдим, кимлар биландир уришдим, ўзимча албатта. Ва бу ерлардан бош олиб кетишга қарор қилдим. (Мен биринчи курсни битириш арафасида текшириш натижаларига кўра сил касаллар шифохонасига тушган, шу тахлит ёзги таътил пайти даволанган, кузги пахта терим даврида эса Наманганга санаторийга даволанишга жўнатилган эдим. Шундан бери ҳар йили шу даврларда санаторийларга жўнардим. Учинчи курсни битириш арафасида эса ёзги сессияни кутишга ҳам сабрим чидамади. Деканатга кириб, касалимни баҳона қилиб, сессиянинг 10 та имтиҳонларини уч кун ичида тезлик билан топширдим-да, Грузиянинг Абастумани курортидаги “Агобили” санаторийсига бориб, уч ой ётдим. 1 сентябрда қайтиб ўқидик. Пахта терим бошланиши билан яна қирқ кун “Агобили”да бўлдим. Бу даврга келиб, юракдаги хиёнат яралари

бирмунча қотган, энди ўша воқеаларни асар (роман) қилиб ёзиш истаги бутун вужудимни чулғаб олган, шу тахлит мен ўзимнинг кимлигимни ўшаларга (ва бутун дунёга!) кўрсатиб кўйиш истаги онгимни банд қилган эди. Мен бу ҳақда баҳордан бери ўйлардим. Ўзимча хаёлан сюжетлар чизардим. Романни қандай бошлашман, қандай давом этади, қаерда тугатаман, ҳаммаси миямдан ўрин эгаллаган эди. Қисқаси, фақат кўлимга қалам-дафтар олиб, ёзишни бошлашим керак эди, холос. Шу алфозда яна анча вақт юрдим. Роман ҳақидаги ўйлардан буткул азобланиб кетдим. Сюжетлар миямни жуда чарчатиб юборган эди. Туну-кун фақат шу ҳақда ўйлардим. Ўйлардим-ки, бир марта ёзаман, кейин оққа кўчириб чиқаману, тўғри Одил Ёқубовнинг олдига кўтариб бораман, шогирд тушаман.

Ўшанда ҳеч хаёлимга келмаган: боришга бораман-а, аммо Одил ака мени қабул қилармикан? Қандайдир, қабул қилишига ишончим комил бўлган. Ахир Одил аканинг “Фарзандлар бурчи”ни неча бор ўқиганман. Бошқа кўпгина мақолаларида ҳам, телевизорларда чиқишларида ёшлар ҳақида кўп яхши гаплар айтар, талантларга ёрдам бериш керак, дерди. Балки шу нарсалар менга ишонч бағишлагандир.

Шундай қилиб, 1977 йил октябрнинг охирларида Агобилидаман. Тонг отмасдан, эрта соат 4 лар атрофида уйғониб кетдим. Романни қандай бошлаш сюжети кўз ўнгимда турарди. Мен кўлимга қалам олиб, ёзиб бошлашим керак эди. Ёзмасам бўлмасди. Ёзмасликнинг иложи қолмаганди. Ёзишга мажбур эдим. Ортиқ бу кийноққа чидолмасдим.

Ўша куни кечгача тинмасдан ёздим. Бирон ҳафта шу тахлит давом этди. Кейин ёзганларимдан бир нусха кўчириб, Совет Армиясида хизмат қилаётган шоир дўстим Норбой Кўшмуродовга жўнатиб, унинг фикрини сўрадим. Ҳар қалай унинг шеърлари Булунғурдаги туман газетасида тинимсиз босилиб турар, туманда тан олинган шоир эди. Мени эса ҳамон ҳеч ким тан олмайганди. Ёз кунлари ҳам Агобилида роса шеър ёзиб, 96 бетлик “умумий дафтар”ни тўлдирган, уларнинг нусхаларини узлуксиз Норбойга жўнатиб фикрини сўраб турган эдим. Норбой эса катта дафтар тўла шеърдан фақат битта тўртликни тан олди. Мана, ўша тўртлик:

Нафосат рамзи деб гулни севишади.

Бир дона лола деб тоғ-тош кезишади.

Сезмай жаллодлигин, одамлар ҳайҳот!

Узиб, ардоқлашиб, сўлгач, эзишади.

Хуллас, 100 тача шеър бракка чиққанди. (Балки шунинг учун ҳам иккинчи бора шеър ёзишни кўйиб, насрга ўтиб кетгандирман.) Ўшандан бошлаб мени “ижод жазаваси” (“творческая лихорадка”) тутди. То Самарқандга қайтганимча тинмай ёздим. Уйда ҳам ёздим. 4-курсни давом эттираётим яна ёздим. Тинмасдан ёзиб, жами ёзганларимни йиғиб чиққандим, икки-учта 96-бетлик “умумий дафтар”га жой бўлди. Ўзимча шунча кўп ёзганимга ғурурланаман. Тезроқ тугатиб, Одил акага учраш нияти мени яна ёзишга ундайди. Гўё Одил ака мени кучоқ очиб кутиб оладигандай. Романимни ўқиб кўриб: “Баракалла, ажойиб асар бўлипти!”, дейдигандай. Кўп ўтмай романим китоб бўлиб босилиб чиқадигандай. 20 ёшимда (1958 йили туғилганман, 6 ёшимда мактабга борганман, тўхтамай университетга кириб кетганман) бутун дунёга машҳур бўлиб кетадигандайман. Оёғим ерга тегмайди. Ёзиш, ёзиш, ва яна ёзиш... Мен ёзардим, тинмай ёзардим.

Демак, мен романни ёзаяман. Ҳар куни студентлар ётоқхонасининг ўқув залидаги энг охирги столини эгаллаб оламан. Бир марта романинг ягона қўлёзмасини йўқотиб ҳам кўйдим. Кечқурун эди. Дафтарни стол устида қолдириб (мазкур жой бандлигини таъкидлаш учун) овқатланишга чиқдим. Ётоқхона ҳовлисида бир-иккита курсдошларга дуч бўлдим-да, кўчага чиқдик. У бўлди-бу бўлди, ярим кечага яқин қайтиб, ўқув залига кирсам, дафтар жойида йўқ. Ҳайрон бўлдим. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Алам қилар экан. Шунча меҳнатингга бир зумда куйиб қолсанг. 4-курсман. 1978 йил боши. Эртаси куни ётоқхонага кираверишдаги эълонлар тахтасига “ким дафтарни олган бўлса фалончига қайтарсин”, деган маънода эълонимни илаётганимда бир тўда қиз келиб, эълонларни ўқий бошлашди. Бири: “Ийе, дафтар сизникимиди?”, дея ажабланди. Бу физика факультетининг иккинчи курс талабаси нарпайлик Башорат исмли қиз эди. Кечаси ўқув залида у ҳам мендан кейин мен

ўтирган партада ўтириб, дарс тайёрлаган, бир пайт ёзишдан зерикиб, ёнида ётган дафтарга кўз югуртган (яъни менинг дафтаримга). Аввал эътиборсизлик билан албатта. Қараса, лекцияга ўхшамайди, семинар ёзувлари эмас. Хат деса хат ҳам эмас. Дафтарни олиб, у ер-бу ерини титган. Қизиқиб, бир чеккадан ўқиган. Кейин қандай бошланишию, қандай тугабини билиш истаги уни ёндирган. Авторни (яъни мени) роса кутган. Ярим кечага қадар ҳеч ким дафтар учун келмагандан сўнг “эгасининг эсидан чиқиб, қолиб кетган бўлса” деган ўйда эҳтиёт шарт ётоғига олиб кетган. Дафтарда бор-йўғи исму-фамилиям ва “5” рақами бор эди. Яъни романим ёзилаётган бешинчи “умумий дафтар”.

Кейинчалик Башорат билан тузуккина дўстлашиб қолдик. Физика факультетида ўқиса-да, адабиётга жуда қизиқар, бадиий асарларни яхши тушунар ва таҳлил қила олар эди. Романи қандай ёзиш ва давом эттириш бўйича, менимча, биринчи маслаҳатни Башоратдан олганман. Ва бу маслаҳатларга амал ҳам қилганман. Кейинроқ ўз факультетимизда, мендан бир курс пастда ўқийдиган бекободлик Турсунбой ва андижонлик Анварлар доимий танқидчиларим ва тақризчиларимга айланди.

Бир марта ўқиб чиққандан кейин Турсунбой хайрат билан:

- Сизда талант бор. Сиз бемалол ёзаверсангиз бўлади, - деди. Кейин 12 варақдан иборат тақриз ёзиб берди романимга. Анвар ҳам.

Ҳар иккаласи ҳам менда катта талант борлигини, ёзган нарсаларим кишини ўзига жалб қилишини, ўзимга хослик борлигини таъкидлашарди-да, танқидга ўтишарди. Айниқса, Анварнинг танқидлари жуда кескин, жуда шафқатсиз бўларди. Бундан кейин қандай ёзишим кераклиги тўғрисида ҳам Анвар жуда зўр маслаҳатлар берган, йўл-йўриқлар кўрсатган. Танқид баробарида менга илҳом ҳам бағишлаган. “Биз шуҳрат сари интилишимиз керак, - деб ёзганди у, - лекин шунақанги интилиш бўлсинки, бизни доим янги асарлар ёзишга илҳомлантириб турсин”. “Бизнинг авлод ўзбек адабиётида революция қилиши керак ва биз революция қиламиз”, деб ёзганди у. Бундай гаплар қайси ёзувчига қанот бағишламайди дейсиз.

Шу тахлит, роман ярмига етганда уни қайтадан бошлашга қарор қилдим. Икки марта бир ой-бир ой тинимсиз меҳнат эвазига романи яна ярмига етказдим. Ва 1978 йил ёзида, тўртинчи курсни битирганимда англадимки, мен ҳали

роман ёзишга ёшлик қиламан.

Ҳали тажрибам етишмайди. Шунингладим, шартта тўхтадим. (Роман бугунгача (2006 йил) ўша ҳолида ётипти.)

1979 йили январда факультетда “Ласточка” (номни ўзимиз қўйдик) деган ЛТО (литературно-творческoе объединение) ташкил қилдик. Аниқроғи, бу ташкилот илгарилари тузилгану, талабгорлар йўқлиги туфайли бир қанча вақтлардан бери ишламаётган экан. 31 январ куни биринчи машғулоти ўтказдик. Унда менинг “Учрашув” (“Свидание”) номли ҳикоям муҳокамага қўйилди. Бу ташкилот асосан Турсунбой иккимизнинг саъй ҳаракатларимиз эвазига жонланди. Турсунбойнинг ғояси, менинг ҳаракатим эвазига. Биринчи машғулоти ўтказиш учун тўрт-беш ой тайёргарлик кўрдик. Атайлаб, шу машғулоти учун ҳикоя ёздим. Романи тўхтатгандан кейинги иккинчи ҳикоям эди бу. Ҳикояни русчага таржима қилдик. Таржимонни Турсунбой ўз курсидан топди. Муаззам исми қиз. Кейин ўзим уни саккиз нусхада машинкалаб, ташкилот қатнашчиларига тарқатдим. Бизга филология фанлари кандидати, рус совет адабиёти кафедраси мудири Вячеслав Николаевич Благонравов раҳбарлик қилди. Факультет декани Василий Григорьевич Ларцев оқ йўл тилади.

Муҳокамада яна менда катта талант борлиги бир овоздан таъкидланди. Айрим эпизодлар ҳаммага жуда ёқиб кетган экан. Айниқса, қахрамоним ўйлаб, хаёл суриб кетаётган нарса ўқувчи кўзида (қахрамон назарида ҳам) гўё ҳақиқатда юз бераётгандай туюладию, кутилмаганда бунинг хаёл экани маълум бўлиб, ўқувчи хайратга тушади. Лекин, умуман олганда ҳикоямнинг авра-астарини чиқариб ташлашди. Жуда қаттиқ танқид қилишди. Ҳатто баъзилар: “Абулқосим қайтиб қўлига қалам тутмаса керак”, деб ўйлашган экан ўшанда. Лекин мен истаган, мен интилган, менга керак нарса айнан ана шу, ўз асарларимга турли нуқталардан баҳо олишга қизиқар, шундан хулоса чиқариб, кежалакда нимани қандай ёзиш

кераклигини ўзимча ҳал қилардим. Жўрабой катта отамиз: “Маслаҳат қилу, билганингдан қолма”, дерди. Мен айнан Жўрабой катта отамнинг невараси эдим. Мен ўзимда камчиликлар кўп эканини билардим, айнан конкрет мисолларда аниқлай олмасдим, менга менинг ёзганларим хусусида фикр, мулоҳазалар керак эди. Жудаям керак эди.

Так, да, Вячеслав Николаевич?!

Шундайми, Турсунбой?! Анвар?! Муаззам?! Гулнора?!

Муҳокамадан сўнг бир ой ўтмай танқидлар асосида ўша ҳикояни қисса даражасига чиқариб, уларнинг столига ташладим: “Энди кўзларингга қараб танқид қилинглр. Йўкса, қиссани романга айлантириб юбораман!”

1979 йили 21 ноябрда Намангандаги Парда Турсун санаторийсига даволанишга бордим. Режаларим кетта. Бир қанча ҳикоялар ва битта қисса ёзишим керак. Ҳануз бирон бир нарсам бирон-бир матбуотда чиққани йўқ. Аммо бу мени мутлақо ташвишлантирмайди. “Мен бари бир Одил Ёкубовга бораман, Одил Ёкубов мени қўллайди. Мен отилиб чиқиб кетаман. Мен ҳали буларнинг барига кўрсатиб қўяман”, деган ўзимга ишонч, керак бўлса, кибру-ҳаво бор менда. Ана шу ишонч туфайли мен тинмасдан ёзипман. Мен бу даврга келиб, Васил Биков, ЧингизАйтматов, Фёдор Достоевскийларнинг асарларини бирмунча синчковлик билан ўқиб чиққандим. Бунинг таъсири янги ҳикояларимда сезилиб турарди. (Ҳар қалай менга шундай туюларди.) Распутинни, Шукшинни, Лондонни, Драйзерни ўқигандан сўнг ёзган ҳикояларим уларникига (кўр-кўрона) ўхшаб қолаверарди (ҳатто буни ўзим истамасам ҳам). Айниқса, Шукшин ҳикоялари менда ўчмас из қолдирди. Шукшин ҳикояларини ўқигандан сўнг ўзим ҳам шариллатиб бир қатор ҳикояларни ёзиб ташлагандим.. Яна кўр-кўрона.

- Сезасизми, -деганди Жиззахдаги “Бўстон” газетаси редакциясида бирга ишлайдиган дўстим Ҳабибулла Ҳотамкулов, навбатдаги ҳикояларимни ўқиб чиққандан сўнг. – Шукшин ҳикояларида чуқур дард бор. Уни ҳатто сўз билан ифодалаб бериш қийин. Шукшиннинг китобхонга айтадиган сўзи бор. Сизда ана шу “айтмоқчи бўлган гап йўқ”. Дард йўқ. Шунчаки ёзгансиз-қўйгансиз. Йўкса, айтингни, шу ҳикоянгни билан ўқувчига нима демоқчисиз?

Мен ўшанда жавоб бера олмаганман. Ўз устимда ишлайвериш натижасида билдимки, яхши ёзувчи бўлиш учун аввало саъвия керак экан. Ёзувчилик саъвияси! О! Бунинг келиши жуда қийин! Айнан ана шу саъвия етишмаслигидан қанча-қанча ёзувчиликни ихтиёр этиб, қўлига қалам тутганларнинг асарлари “юлдуз кўрмай жон беради”. Тушунганим ва амалда билганим шуки, саъвия ошиши учун бошқаларнинг ижодини ёзувчи нуқтаи-назаридан туриб кўп ва хўп ўқиш ва уқиш керак. Киши қанчалик кўп нарса ўқийверса, жуда кам нарсани билишини англаб боравераркан. Ҳеч нарса ўқимай юрган пайтларинг эса ўзингча дунёнинг барча сир-асрорлари сенинг қошингда тиз чўкишга мажбурдай бўлиб юраверсан.

Хуллас, 1979 йил ноябрида мен романни ташлаб қўйгандим. Уни давом эттириш ва тугатиш учун менда ҳеч қандай куч ва хоҳиш йўқ эди. Бундан ташқари Одил Ёкубов ўзининг кейинги йиллардаги бир қатор чиқишларида айрим ёшлар ҳеч нарсаси ҳеч ерда чиқмаган бўлса-да, редакцияга биратўла роман кўтариб боришини, аслида ишни ҳикоядан бошлаш лозимлигини кўп уқтирарди. Ўйлаб қарасам, Одил ака айтаётган ёшларнинг бири менман. Аввал роман ёздим. Кейин қисса. Энди ҳикояга тушсам ҳам бўлаверадиган вақт етди, шекилли.

Шундай қилдим ҳам. Тинмай ишлаб, бир ҳафтада бешта ҳикоя ёздим. (Зўрми?) Ўша кунлари санаторийда тошкентлик номдор бир профессор ҳам дам олаётганди. У раҳбарларнинг алоҳида назоратида эди. Кўплар фалон эмиш, пистон эмиш, деб ваҳима қилиб юришарди. Мен парво қилмасдим. Чунки ўзимизнинг Самарқанд университетимиз ҳам профессорларга бой бўлиб, уларни кўравериш, лекцияларини тинглайвериш, кўзим пишиб кетганди. Ўшаларнинг бири-да! Авлиё бўлармиди. Бир ҳафталардан кейин билсам, профессор – Озод Шарафиддинов экан. Кўплаб танқидий мақолаларини қизиқиш билан ўқиганим, ёшлар адабиётига эътибор берадиган танқидчи, “ўзбекларнинг Белинскийси”! Қулоқларимга ишонгим келмасди. Кўрганлар, Озод Шарафиддиновни зўр шахматчи дейишди. Ўзи билан ўзи ўйнаб ўтираверадимиш. Шахматни мен ҳам яхши кўраман. Кўп мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни ҳам олганман. Мен ҳам ўзим билан ўзим ўйнаган вақтларим бўлган,

аммо кўпинча бунга вақт тополмаганман. Билишимча, Озод домла алоҳида палатада яшар, кўпинча ёлғиз ўзи қоларди. Албатта, зерикса керак. Китоб ўқишу, шахматнинг ҳам чегараси бор, ахир! Ўйлаб-ўйлаб, бир ҳафтада ёзган ҳикояларимдан иккитасини танлаб олиб, Озод домланинг хонасига эрталаб кириб бордим. Ўзимни таништирдим. Ҳикояларимга фикр билдиришини илтимос қилдим.

О, менинг Озод домлага кўрсатган ҳикояларим! Эсласам, ҳозир ҳам уялиб кетаман. Ҳикоям – кўлөзма. Кўп жойларини чизиб, тўғрилаганман ва шу ҳолатда окка ҳам кўчирмай, кўтариб борганман. (Энди билсам, бунинг турган-битгани маданиятсизлик ва ҳурматсизлик экан). Аммо ўшанда бу тўғрида ўйламасдим. Фикру-ёдим домла билан яқинроқ танишсаму, домла ҳикояларимни ўқиб, йиғласа, мени кучоқлаб ўпса, “ўзбек адабиёти шундай ижодқордан бебахра бўлиб ўтириптими-я!”, деганча қўлимдан етаклаб адабиёт оламига олиб кирса, ва ногоҳ мен ўзимни машҳур кўрсам, ва не-не казо-казолар ҳайратдан ёқа ушлашса... Шу ўйгина мени ҳаяжонлантирарди. Шу ўйгина мени ташвишга соларди. Ногоҳ пайдо бўлган имкониятдан фойдаланиб қолмоқчи эдим, холос.

- Майли, тушдан кейин келинг, ўқиб қўяман, - деди домла.

Биз ўша куни домла билан узоқ суҳбатлашдик. Домла мени чойга таклиф қилди. Шундоққина столнинг четида шахмат қутиси турарди.

- Шахмат ўйнаймизми, домла, - дедим бор иродамни ишга солиб. Ҳар қалай ўзбекнинг забардаст танқидчиси билан бетма-бет ўтирардим. Бу мен учун қутилмаган бахт эди. Мен ҳамма нарсага тайёр эдим. Ҳатто аёвсиз танқидга ҳам. Ахир икки йилдан бери танқид эшитавериб, терим эшакниқидан ҳам қалинлашиб кетган, унча-мунчасига мутлақо парво қилмасдим. Мен билишни истардим: ижод қилсам бўладими, йўқми? Мендан ёзувчи чиқадими, йўқми? Тўғри, шу пайтгача дуч келган барча “танқидчиларим” менда талант борлигини тан олишган, аммо бу гапни Озод домладан эшитиш мутлақо бошқа нарса эди.

Биз уч партия шахмат ўйнадик. Ҳар сафар ўйин охирига қадар баб-баравар борар, лекин ўйин охирида домла усталик билан мени доғда қолдирарди. Бундан ташқари мен ўйин охирида кучлар тенг бўлса, яхши ўйнолмасдим. Комбинацион ўйинларни хуш кўрардим. Ўйин ўртасида бир-иккита фигурани бериб бўлса-да, комбинация уюштирар, ўшанда рақибимни ютсам ютдим, йўқса, ўйиннинг охирига мен чидамсиз эдим. Чунки комбинация туфайли мен бир-иккита фигурани бой берган бўлардим. Озод домла худди ана шундай эндшпил устаси экан. Ўйин ўртасида менинг ҳамма “дахшатли” ҳужумларимни совуққонлик билан бартараф этиб, кейин партияни осонгина ниҳоясига етказарди. Агар домланинг ўзи ҳужум қиладиган бўлса, - ундан худо сақласин! – ҳар қанча мудофаага ўтманг, бари бир ютқизасиз. Ҳисоб 3:0 га етгандан кейин ўйинни тўхтатдик. Кейин домланинг илтимоси билан қисқача таржимаи ҳолимни, адабиётга қандай кириб келганимни, ижод йўлимни гапириб бердим. Кейин домла икки ҳикоям хусусида фикр билдирди. “Армон” номли ҳикоям, унда айтмоқчи бўлган гапим домлага ёққан экан, ўзи ҳам ҳикоямга ўхшаш воқеалардан айтиб берди. Ҳикояни яхши бошлаганимни, яхши давом эттирганимни, яхши, жиддий ҳикоя эканини, аммо охирини комик усулда тугатиб қўйганимни айтди. Ҳикояда бир кампир Мирзачўлга, катта ўғлиникига бормоқчи. Буни энг кичик ўғлидан илтимос қилади. “Хўп” жавобини ҳам олади., аммо ҳар хил сабабларга кўра кенжатой онасини айтилган жойга олиб боролмайди. Кенжатой вақт топиб етиб келганда кампир ўртанча ўғли билан кетган бўлади. Ҳикоя шу билан тугайди. Айнан кампир ҳажвиябоп гапларни айтиб кетиб юборган бўлади. Озод домла ҳикояда жиддий масала кўтариб чиқилганини, уни жиддий яқунлаш кераклигини айтди. Кенжатой етиб келганда кампир ўлиб қолган бўлсин, деди Озод домла. Ана унда ҳикоянинг таъсири бир неча баробар кучайиб кетади. “Ҳикоя техникасини ҳам унча яхши билмайсиз”, деди домла. Ҳикояда тил масаласига келганда, рус филологиясида ўқиганимни эшитиб: “Ҳа, сиздан бундан ортиғини талаб қилиш ноўрин”, деб қўя қолди. Иккинчи ҳикоям “Саман той”ни тан олмади. Чўзилиб кетганини, ярмини олиб ташлаб, иккинчи ярмидан ажабтовур ҳажвия яшаш мумкинлигини айтиб, бунга мисол тариқасида бир нечта сюжет ҳам кўрсатди.

Биз ўша куни анча суҳбатлашдик. Умумий суҳбат мазмунидан хулоса қилсам, яна эски гап келиб чиқаётганди: менда талант бор, ёзаверсам бўлади. Аммо тилим ғализ, яъни боқилаверсам, одам бўлиб қолишим мумкин. Ўшанда Озод Шарафиддинов домла билан роса бир ҳафта бирга бўлдик. Куннинг кўп вақтини сайр қилиш, шахмат ўйнаш билан ўткизардик. Шахматда ҳалиям эски ҳол эди. Хужум қиламан, эдшпилгача баравар ўйнаб бораман ва ... ютказаман. Дурангга, ҳатто ютуққаям яхши имкониятларим бўлади, аммо нимадир бўлиб, уларни бой бераман. Ўйин ўртасида комбинация уюштиришимга эса домла йўл қўймайди.

Бир ҳафталардан кейин домла кетди. Мен шиддатли равишда янги ҳикоялар ёзишда давом этдим. Ҳатто ёзганимни таҳрир қилишга ҳам вақт йўқ. Ёзаман, битираман, бир четга сураман-да, иккинчисини ёза бошлайман. Миямда сюжетлар ғуж-ғуж. Мени ёз, дея бир-бири билан таллашиб ётипти. Битта ҳикояни эрталаб ёзиб ташласам, кечгача дам оламану, кечкурун янгисини бошлайман, уни ҳам эрталаб тугатаман. Ўшанда қирқ кун давомида йигирмадан зиёд ҳикоя ёзиб ташладим. Ўша вақтдаги асосий камчиликларимдан бири шу бўлганки, ўз ёзганимни ўзим таҳрир қила олмасдим. Биринчи марта қандай ёзсам, шундайлигича қоларди. Қайси жумлани олиб ташлаш керак, қаерга қандай жумла ёки сўз қўшиш керак – билмасдим. Тилим эса – ўзингиз сезгандай. Кейинчалик бир муҳаррир билан бирга ўтириб, “Армон”ни таҳрир қилдик. Муҳаррир менинг кўз ўнгимда кўп сўзларни, жумлаларни ўзгартирди. Ўрнига қўйган сўзлари, жумлалари меникига нисбатан яхшироқ, ширалироқ эди. Муҳаррир аямай айрим абзацларни бус-бутунлай олиб ташлади. Бу ҳикояга ҳеч қандай таъсир қилмади. Аксинча, ҳикоя яхлитроқ, бус-бутунроқ ҳолатга кириб, ҳар бир эпизод, ҳар бир ҳолат, ҳатто ҳар бир сўз ҳикоя яхлитлигига хизмат қиларди. Бу – таҳрир бобида менга катта дарс бўлди. Ўшандан кейин ўзим ёзганларимни бемалол ўзим таҳрир қила оладиган бўлдим. Агар баъзи эпизодларни ортикча деб билсам, аёвсиз, раҳмим келмасдан қисқартиб ташлайвераман. Илгари менда шу нарса етишмасди. Ёзган ҳар бир сўзим кўзимга яхши кўринаверарди.

Менда талант борлигини тан олишгани – мен сюжет топишга қийналмасдим. Ҳар бир қадам, ҳар бир суҳбат мен учун сюжетга айланиб кетаверарди. Аксарият ҳикоялар кўрган-билганларим, бошимдан ўтган воқеалар, эшитганларим. Сюжетни ўйлаб топиш деган нарса мутлақо йўқ эди менда. Воқеа қандай содир бўлса, шундайлигича қоғозга тушираман. Ҳеч нарса олмайман, ҳеч нарса қўшмайман. Муаллиф сифатида қаҳрамонларим ҳаётига аралашмайман, Бир чеккада туриб, уларнинг ҳаракатларини, ҳолатларини қоғозга туширавераман, вассалом. Яна менинг ақидам бор: Ҳар қандай яхши одамнинг ёмон томони ва ҳар қандай ёмон одамнинг яхши томони бўлади. Мен ана шу жиҳатларни илғашга ҳаракат қиламан. Ўқиган бўлсангиз, Чаковскийнинг “Қамал” асарида немислар Москва ва Ленинград остоналарида қатор муваффақиятсизликларга учрайди. Ва бундан қаттиқ эзилишади. Шуларни ўқиб борар экансан, ногоҳ ўзингизда немисларга нисбатан раҳм-шафқат туясан. Майор Данвиц полковник Эрнст Крюгерни ўзи билмаган ҳолда Гиммлернинг гестапочиларига топширади. Крюгер Данвицни Иудасан, деб айблайди. Данвиц бировларни ўзи билмаган ҳолда сотиб юрганини англаб, қаттиқ изтиробда қолади. Шунда сиз ҳам унга қўшилиб азоб чекасиз. Данвицга ёрдам бергингиз келади. Ленинградни босиб ололмагани учун Гитлер “Север” жанггоҳи кўмондони фельдмаршал фон Леебни вазифасидан четлаштиради. Ўшанда ўқувчи беихтиёр фон Леебга ачиниб кетади. Асарда бунақа мисоллар кўп. Бунинг ҳаммаси муаллифнинг маҳорати! Оддий сўз билан қараганда биз немис-фашистларнинг ҳар бир хатосидан, ҳар бир мағлубиятидан қувонишимиз керак. Қувонамиз ҳам. Лекин муаллиф объектив равишда характерларни бера олганки, беихтиёр асар ичига шўнғиб кетасан.

Ҳозиргина: нимани кўрсам шундайлигича қоғозга тушираман, дедим. Аммо кўчиришда ҳам кўчириш бор. Битта воқеани икки муаллиф икки хил тарзда қоғозга туширади. Бири фожиа ясайдию, иккинчиси комедия.

Ўшанда, санаторийдан қайтганимга қадар “Хиёнат” қиссасини ҳам ёзиб ташладим – 15 кунда! (Кейин бир зумда ёқиб юбордим!)

1980 йил март ойидан яна Жиззахга қайтиб, “Бўстон” газетасида ишимни давом эттирдим. Шу орада кўлимга Шукшиннинг “Охота жить” деган тўплами тушиб қолди. Неча йиллардан бери Шукшин асарларини тополмай юрардим. Китоб ўзимизнинг муҳаррир ўринбосарида бор экан. Китобдаги ҳар бир ҳикояни ўқиганимдан кейин ҳаяжонланиб ўрнимдан туриб кетар, “мана бу ҳақиқий зўр ҳикоя бўлипти”, дея ҳамхонам, ТошДУнинг журналистика факультетини битириб келиб, энди бирга ишлашаётган, бирга студентлар ётоғида яшаётган дўстим Ҳабибулла Ҳотамқулов билан дардлашардим. Қадам сайин дуч келадиган оддий одамлар, оддий воқеалар. Ёзилиши ҳам жуда оддий. Аммо ана шундай оддий ёзиб кўрчи!

Хуллас, бугун 1981 йил 5 январ. Мен Тошкентга санаторийга даволанишга келдим. Биратўла шу ерда романимни тугатмоқчиман. Бунинг учун вақт етарли. Даволанишга тўрт ой кетади. Вақтни бекор ўтқизмаслигим керак. “Учрашув” қиссамни ҳам машинкалаб, тайёрлаганман. Ниҳоят Тошкент деган жойларига ҳам етиб келдим. Энди бу ерда бемалол Одил Ёқубов билан учрашиш учун ҳам имкон бор. Албатта, бўлажак учрашувдан мен чўчирдим, аммо мен танлаган йўл шу. Озгина нарса ёздимми? Қачонгача уларни тўплайман? Ёруғликка чиқадиган кун борми? Бўлди-да энди! Мени нима қилса Одил ака қилсин! 1977 йилдан ёза бошлаган бўлсам, икки марта Тошкентга, журналларга ҳикоя жўнатдим. Иккиси ҳам изсиз йўқолди. Натижа чиқарадиган вақт етиб келди. Тошкентига етиб келдим. Асарларни нашр қиладиган шаҳар, ижодкорнинг тақдирини ҳал қиладиган шаҳарга етиб келдим.

1981 йил 17 январ.

Адашиб-адашиб, (ахир Тошкентни мутлақо билмайман), зўрға маданият министрлиги биносини топиб бордим. Ҳабибдан билишимча, шу ерда Гафур Ғулом номли нашриёт бор. Одил Ёқубов шу ерда ишлайди. Нашриётга, 4-қаватга чиқдим. Одил ака ҳақиқатан шу ерда ишласа-да, хонасида йўқ экан. Қаёққадир кетган, бир ҳафта-ўн кунлардан сўнг бўлади, дейишди. Кўлимда аввал ёзилган тўртта ҳикоям. Тополмаганимдан хафа эдимми? Ё қалтираб, учратмаганимдан хурсандимиди? Билмайман. Менимча, ўшанда вужудимни қандайдир лоқайдлик эгаллаб олгандай эди. “Ҳаёт шунақа, минг ўлиб-тирил, сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ёзганларинг ҳеч кимга керак эмас”.

Санаторийга қайтдим, Одил акага учрашим кераклигини яна-да яққолроқ англадим. Қайтаётиб, бемалол романимни давом эттираман, деб ўйлагандим. Йўқ. Давом эттира олмас эканман. Олдин у кишига – Одил акага! - учрашим керак экан. Чунки бу фикр менда бугун туғилгани йўқ. Бир деб ёза бошладимми, менга шу фикр таскин бериб келади. Шу таскин билан мен яримта роман, иккита қисса, ўттиздан ортиқ ҳикоялар ёздим. Уларни ҳеч бир редакцияга кўтариб бормадим. Шу таскин мени ижод майдонида ушлаб турган устун, тиргак эди. Шу тиргакка таянишим керакми, йўқми? Энди шуни билишим шарт эди. Шуни аниқламасдан бошқа нарсага кўлим бормади қолган эди. Шунча нарса ёзганим билан бирон асаримни биров тан олгани йўқ. Менда талант борлигини тан олишган, холос. Наҳотки, мен ҳеч қачон тузукроқ ёза олмасам? Ҳикояларим кўзимга туппа-тузук кўринарди. Билишимча, газета-журналларда чиқаётган ҳикояларнинг аксарияти меникидан ортиқ эмасди. Баъзан жуда расволарини ҳам эълон қилишаётгандай туюларди менга. Шуларни Ҳабибга айтганимда:

- Нима, сиз ҳам шу ҳикояларни чиқарган ижодкорлар қаторида юрмоқчимисиз? Бундан кўра ҳеч нарса эълон қилмаган маъқул, - дерди.

Назаримда у ҳақ эди. Унинг ҳақлиги ҳам менга бугунга қадар таскин бериб келаётган эди. Аммо энди... Назаримда Одил ака мени тушуниши керак эди, чунки...

- Одил ака ёшларнинг ғамхўри эди. Буни мақолалари, телевизорларда чиқишлари исботларди.

- Мен ҳам Одил акадек “қишлоқи” эдим. Қишлоқи қишлоқини тушуниши керак-да!

- Мен ҳам Одил акадек, 5 ёшимда отадан етим қолганман. Дардимиз бир.

- Мен ҳам рус филологияси факультетини битирганман.

- Одил ака асарларида психологик анализга урғу берарди. Мен ҳам. “Танқидчиларим” менинг бу ҳаракатимни эзмаликка йўйишарди.

1981 йил 22 январ Тўғриси, жоним халкумимга келганди.

1981 йил 26 январ. Одил акани излаб, яна нашриётга бордим. Яна тополмадим. Шу бинода, фақат учинчи қаватда “Ёш гвардия” нашриёти жойлашганди. У ерда Ҳабибнинг курсдош дўсти, шоир Мирза Кенжабоев ишларди. Ҳабибнинг уйланиш тўйида Мирза билан бирга бўлганмиз. Кўп гаплашмаганмиз. У пайтлари Тошкентда, нашриётда ишлайдиган одамлар мен учун осмон қадар одамлар эди. Уларга етиш учун қўлимни чўзишга-да истиҳола қилардим. Шеърлари марказий матбуотда босилиб турарди. Мен эса... Одил ака яна йўқ. Мирзага учрасам-чи! Ҳеч бўлмаса, нима қилишим кераклиги тўғрисида бирор жўяли маслаҳат берар. (Тўғриси, ўз ҳикояларимдан унчалик кўнглим тўқ эмасди!) Умуман, Одил акага шу ҳикояларни олиб кирсам бўладими, йўқми? Шунини менга айтар!

Бирон “танқидчим” шу вақтгача: “шу асаринг тайёр бўлипти, энди уни бемалол нашрга тавсия қилаверса бўлади”, деган эмас. Нуқул у ерини ундоқ қилиш керак, бу ерини бундоқ ўзгартиш керак, дейишган. Агар Одил ака ҳам шунақа дейдиган бўлса, “Абулқосим – тамом!!!” дегани шу-да! Ҳабиб билан Олимжон акам мендан нуқул яхши ҳикоя талаб қилишади. Тўғри, шу вақтгача ёзганларим у қадар зўр эмас, аммо ошқора ёмон ҳам эмас-да! Улар талаб қилган гениал асарни ёзишга уринардим, аммо... уриниш бошқа, гениал асарни ёзиш бошқа.

Ишингнинг натижасини кўрмасанг – ёмон экан.

Ҳикояларимдан бирини ўзим ишлаётган “Бўстон” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Абдурахим Ражабқуловга берганимда роса уч ой ғаладонида сақлади. Кейин:

- Ҳикоянгиз ҳаётнинг айнан ўзи бўлиб қолипти, - деди. Кейин ўз гаплари ўзига таъсир қилди, шекилли, кескин кайфиятда, - тўғриси, биз газетада ҳикоянгизни чиқара олмаймиз, - дея ҳикоямни қайтариб берди.

“Суюнчи” номли ҳикоямни ғаладонда ўн ой сақлашди. Вилоят газетасида! Кейин Тошкентга, санаторийга кетишимдан сал олдин “ҳаваскор ижодкорлар асарларига обзор”да бериб юборишди. Унда мени роса танқид қилишган. Ҳикоя ёзишни мутлақо билмайдиган одамга чиқаришган. Ана холо-ос! Бу менга роса алам қилди. Бу мен учун ҳақорат эди. Аниқ билардимки, обзор муаллифи ҳикоямни тузук-қуруқ ўқимаган, ҳатто гап нима ҳақда кетишини англаб етмаган-у, танқид найзасига олган. Тушунмаган нарсангни нега танқид қиласан, номард?! Ёшларнинг асарларига енгил-елпи назар кўп нашрларда мавжуд. “Ёшлар бизнинг келажагимиз!” дея ҳайқирадию, амалда...

Шу тахлит ўйлар билан “Ёш гвардия”га бордим. Мирзани топдим. Мени эслай олмади. Мен ўзимни танитдим, мақсадимни айтиб, туртга ҳикоямни қўлига тутқиздим.

1981 йил 28 январ.

Мирзанинг олдига бордим. Бу сафар у мени жойидан туриб келиб қарши олди. Биз анча суҳбатлашдик. Мирзага ҳикояларим ёқпти. – Ёқпти! Худога шукур! Ва ниҳоят шунақа гапни эшитадиган кун ҳам келар экан! “Ҳикояларингиз жуда яхши. Жудаям яхши!”, деди Мирза. Қулоқларимга ишонгим келмасди. Мирза ҳамма ҳикояларимга ўз фикрини айтди. Унга айниқса, “Армон” ёқпти. “Суюнчи” ҳам яхши экан. Аммо унга “ҳажвий ҳикоя” деб ном қўйганимни маъқулламади. “Менинг шофёрга раҳмим келди. Ҳаёт уни шундай яшашга мажбур қилган. Бунинг ҳеч қандай кулгили жойи йўқ”, деди Мирза. “Ўғрини қароқчи урди” ҳикоямнинг сарлавҳасини танқид қилди: “Сийқаси чиқиб кетган гап. Бошқа сарлавҳа топиш керак”, - деди. - “Ҳикоянинг ўзи яхши, ўқувчини қамраб олади, унда кўтарилган муаммо ҳам яхши, аммо адабиётда бунга ҳозир эътибор кам. “Тўй” ҳикоясида эса муаллиф позицияси номаълум. Умуман олганда ҳамма ҳикояларда ҳам ҳикоя қилиш услуби яхши. Яхшигина тажрибангиз борлиги билиниб турипти. Одил Ёқубовга “Армон” билан “Суюнчи”ни олиб кирганингиз маъқул. Қолган иккитаси ҳам ёмон эмас, аммо зўр ҳам эмас. Биринчи бор

кираётиб Одил акада зўр таасурот қолдириш керак. Ана ўшанда натижа бўлади. Кейин “Ўғрини қароқчи урди” билан “Тўй”ни бемалол иккинчи ёки учинчи китобга қўшиб юборса бўлаверади”.

Эътибор қиялпсизми, мен гўё ҳикояларим чиқиб, танилиб улгурдим, ва иккинчи, учинчи китобларимга асарларимни тўплайман. Бундан чиқадиган маъно: демак, энди китоб чиқараверсам ҳам бўладиган даражага етибман.

Мен учун, менинг дардларим учун сўз билан ифодалаб бўлмас даражадаги малҳам эди Мирзанинг гаплари! Кўзларимга ёш қадалди. Ўзимни зўрға тутиб турардим.

- Шошмаслик керак, - дея давом этди Мирза. – Менга қолса, “Армон” даражасидаги ҳикоядан беш, олти, еттита қилиб, битта папкага жойлаб, Одил аканинг столига “тайлаб” кетаверинг. Кейин кўнглингиз тўқ бўлаверсин. Ёкса, Одил ака, ҳам газета-журналларда чиқартиради, ҳам китоб қилиб чиқартиради. Одил Ёкубов шунақа одам. Яхши асар ерда қолмайди. Одил ака, албатта, ёрдам беради. Фақат шошмаслик керак.

Менинг англаганим шу бўлдики, “Армон” даражасидаги ҳикояларни еттитага етказишим керак. Мирзанинг маслаҳати менга маъқул тушди. Ахир Тошкентда ҳали уч-тўрт ой бўламан. Бемалол улгуришим мумкин. Мирза учинчи қаватдан пастга тушиб, мени автобус бекатига қадар кузатиб қўйди. Яна бир бор ҳурматимни жойига қўйиб, кўнглимни тоғдай кўтарди. Мен санаторийга қанот боғлаб учиб келдим. Бир нарсани билардим: “7 та ҳикоя ёзишим керак! Ҳозирча иккитаси бор. Яна бешта ёзсам, еттита бўлади”.

Одам боласи бир яхши гапнинг гадоси-да!

Ишга киришдим. Ҳикояга сюжет кўп. Бу томондан ғам емайман. Романни ҳам, қиссани ҳам бир четга сурдим. “Армон”да кампир ўлади. Бу таъсирли. Энди ёзадиганларим ҳам шундай таъсирли бўлиши шарт. Нахотки бунинг учун ҳамма ҳикояларимга ўлимни аралаштиришим керак? Бундай қилмаслигим кераклигини тушуниб турардим, аммо... шундан сўнг биринчи ёзган ҳикоям “Мақсад” яна бошқа бир кампирнинг ўлими билан тугади. Ундан кейинги ҳикояларим эса енгилроқ кўча бошлади: “Бир дона нон”, “Яшашнинг йўли”, “Йўловчи”, “Биринчи муҳаббат”.

1981 йил 6 феврал.

Янги тўртта ҳикоямни кўрсатиш учун Мирзага топширдим.

1981 йил 8 феврал.

Мирза мени уйига чақирди. Меҳмон бўлдим. Сухбатимиз жуда қовушди. “Мақсад”ни тан олмади. “Бир дона нон”ни ҳали давом эттириш мумкин. Буғдой ўрими қийинчиликлари кўрсатиб берилса, яхши бўлади. Қолган иккита ҳикоя ҳам яхши. Фақат айрим жойларини юмшатиш керак. Кескинлик жуда кучайиб кетган. “Биринчи муҳаббат” сарлавҳаси ҳикоя талабига жавоб бермайди. Сарлавҳани алмаштириш керак. Умуман барча ҳикояларнинг, шунингдек, “Мақсад”нинг ҳам ёзилиш услуби яхши. Техник жиҳатдан нуқсон йўқ”, деди.

Тўғри, Мирза ҳам танқид қилаётганди, аммо шу билан биргаликда у иждокорни руҳлантириш, меҳнатга чорлашни-да биларди. Бу ҳар қандай танқидчининг қўлидан келавермайди ахир!

1981 йил 23 феврал.

Мирзага яна тўртта ҳикоя топширганман. Бундан ташқари “Йўловчи”, “Биринчи қор”, “Йигитликнинг кўчаси” ва “Бир дона нон”ни бутунлай қайта ишладим. Бир дона нон” илгари 6 варақ бўлса, энди 16 варақ бўлди. Ҳатто “Бир дона нон” ва “Йўловчи”ни ёзаётганимда қаҳрамонларга раҳмим келганидан кўзларимга ёш қадалиб қолди. Хўрлигим келади.

“Биринчи қор”ни эса ўзим қайта-қайта ўқийман. Тўймайман. Яна ва яна ўқийвераман. Шунақаям ширин ҳикоя эдики! Тўрт йилдан бери ижод қилиб, эндигина ўз ёзганларимдан ўзим қониқаётган эдим. Қувониб боряпман. Мақтов эшитиш истагидаман. Бу ҳикояларни ўқигандан кейин – мақтов нақд! Мен ҳикояларни уч кун олдин ташлаб кетгандим. Ҳисобим бўйича бугун ўқиб қўйган бўлиши керак. Ўзимнинг кун тартибим бор: кундуз дам оламан. Кеч соат бешдан еттигача ва тўққиздан ўн биргача ёзаман. Эрталаб калла тоза пайти таҳрир билан шуғулланаман. Ҳикоялар сони ҳар сафар тўрттага етганда машинкалайман. Атайлаб, санаторийга машинкамни ҳам олиб борганман.

Афсуски, баъзи сабабларга кўра Мирза янги ҳикояларимни ўқимапти. Мақтов эшитолмай қайтдим. Бари бир кайфиятим чоқ. Ҳикояларимдан кўнглим тўқ.

1981 йил 27 феврал.

Беш кун ётиб олиб, маза қилиб китоб ўқидим. Келсам, Мирза яна ишхонасида йўқ. Аммо ҳикояларимни ўзи билан бирга ишлайдиган бир қизга топшириб кетипти: “Мен яна шошилиш иш билан кетяпман. “Биринчи қор”ни ўқишга улгурмадим. Пала-партиш ўқишни ёмон кўраман. Ҳикояларингизда қаҳрамонларингизнинг яхши томонларига ҳам кўпроқ эътибор беринг, ўшанда ёмон томони ўз-ўзидан юзага чиқиб қолади. Салом билан Мирза”, деб бир парча қоғоз қолдириб кетипти. Ҳикояларни варақладим. “Бир дона нон”нинг охирига “Мана энди ҳикоя бўлипти, Абулқосим”, деган жумла қаламда битилган. Тўлқинланиб кетдим. Ахир тўрт йилдан бери ана шу жумлани эшитишни истаган ва эшита олмаётган эдим. Яна қайта кўз югуртаман: “Мана энди ҳикоя бўлипти, Абулқосим”.

Абулқосимнинг ҳам ёруғликка чиқадиган кунлари яқин, шекилли.

“Йўловчи”нинг охирига: “Яхши ҳикоя. Психологик таҳлил жойида”, деб ёзилган.

Бошим осмонга етди. Ўзимни қўйгани жой тополмайман. Мирзанинг сўзларини қайта-қайта ўқийман. Қувонаман. “Йигитликнинг кўчаси”га фикр билдирмапти. Тўрттанинг иккитасини тан олипти-ку. “Энди ҳикояларни яхшилаб ўзбекча машинкада оққа кўчириш керак. Ўзбекча машинка бўлиши шарт”, деб ёзипти. Санаторийда ётганимга икки ой бўлиб қолди Бемалол уйга бориб келиш мумкин. Эртага – шанба, индин – якшанба, санаторийда текшириш бўлмайди. Навбатчи ҳамширани огоҳлантириб, кетаверса бўлади. Ахир кичик “Москва” машинкасига қаноат қилмай, (таниш-билиш қилиб) катта, ўзбекча “Украина” сотиб олганман. Ҳозир уйда чанг босиб ётипти. Ўшани опкеламан.

Худди шундай қилдим. Бу орада “Сомон ўғрилари” деган яна бир ҳикоя ёздим. Ҳикоя ўзимга жуда ёқди.

1981 йил 9 март.

Мирза айтган еттита ҳикоя тайёр. “Сомон ўғрилари”, “Олишув”, (“Биринчи муҳаббат”нинг номини шундай ўзгартдим. Кейинчалик Одил ака уни “Алибек” деб номлади, газетада эса “Фаришта” номи билан эълон қилинди.), “Бир дона нон”, “Йўловчи”, “Суюнчи”, “Армон”, “Яшашнинг йўли”. Одил аканинг хузурига боряпман. Ҳар эҳтимолга қарши яна бир кўрсатиб ўтиш ниятида Мирзанинг ишхонасига борсам, йўқ экан. Қалтираяпман. Ҳаяжонланаяпман. Хаёлимда минг бир ўй. Сен билан гаплашишга вақтим йўқ, деса-я? Саволлар... саволлар... миямда ғужғон ўйнайди. “Бош муҳаррир ўринбосари” хонаси қулфлоглик экан.

Паришонхотир бўлиб, пастга тушдим. Нима қилишни билмайман: О бу ҳаёт! Қанчалар чигал! Қанчалар мураккаб! Ташвишларга кўмиб ташлайди одамни... ташвишларга бой...

Кираверишда дераза раҳига суяниб, ёзганларимни яна бир кўздан кечираётгандим, Мирза келиб қолди. Қувониб кетдим. Мирза шунақа! Доим қийинчиликка учраганимда ҳамдам бўлади. Оққа кўчирганларимнинг барини кўздан кечирди. “Сомон ўғрилари” яхшими?” деб сўради. Мен бунга кафилик беришимни айтдим. Қайси ҳикояни қай биридан олдинга, қай бирини кейинга қўйиш керак? Одил аканинг диққатини тортиш учун, албатта. Шуни муҳокама қилдик. Бошда санаб ўтганимдай қилиб жойлаштирдик.

- “Армон”ни олиб ташлаш керак. Қолган олти ҳикоя қошида жуда ғариблашиб қоляпти, - деди Мирза. - Одил акага энг зўр ҳикояларни олиб кириш керак. Қолган олтитаси ҳам етади.

Шу вақтгача ёзган ҳикояларим ичида мени тутиб тургани – “Армон” эди. Озод Шарафиддинов ҳам, Олимжон акам ҳам, бошқалар ҳам фақат “Армон”ни тан олишаётган эди. Энди янгилари қошида у ғариб! Демак, шунча кўп нарса ёзганим билан бари ғариб бўлган экан-да!

Соат иккига яқин яна Одил аканинг хонасига мўраладим. Тўрда, эшикнинг тўғрисида Одил ака ўтирарди. Биров билан шахмат ўйнапти. Учинчи бир киши ўйинни томоша қиляпти. Салом бериб ичкарига кирдим. Бурчакда Иброҳим Ғафуров креслога чўкиб, хаёл суриб ўтирган экан. (гарчи танқидий мақолаларини ўқиган бўлсам-да, Иброҳим аканинг ўзини ҳам кўрмаганман, у кишининг Иброҳим Ғафуров эканини менга Мирза айтди. Тошкентдай шахри азимда таниганим ёлғиз Мирза эди-да!)

- Хўш?! – сўради Одил ака, ўзига умидвор тикилиб турганимни билиб, ўзи шахмат ўйнашда давом этаркан.

- Ҳикоялар олиб келгандим.

- Ҳикоялар!?. – Одил ака яна бир шахмат донасини олға сургандан сўнг менга қаради. – Қаердансиз?

- Жиззахдан келгандим.

- Жиззахданмисиз? – Одил ака яна бир дона сурди. – Сиз бу ерга адашиб келганга ўхшайсиз. Ёзувчилар союзига борсангиз яхши бўларди. Ўша ерда ёшлар билан шуғулланадиган бўлим бор. Биласизми союзнинг қаердалигини?

Фикрларим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Ерга қарадим.

- Пединститутданмисиз? – сўради Одил ака.

- Йўқ, редакцияда ишлайман.

- Редакциядами?.. ҳм-м... – Одил ака шахмат тахтасига қараб ўйланди. Рақибини нотўғри юрганликда айблаб, доналарни жойига қайтарди.

Мен хонанинг ўртасида қаққайиб турардим.

Улар ўз-ўзлари билан бўлиб қолишди. Назаримда менинг чиқиб кетишимни кутишаётганди. Мен нима қилишимни билмай қолдим. Шумиди ахир умидим?! Тўрт йиллик орзу-армонларим шу қадар саробмиди? Одил аканинг мен ўқиган, мен эшитган ёшлар ҳақидаги фикрлари шумиди? Мен шу тўрт йил ичида нималарни ўйламадим, нималар қилмадим, не қийинчиликларга дуч келмадим, аммо ҳар сафар “ҳали Одил акага бораман, менга ёрдам беради. Ҳамма қийинчиликлар ортда қолади”, дея ўзимни ишонтириб юргандим. Энди... Ёшлар ҳақида куйиб-пишиб гапирадиган Одил аканинг ёшларга муносабати шу бўлса, союзи менга нима қилиб берарди! Агар ҳозир индамай чиқиб кетадиган бўлсам,.. шу билан тамом... Нима қилишим керак?.. Қайфиятим тамом бузилиб, иккиланиб турганим-да бурчакдаги Иброҳим Ғафуров мени гапга тутди:

- Жиззах бензоколонкасида танишларингиз борми?

- Йў-ўқ!

- Қайси куни келаётиб, бензинга кирсам, биттаси ўтирган экан, бензин йўқ деб туриб олди.

Охири дўқлашга тўғри келди.

- Йўқ, танишларим йўқ. Жиззахда икки йилдан бери ишляпман. Университетни битиргандан кейин йўлланма билан Жиззахга юборишган.

- Қайси университетни?

- Самарқанд университетини! Рус филологияси факультетини 1979 йили битирганман. Оиламиз Булунғурда яшайди.

- Ҳа-а, Булунғурданмисиз?

- Ҳа.

- Булунғур нима деганини биласизми?

Мен энциклопедияда ўқиганимни эсладим: “лойқа сув”. Шуни айтдим.

- Амир Темур лашкарини бир неча қисмларга бўлган, шулардан бири булғор, яъни кўшиннинг бу томони. Сизнинг булунғурингиз маъноси ана шундан келиб чиққан, - деди Иброҳим ака вазмин.

Мен эътироз билдира олмадим.

- Ойбекнинг “Навоий” сени ўқиганмисиз? – кўққисдан сўраб қолди Иброҳим ака.

Тўғриси, мен Ойбекнинг жуда кўп асарларини ўқисам-да, “Навоий”ни ҳали ўқимагандим. Кўп излаганман, аммо кутубхоналардан тополмаганман. Аммо ҳозир “ўқимаганман” дейишим мумкинмиди!

- Ўқиганман, - дедим. Қалтираб турипман, тагин шу романдан савол бериб қолмасин деб.

- Мотсиз! – Одил аканинг тантанавор овози жаранглади. – Сиздақаларни, ҳар қанча хийтирлик қилсангиз ҳам эзиб ташлаймиз. Эҳ-ҳе! – деди Одил ака кафтларини кафтларига ишқалаб, хурсанд кайфиятда. Демак, боя аҳволи оғир бўлган, шу сабабли мен билан гаплашгиси ҳам келмаган, энди... – Биласизми, союзнинг қаердалигини? – сўради Одил ака, менга ўгирилиб, иккиланиброк.

Мен Одил аканинг овозидан менга кескин гапириб юборганидан энди афсусланаётганини англадим.

- Одил ака! – дедим мен, - мен атайлаб сизга келганман!

- Менга? – Одил ака тирсақларини столга тираб бир зум ўйланди. – Ҳа яхши, опкелинг бўлмаса.

Менинг жоним кириб, юзимга қизил югуриб, газетага ўроғлиқ олтига ҳикоямни кўшқўллаб тутдим.

- Нечта? – сўради Одил ака, - варақларнинг у ёқ-бу ёғига шунчаки кўз югуртаркан.

- Олтита.

- Бўлмаса, бир ҳафталардан кейин келинг, ўқиб кўяман, - деди-да, Одил ака стол ғаладонини тортиб, ҳикояларимни ташлади ва яна шахмат доналарини тера бошлади.

- Қаттиқ танқид эшитишингиз мумкин, - деди Иброҳим ака оғоҳлантириб, далдали кулимсираб, - тайёрланиб келинг.

- Танқидларга ўрганиб кетганман, - дедим хурсандлигимни яширолмай ва даҳлизга чиқдим.

Юрагим ҳаприкиб боряпти. Сал қолди-я! Янаям худо ўнглади, бурчакдаги одам мени гапга солмаганда чиқиб кетишим аниқ эди. Кейин нима бўларди?? Безбетлик билан чиқмай туриб олганим учун ўзимдан хурсанд бўлиб қўйдим. Мирзага бордим. Бўлган воқеаларни айтдим.

- Яхши бўлипти, - деди Мирза хушнуд, - кейинроқ бу ҳақда эсдаликлар ёзасиз. Энди иложи борича ҳамма нарсани унутинг. Бир ҳафта деган бўлса жуда яхши. Ҳар эҳтимолга қарши икки ҳафта ўтказиб, ҳеч бўлмаганда ўн кун ўтказиб, кейин келинг. Одил ака катта киши, бир ҳафтада ўқишга вақти бўлмай қолиши мумкин. Кейинроқ келсангиз, ҳаммасини ўқиб қўйган бўлади. Сиз барини унутинг-да, яна янги ҳикоялар ёзинг. Иложи бўлса, бу келишингизда яна тўрт-бешта янги ҳикоя ёзиб келинг. (Мирза менинг янги ҳикоя ёзаверадиган темир аппарат эканимга ишониб бўлган эди, шекилли). Топширган олтитангиз билан чегараланманг. Балки сизнинг бошқа имкониятларингизни ҳам билгиси келар. Лекин шошманг. Янги ҳикояларингиз топширганларингиздан зўр бўлса бўлсин, паст бўлмасин. Ҳар бир янги ҳикояннгиз сизнинг янги-янги қирраларингизни очиб беравериши керак...

1981 йил 19 март.

Бу орада "Ёр-ёр", "Уч сўм пул" ва "Бахт" номли ҳикоялар ёздим. "Биринчи қор"ни қайта ишладим. Учта янги ҳикоя қилиб, Одил аканинг ҳузурига бордим. Орадан роса ўн кун ўтган.

Эшикни очишим билан шу томонга қараб ўтирган Иброҳим ака Ғафуров: "Ана, ўзи келди!", деб юборди. Ҳайрон бўлдим. Одил ака аллақандай қўлёмани эзиб-чизиб ўтирган экан. Бош кўтариб, мени кўрди-да, "Э, келинг, келинг", деб ўрнидан туриб, столни айланиб ўтиб, мен билан қўл бериб кўришди. "Ечининг" деб, мен то пальтомни ечиб, илгакка илганимча, қараб турди, кейин ёнига ўтирғизди.

Нимасини айтасиз. Ана муносабат, мана муносабат! Ўн кун аввал ва ўн кун кейин!.. Нафасимни ичимга ютдим. Одил ака яна таржимаи ҳолимни суриштирди, биринчи сафар ҳам сўраган эди, аммо эсидан чиқариб юборган. Мен такрорладим.

- Ёшингиз нечада?

- 1958 йили туғилганман. Йигирма учдаман.

Жавобим Одил акани қониқтирди, шекилли, Иброҳим ака билан кўз уриштириб олди.

- Китоблар ўқиб турасизми? – савол берди Иброҳим ака.

- Ҳа-а, - дея ажабландим мен. – Ахир китоб ўқимасдан ёзиб бўлмайдими-ку!

- Йўқ, сиз тўғри тушунинг, - деди Иброҳим ака, - баъзи ёш ижодкорлар бор-да, улар бошқаларнинг асарини ўқиб ўрганишдан кўра ўзлари янгисини ёзишни афзал билишади. Шу маънода сўраган эдим.

- Шукшинни ўқиганмисиз? – сўради Одил ака бехосдан.

- Ҳа, ҳозир ҳам ўқияпман, - дея тўрхалтамдан Шукшиннинг катта тўпламини олиб кўрсатдим. Доим ўзим билан китоб олиб юрадиган одатим бор. Автобусларда, бировни кутаётганда, бекорчи бўлиб қолган пайтларда шартта ўқишга тушаман.

Одил ака бир зум менга меҳр билан тикилиб қолди. Иброҳим ака ҳам хурсанд, ҳар замонда менга қараб қўяди. Хуллас, муомала тамоман бошқача. Мен уларнинг қўлига ногоҳ тушиб қолган тилладай эдим, агар адашмасам. Одил ака менинг олтига ҳикоямни столининг олти жойига алоҳида-алоҳида терди. Кейин бир чеккадан ҳаммасига ўз фикрини айтиб чиқди:

- Ҳаммаси ҳам яхши, бўладиган, бемалол газета-журналларда чиқариб юборишга арзийдиган ҳикоялар. “Сомон ўғрилари” эмас, “Сомончилар” деб қўяйлик. Майлими? Ниёзмат яхши одам. Чудак-да бу, чудак. Сомон ўғирлаши бор нарса. Ўғирликка кирмайди. Вақтида бизлар ҳам сомон ўғирлик қилганмиз.

- Мен ҳам сомон ўғирлик қилганман, - дедим жонланиб.

- Жуда яхши. Мана буни “Олишув” эмас “Алибек” деб атасак тўғри бўлади. Қарши эмасмисиз?

Нимаям дердим. Дамимни ичимга ютиб, маъқул тарзида бош ирғаяпман. Тўғриси, сарлавҳага уста эмасман. Одатда кўп ижодкорлар аввал сарлавҳа қўйиб, кейин ёзадилар. Мен аввал ҳикояни ёзиб бўлиб, кейин унга сарлавҳа ахтараман. Кўплар буни қоралашади. Начора! Менинг бўлганим шу. Кўпинча ҳикоя ёзаётганимда қаҳрамонимнинг тақдири нима билан тугагини ҳам билмайман. Илҳом билан ёзаётиб, асарга шунақа шўнғиб кетаманки, ҳамма нарсани унутаман. Воқеалар ривожини кузатиб, қоғозга тушириб боравераман. Ишга киришганимдан сўнг қаҳрамонлар менинг измимдан чиқиб, мустақил ҳаракат бошлайдилар, мен бор-йўғи кузатувчига айланаман. Масалан, “Йўловчи”да қамоқдан чиққан Тўлқин дастлабки режамга кўра ишга кириши керак эди. Аммо у яшаётган жойда қандайдир ҳодиса юз бериб, дарров буни Тўлқиндан кўришиб, айбсиз одамни қамаб қўйишлари керак эди. Ёзишни бошлагандан кейин эса мутлақо бошқа вазиятга дуч келдим. Қачон, қандай камалганини эслаб кетди. Изтиробга тушди. Хотини, ўғлини соғинганини англади. Қорни очикди. Ва ҳоказо... Мен мутлақо холис киши сифатида ҳолатларни, воқеаларни қоғозга туширавердим, холос.

- Алибек, Ниёзматлар чудаклар. Биласизми, Шукшиннинг ҳамма қаҳрамонлари чудаклар – ғалати одамлар. Айнан бизнинг ўзбек адабиётимизда шунақа образлар кам. Йўқ даражада кам. Сиз нимани қандай ёзиш кераклигини тушунисиз. Бу жуда яхши. Сизга ўргатиш, йўл кўрсатишнинг ҳожати йўқ. Сиз нима қилиш кераклигини яхши биласиз. Бизлар айнан сиз ҳозир тушунган нарсани – нимани ёзиш кераклигини тушунганимизча кўп йиллар ўтиб кетди. Кўп кучимиз сарфланди. Сочларимиз оқарди. Бизлар адабиётга кирганимизда “конфликtsizлик назарияси” ҳукм суларди. Бўш, олди-қочди асар бўлса ҳам мавзуси, кўтарилган муаммоси фаол бўлса, - шунинг ўзи кифоя эди. – Осмонларга кўтарилаверарди. Мақталаверарди. Ана шунақа асар ёзилиши керак, дейишарди. Жуда ёмон давр эди. Биз ҳам “шундай ёзиш керак экан”, деб юраверганмиз. То тушуниб етганимизча ёшимиз ҳам бир жойга етиб қўйди. Сиз эса ҳозирдан тушунисиз.

Одил аканинг гапларини тингларканман, ҳатто нафас олишга-да чўчирдим. Биронта сўзини эшитмай қолишдан кўрқардим.

- Яқинда, 1 апрелдан бошлаб “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” деган газета чиқа бошлайди. “Ўзбекистон маданияти”нинг ўрнига. Мухаррир – Асқад Мухтор. Биласизми, у кишини?

- У киши “Тулистон”да эди-ку, - дедим.

- Ҳозир янги газетани ташкиллаштираяпти. Биз у киши билан гаплашдик. Сизни биринчи сонга чиқармоқчи бўляпмиз. Душанба куни телефон қилиб, шундай гап, келади, кутинглар, дегандим. Ҳар куни кутамиз – келмайсиз. Улар ҳам “қачон келади?” деб сўрайди. – Сиз йўқсиз. На адрес қолдиргансиз, на таржимаи ҳол! Сиз тез боришингиз керак. “Алибек”ни чиқарамиз. Қайтадан машинкалаш керак. Машинкалашга пулингиз борми? Ё берайми?

- Ўзимнинг машинкам бор. – дедим. Лол эдим. Ҳатто қувониш эсимга ҳам келмасди. Ногоҳ кетма-кет бир зумда қуюлиб келаётган ғалабаларим барча кутганларимдан зиёда эди.

- Жуда яхши, - деди Одил ака. – Энди қачон редакцияга бора оласиз?

- Эртага.

- Биласизми? Редакция қаердалигини?

Тўғриси, билмасдим.

- Ўша, ҳамма редакциялар йиғилган бинодами?

- Ҳа, ўша ерда. Ҳали пропуск олиш керак. Ҳозир, - дея Одил ака қаергадир телефон қилди. Кейин билсам янги газета бош муҳаррир ўринбосари Ҳабиб Каримовни чақирган экан. – Ҳабиб, сизларга айтган йигит – Абулқосим келди. Эртага олдиларингизга боради. У Жиззахдан, Тошкентнинг қонун-қоидаларини билмайди. Эртага боришига соат... – Одил ака мендан нечада бора олишимни сўраб олиб айтди. – Ҳа, соат 11-12ларда. Абулқосим Мамарасулов, ҳа. – Одил ака телефон трубкасини жойига қўйди. – Ана, бу ёғини ҳам ҳал қилдик. Энди биринчи сонда чиқасиз! – деди Одил ака сўзига урғу бериб, бундан ўзи хузур қилиб.

Мен ҳамон бу чексиз бахтлардан карахт эдим.

- Биринчи ҳикоя чиққандан кейин бир ҳафтала ўткизиб, “Суюнчи”ни олиб борасиз. Айтамин. Чиқаришади. Мен бир-икки ойга Москвага баъзи бир ишлар билан бориб келаман. Унгача сиз мана бу – “Бир дона нон”ни қайтадан машинкалаб, мана, Иброҳим акангизга опкелиб берасиз. У киши ҳикояни Ойдин опангизга беради. Биласизми, Ойдин Ҳожиевани? У киши “Саодат”да ишлайди. “Бир дона нон” “Саодат”боп ҳикоя экан. – Одил ака Иброҳим акага ўғирлиди. – Шундай қилинг, Иброҳимжон. Яхши ҳикоя. Жуда яхши ҳикоя! – Одил ака яна бир бор таъкидлади. – Қолган ҳикояларингизни ҳам кейин журналларда чиқарамиз. “Гулистон”га, “Шарқ юлдузи”га берамиз. Ҳаммаси яхши ҳикоялар. Энди,.. асарларингиз ҳаммаси шуми?

Шу топда мен Мирзанинг топқирлигига, нима қилиш кераклигини билганига қойил қолдим.

- Ҳа, ҳозир ҳам янги тўртта ҳикоя олиб келганман, - дея тўрхалтамдан ҳикояларни чиқардим.

- Жуда яхши, - деди Одил ака қаноатланиб. – Сиз янги ҳикояларингизни ҳозирча менга берманг. Ўзингизда тура турсин. Мен Москвага бориб келай. Кейин биргалашиб, редакцияларга тарқатиб чиқамиз. То келганимча сиз бу олтига ҳикояни яна бир марта яхшилаб оққа кўчиринг. 1982 йил бўлар, 83 бўлар, китобга топширамиз. Айтгандай, нега исмингиз Абулқосим эмас, Абдулқосим? “Абдул” кўпроқ татарларда бўларди?

- “Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома”га шундай ёзиб қўйишган экан. Шундан Абдулқосим бўлиб қолганман.

- Ҳа, майли. Энди, ҳикояларингизни олинг, мана буни ҳам олинг. – Одил ака бир варақ қоғозни қўлимга тутди. Кўз югуртиб, тушундимки, Одил аканинг менга тилаётган “оқ йўли”. – Демак, эртага машинкалаб, олиб бориб берасиз. Сизни уч-тўрт кундан бери кутишяпти.

Одил ака коридорга мени кузатиб чиқди. Пиллапоялардан пастга тушганимча кузатиб турди. Учинчи қаватга тушдим, “Ёш гвардия”га, Мирзанинг ҳузурига шошилдим. Мирза хонасида йўқ. Ўша, бирга ишлайдиган қизча ўтирипти. Шу қизча орқали – бир-биримизни тополмаганимизда алоқа қилавериб, анча кадрдонлашиб қолгандик. Оғзим қулоғимда, кириб бордим. Дарров қоғоз сўраб олиб, Мирзага хат ёза бошладим. Кўтаринки кайфиятимдан қизча ҳам хурсанд бўлиб, сабабини сўради. Мен “Оқ йўл”ни олдига ташлаб, “ўқинг” дедим. Ҳали ўзим ўқиганим йўқ. Ўқишга журъатим етишмайди. Қалтираман. Одил аканинг гапларини боя шунчаки эшитиб ўтиргандай эдим. Бу сўзларнинг маъносини, кучини, менга

қанчалар мадад бўлишини энди ҳис эта бошлаган, эндигина карахтликдан чиқиб, қалбимда ухлаб қолган шодлик ғалаёни сиртга уфуриб чиқаётгани.

“Мирза! – деб ёздим. – Мени табрикланг! Одил аканинг “Оқ йўли” билан янги, апрел ойидан чиқадиган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” деган газетанинг биринчи сонидан ҳикоям босилар эмиш. Абулқосим. Имзо ўзимники”.

Бу орада қизча қувонганча тушуниши анча қийин бўлган Одил аканинг ёзувини ҳижжалаб ўқиш билан овора эди. Биргалашиб ўқидик:

“Ҳар сафар бирор ёш адиб асар олиб келганда бироз чўчиб турасан киши. Асар пишиқ бўлса-ку, нур устига аъло нур. Бўш бўлса-чи? Дунёда ёш ижодкорнинг кўнглини ўқитишдан ёмон нарса йўқ. Шу маънода мен ёш адиб Абулқосим Мамарасуловнинг ҳикояларини сал чўчинқираб қўлга олган эдим... Бироқ ҳикояларни ўқий бошладиму, шубҳаларим тарқаб кетди.

Абулқосим ҳикояларининг иккита фазилати бор: Биринчиси, ҳаётийлик, иккинчиси – юмор. Ёш адиб ўз қаҳрамонларини яхши билади, улар ҳақида меҳр билан, лабида табассум билан ҳикоя қилади. Шояд Абулқосим келгусида кўнт билан ижод қилиб, ўз қаламининг бу жиҳатларига сайқал берса.

Одил ЁҚУБОВ.

Тошкент”.

Икковлашиб яна бир марта ўқиб чиқдик. Қизча мени табриклади. Ўзимда йўқ, мен ҳам уни табрикладим. (Нимага? Ўзим билмайман.) Мирзага ёзган хатимни бериб қўйиш учун унга топширдиму, кўчага чиқдим.

Ҳаёт гўзал! Ҳаёт яхши! Борган сари қувончим ичимга сиғмай кетяпти.

Одил Ёқубов мени тан олди!!! Жуда катта ёрдамлар ваъда қилди!!! Мени ёнида бир соат олиб ўтирди! То пиллапоярларга қадар кузатиб чиқди. “Оқ йўл”да “ёш адиб” жумласини уч марта такрорлаган. “Ҳаваскор” демаган, “бошловчи” демаган. Мен энди Одил аканинг бу ишончини оқлашим керак!

Китоб чиқариш жуда қийинлигини, бунинг учун ижодкорлар тўрт-беш йиллаб навбатда туришларини эшитгандим. Демак, менинг китобим бир-икки йилда чиқиши мумкин!!!

Ҳар қалай тўрт йиллик меҳнатимнинг самараси бу! Одил Ёқубовга нисбатан ишончимнинг натижаси бу!!!

Ҳатто ўзим ишлайдиган кичкинагина кўптиражли газетада ҳам ҳикояларимни чиқаришмаган. Энди эса, осмондан тушгандай... Одил ака “Алибек” деб ном қўйиб берган ҳикояни биринчи марта ёзганда ўзим тан олмаган, ҳатто Мирзага кўрсатгим ҳам келмаганди. Етгита ҳикоя қилсам, демак битта тўплам бўлади. Кўпгина тўпламларни ўқиганда ичида албатта битта севги ҳақида ҳикоя бўлади. Шунини ҳисобга олиб, “Алибек”ни ёзгандим. Мирзага ўқишга бераётганда ҳам “энг кучсиз ҳикоя” деб, ҳикояларнинг тагига ташлагандим. Мирзага эса айнан ўша ҳикоя жуда ёққанди. Ҳаяжонланиб, қайта-қайта шу ҳикоя ҳақида гапирган, Алибекнинг арига таланиши, ҳамма-ҳамма воқеалар жуда табиий, ҳаётий эканини такрорлаганди. Мен эса ҳайрон бўлган, у ҳикоядан ўзим учун тузукроқ нарса тополмагандим. Шунчаки, севги ҳақида битта ҳикоя бўлиши шартлигини ҳисобга олгандим... Одил акага ҳам айнан шу ҳикоя ёқпти. Шу ҳикоя Абулқосимнинг юзини биринчи бор ўқувчиларга намоиш этиши керак. Менинг ўзимга кўпроқ “Бир дона нон” билан “Йўловчи” ёқарди. Айниқса, “Йўловчи”ни тугатгандан кейин Жиззахга Ҳабибга, Олимжон акамга хат ёзиб, гениал, ўлмайдиган асарни дунёга келтирганимни, бу ҳикоя менга шуҳрат келтириши тайин эканини ярим ҳазил, ярим чин тарзда баён қилгандим. Ҳар қалай Шарофат билан Тўлқиннинг кечмишларини қоғозга тушираётганда ўзим ҳам неча бор йиғлаб олганман. Кўзларимга ёш қадалиб қолган ҳолда ёзаверганман.

1981 йил 20 март

Ҳикоя ва “Оқ йўл”ни машинкалаб келсам, кеча тайинлангандек, “пропуск” мени кутиб турарди. Одил ака айтгандай, Ҳабиб Каримовни излаб топиб бордим. Мени Одил ака

юборганини айтиб, ҳикоя билан “Оқ йўл”ни топширдим. Ҳабиб ака хурсанд бўлиб кетиб, мени дарров масъул котиб Маматқул Ҳазратқулов хузурига етаклаб борди. Таржимаи ҳолимни ёздириб олишди. Ҳамма ходимлар мен билан жуда яхши муомала қилишарди. Ҳаммаси Одил ака туфайли.

- Ўҳ-ҳў, сизни уч марта “адиб” деб атапти. Шу сўзни ўзгартамыз-да, сиз ҳали адиб бўлганингизча йўқ-ку, тўғрими? – деди улардан бири, Одил аканинг “Оқ йўл”ини ўқиркан. Мен нима ҳам дердим: “Ўзларингиз биласизлар. Ҳаммаси Одил аканинг гаплари”.

Х

х

х

Қувончимни ўртоқлашиш учун яна Мирзанинг олдига шошилдим. У мени кучоқ очиб кутиб олди. Ўзида йўқ хурсанд. Мендан кўра у кўпроқ хурсанд. Кеча мен ташлаб кетган хатни ўқиб кўриб, ўзини қўйгани жой тополмай қолипти. “Кўзларимга ишонмайман, - дейди Мирза, - ўқийман, кўзларимга ишонмайман. Шодлигимни сиғдиролмай, коридорга чиқдим. У ёқ-бу ёққа бир-икки айландим “.

Мен кечаги ва бугунги воқеаларни батафсил айтиб бердим. Мирзанинг айтишича Одил аканинг хузурига жуда кўп ёшлар келармиш. Аммо уларнинг аксарияти хом-хатала асарини тутқизади-да, чиқариб беринг, деб хиралик қилиб туриб олармиш. Бундан Одил аканинг ўзи ҳам чўчиб қолган. “Оқ йўл”да айтган гаплари ана шу сабабли. “Сиздай, ҳамма ҳикоялари бир текис, тайёр ёзувчи камдан-кам учрайди. Шунчалар қилиптими, энди Одил аканинг этагини маҳкам тутинг. Энг асосийси, энди сиз у кишининг сиз ҳақингиздаги тасаввурини алдаб қўйманг. Янги асарларингиз Одил ака ўқиганларидан-да кучлироқ бўлиши шарт.”

Кечга томон санаторийга қайтиб келиб, қувончимни ичимга сиғдиролмай, Жиззахга – Пединститут профессори, адабиётчи, акам Олимжон Жўраевга, дўстим Ҳабибга, уйга – Барлос қишлоғига – онамга, булунғурдаги болалик дўстларим Алибек ва Тоштемирларга бўлажак воқеа ҳақида хат ёздим. Газетани кутиб, сотиб олишлари лозимлигини таъкидладим.

Х

х

х

Шундан сўнг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1981 йил 3 апрелдаги биринчи сонидан менинг “Алибек” ҳикоям “Фаришта” номи остида суратим ва таржимаи ҳолим қўшилган тарзда Одил Ёқубовнинг “оқ йўл”и билан нашр этилди. Шу йил шу газетанинг 19 июн № 12 сонидан “Суёнчи” номли ҳикоям «Қариндош» номи билан дунё юзини кўрди. “Саодат”нинг 1981 йил ноябр №11 сонидан “Бир дона нон”, “Шарқ юлдузи” журнали 1982 йил №1 сонидан “Йўловчи”, “Тулистон” журнали 1982 йил №1 сонидан “Уч сўм пул” ҳикоям “Ота меҳри” номи билан эълон этилди.

Кунлардан бир кун Одил ака билан ҳангома қилиб ўтирганимизда Одил ака анча ранжиб:

- Бўлмапти, қирқиб ташлашипти. – деди.

- Ҳар ҳолда чиқди-ку, - дедим мен.

- “Бир дона нон”ингни биринчи марта ўқиганимда кўзларимдан ёш чиқиб кетганди.

Ҳаммаси рост гаплар эди. Журнал вариантыда ана шу “титратиб юборадиган ўринлар” олиб ташланган, - деди Одил ака.

“Уч сўм пул” тақдири ҳам ана шу тахлит кечган, журналда аёвсиз таҳрирга йўлиқиб, чўлтоқ бир нарса эълон этилганди.

Х

х

х

1982 йил 26 март

Яқинда, феврал ойида Мирзанинг уйида мен, Аҳмад Аъзам ва Мирза учаламиз Мирзанинг туғилган кунини нишонладик. Гап шу куннинг насри устида айланди.

Мен ўтган йили биринчи бор ҳикояларимни кўтариб, Мирзага қатнаб юрган кунларим, Аҳмад Аъзам “Ёшлик” альманахида муҳаррир бўлиб ишлаб юрган. Мирзага менинг ҳикояларим ёқиб қолгандан сўнг бу тўғрида Аҳмад акага айтган, аммо Аҳмад ака “ҳар кимни менга жўнатаверма”, деб қўл силкиган. Одил ака менга “оқ йўл” тилаб, Асқад Мухтор билан гаплашиб, ҳикоям янги газетанинг биринчи сониди эълон этиладиган бўлгандан сўнг Мирза шу тўғрида айтса, Аҳмад ака: “Э, Одил ака кўнгли бўш одам. Унча-мунча нарсагаям ҳайратланаверади”, деган экан. Шунда Мирза яна мени мақтаган, кейин Аҳмад ака: “Бўпти, Абулқосимнинг бир-иккита ҳикояси билан жўнат”, депти. Мен “Сомончилар” билан “Биринчи қор”ни олиб бориб бердим. Аммо бир ҳафта ичида альманах чиқиши тўхтатилиб, Аҳмад ака у ердан ишдан бўшаб кетди. “Фаришта”ни газетадан ўқигандан сўнггина Аҳмад аканинг мен тўғримдаги фикри бирдан ўзгариб, ўзида қолган ҳикояларимни топиб ўқиган ва мен билан обдон суҳбатлашган ва ҳайратини яширмаган эди.

Ўша пайтлари, 1982 йил 1 январдан альманах ўрнида янги журнал чиқиши режалаштирилиб, Одил ака янги журнал раҳбарлари билан ҳам гаплашиб, менга яна “оқ йўл” тилаб, “Сомончилар” ва “Ёр-ёр” номли ҳикояларимни янги журнал идорасига ўз иши билан бораётган Аҳмад Аъзам орқали бериб юборган экан. Мен бу воқеалардан беҳабар, Жиззахда ишлаб юрганман. “8 ноябр 1981 йил Тез етиб кел Ҳикояларинг наир этиляпти Салом билан Одил”. Мазкур телеграммани олишим билан Тошкентга, Одил аканинг хузурига учдим. Одил ака бўлган воқеаларни айтиб, мени янги журналга жўнатди. У ерда мени янги журнал наср бўлими мудири Эркин Аъзамов билан бўлим муҳаррири Хайриддин Султоновлар катта қизиқиш билан кутиб олишди. Хайриддин “Сомончилар”имни таҳрирдан ўтказиб, биринчи сонга тайёрлапти.”Ёр-ёр” номли ҳикоям қолдирилипти. “Унда анча эзмаланипсиз”, - деди Эркин Аъзамов. Кейинги кунларда кўплар менга шу ҳақда айтаётган бўлса-да, дастлабки мислсиз ғалабалар оғушида мен бу тўғрида фикр юритишни мутлақо истамас, ёки ўз эзмалигимни кўра билмас эдим. Мени янги журналнинг бош муҳаррири Эркин Воҳидовга дуч қилишди. Эркин ака ҳам менинг “Сомончилар”им Одил Ёқубовнинг “сўз боши”си билан янги журналнинг биринчи сониди чиқишини айтди. Мана ўша “сўз боши”:

“Бундан бир йил муқаддам мен “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ёш адиб Абулқосим Мамарасуловнинг ижодига оқ йўл тилаган эдим.

Ёш адибга оқ йўл тилаш савоб иш-ку, бироқ бу ишнинг хатарли томони ҳам йўқ эмас. Ёш ёзувчи сизнинг ишончингизни оқласа-ку, нур устига аъло нур, борди-ю, оқлай олмаса-чи?

Мана, бугун мен Абулқосим Мамарасуловнинг “Ёшлик” журналида эълон қилинаётган “Ёр-ёр” ва “Сомончилар” деган ҳикояларини ўқиб, бир йил аввал унга оқ йўл тилаганимдан мамнун бўлдим. Бу ҳикоялар адабиётимизга истеъдодли бир ёш ёзувчи кириб келаётганидан далолат беради. Ҳикояларнинг бош гоёси – инсон масъулиятидир.

Биз одатда инсон тарбияси тўғрисида кўп ёзиб, инсон масъулияти ҳақида кам ёзардик. Ҳолбуки жамият аъзосининг бахти фақат тарбияга эмас, унинг ўз ҳаётига масъулият билан ёндошишига, яъни босган қадамига ҳам боғлиқдир. Абулқосим Мамарасулов бизнинг эътиборимизни шу муҳим масалага қаратган.

Ҳар иккала ҳикоя чуқур психологик таҳлил, инсон руҳининг нозик тебранишларини нозик ифода этиш, инсоний меҳр, илиқ юмор ва бошқа яхши фазилатлари билан кишини мафтун қилади. Ўйлайманки, менинг бу фикримга “Ёшлик” журналининг ёш китобхонлари ҳам қўшилажак”.

Мен қайтиб келиб, Одил акага бўлган воқеаларни айтиб, “Ёр-ёр” қолиб кетаётганига урғу бердим.

- “Сомончилар”ни чиқариб олаверинг-чи, - деди Одил ака мийиғида кулимсираб, - кейин Абулқосим Мамарасулов бўлиб кетсангиз, ўзлари илтимос қилиб чиқаришади. Ўшанда бу ҳикояни уларга чиқаришга берасизми, йўқми, ўйлаб кўрасиз.

Кейин 1982 йил январида бирин-кетин “Гулистон” ва “Шарқ юлдузи”нинг янги йил сонларида ҳикояларим эълон қилинди. Янги “Ёшлик” журналининг биринчи сони эса Абулқосим Мамарасуловсиз чиқди. Ҳайрон бўлиб, Тошкентга бориб, Одил акага учрадим. Одил ака мени вазиятни аниқлаш учун журналга жўнатди. У ерда мени Хайридин кутиб олди.

- Мен ҳикоянгизни тайёрлаган эдим. Чикмай қолиш сабабини бош муҳаррир сизга тушунтиради, - деди.

Мен бош муҳаррирга дуч бўлдим.

- Ҳикоянгизда сомон ўғирлаётган қишлоқ кишиси милиционернинг кўлига тушиб, жазоланипти, - деди бош муҳаррир. – Сомон ҳар ерда қолиб кетадиган хашак-ку, шуниям муаммо қилиб кўтариб юришга арзирмикан, ҳеч бўлмаса бир қоп бугдой ўғирлаб кўлга тушсаям бошқа гап эди. Шунинг учун ҳам ҳикоянгизни қолдирдик. Биз янги журнал ташкил қилдик. Биз ҳар бир асарга энг юқори талаблар даражасидан қараймиз...

Мен Одил акага қайтиб келиб, суҳбатлар мазмунини айтдим. Тўрт йиллик азобдан кейин, салкам бир йил осмон-фалакда учдим. Ҳикояларим бетўхтов республиканинг энг обрўли газета-журналларида нашр этилди ва... ниҳоят осмон-фалакдан яна ерга қайтиб тушдим. Қоқилдим. Ва мен ҳамма нарсага қодир деб ҳисоблаган Одил аканинг ҳам янги журналга тиши ўтмай қолди.

- Бўпти, сиз бораверинг-чи, - деди Одил ака хаёл суриб қолиб. – Нимаям қилардик. Мингта пайғамбардан битта худо яхши дейишади-ку. Мен ҳам худо эмасман... Фақат сиз кайфиятингизни туширманг. Янги-янги асарлар ёзаверинг. Сиз ёзсангиз бўлди. Ёзилган нарса яхши бўлса, ўзи йўл топиб, бари бир чиқиб кетади.

1981 йил ёзида Тошкентга борганимда Одил ака Жиззахда Нормурод Холмуродов деган совхоз директори борлигини, у киши ҳақида кўп нарсалар ёзиш мумкинлигини айтган, кейин мен Нормурод Холмуродовни топган, у киши билан бир кун бирга юрган, Нормурод ака фахр билан Одил Ёқубов “Диёнат”да исмидан ҳам, фамилиясидан ҳам фойдаланганини айтган, кейин мен шу киши ҳақда очерк ёзиб, Одил акага етказган эдим. Ва бундан ташқари неча йиллар ижод дунёсида заҳмат чекканларим тўғрисида хат ҳам ёзган эдим. Шунга жавобан Одил аканинг мактуби:

“Дўстим Абулқосим!

Очеркингизни ўқиб чиқдим. Жуда шошиб ёзибсиз. Мен “бир кечада ёздим”, деганингиздаёқ чўчиган эдим. Фикр йўқ, бошдан оёқ ҳамду-санолардан иборатким, бунга на Нормурод ака муҳтож, на китобхон.

Бундан кейин жиддий бўлинг, масъулият туйғуси ҳамиша қаламингиз устида ҳоким бўлсин!

Ҳикояларингиз вақтида босилмаганидан кўп ўқинманг. Ҳаммаси босилади, махталади, пул деган “сен же, мен же”, бўлиб, шон-шухрат тагида қолиб кетасиз ҳали!

1-нчи январдан (боринги февралдан дейлик) ёшлар журнали чиқадиган бўлди. Эҳтимол бир қатор ҳикояларингизни ўша журналга тавсия қилармиз.

Очеркни танқид қилганимга ранжиманг. Ака деган қаттиққўл бўлмаса ука деган талтайиб кетиши мумкин.

Салом билан Одил Ёқубов

1981 йил 6 сентябр.

Айрим ижодий давраларда мен “Одил Ёқубов устозим” дея гапирганимда ҳатто менинг ўзимга, юзимга ҳам “Одил Ёқубов устозинг эмас, у киши шунчаки сенга йўл очиб бераётган одам. Ҳолбуки, бу йўлни сал қийинчилик билан бўлса-да, ўзинг ҳам очиб олишинг мумкин

эди” деганлар бўлган, улар билан неча бор бахслашган эдим. Улар балким ҳақдир, балким ноҳақдир, лекин нима бўлганда ҳам мен ҳамиша – ўша, “Ота изидан”ни ўқиб таъсирланган 4-5 синф ўқувчиси эканлигимдан бошлаб - Одил акани устозим деб билганман ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Қуйидаги хат Одил аканинг менга биринчи жавоб хати:

“Дўстим Абулқосим!

Хатларингизни олдим. Раҳмат. Мен съезддан сўнг бир оз Москвада, тўғрироғи Москва яқинидаги бир жойда ётиб ишладим. Тошкентга кеча келдим, бугун ишга чиқиб, хатларингизни олдим.

Албатта, яхши сўзларингиз учун раҳмат. Биринчи мактубингизда қийинчиликлар ҳақида анча гапирисиз. Шунни билиб қўйингки, ёзувчи қийинчиликлар воситасида одам бўлади. Яъни кишини ёзувчи қиладиган омиллардан бири ўзи қийинчиликлардир. Ҳаётда бошига ташвиш тушмаган, таралло-ялло қилиб юрган оамдан ёзувчи чиқиши мумкин эмас. Нега? Чунки ёзувчи деган сўз биринчи навбатда дард ва ҳамдардлик деган сўздир.

Сизнинг ижодингиз, ишларингиз яхши. Журналларга берилган нарсалар чиқсин, яна ҳам яхши бўлиб кетади.

Биз 82 йилга кичик бир китобчангизни чиқариши ниятидамиз. Кейин 83-84 йиллари каттароқ тўпламларингизни чиқаришига ҳаракат қиламиз. Сиз фақат шошманг. Шукшин, Вампилов (ҳам драматург, ҳам ҳикоянавис), В.Белов, Б.Можаяев каби истеъдодларни кўпроқ ўқинг. Дунёда галат одамлар кўп (чудақлар), шулар ҳаёти билан кўпроқ қизиқинг. Чунки чудақлар – ҳамиша яхши одамлардан чиқади. Бизнинг ёзувчиларимиз (Ғафур Ғулумдан бошқа) бу ҳақиқатни ҳали яхши тушунишгани йўқ.

Ойингиз саломат бўлсинлар. Салом айтинг.

*Энг яхши тилақлар билан Одил Ёқубов
1981 йил 30 июл”*

Ана шунақа гаплар.

Янги журнал мени тан олмагани менга жуда қаттиқ таъсир қилди, шекилли. Энди қаерда пайдо бўлсам, мени кўш-қўллаб кутиб олаверишади, тўрга ўтказаверишади. “Ў, бу Абулқосим Мамарасулов, кимсан Одил Ёқубовнинг шогирди” дея ҳайратга тушаверишади”, деб ўйлаганман, шекилли-да. Шоша-пиша биринчи бор ҳикояларимни чиқарган журналлар ҳам 1982-83,84 йиллари Абулқосим Мамарасуловни кўрса терс ўгириладиган, олиб борган ҳикояларимни шувиллатиб орқага қайтарадиган бўлишди.

Абулқосим Мамарасулов Одил Ёқубовнинг думи деган гаплар ҳам чиқди, шекилли. Мен бу гаплардан мутлақо беҳабарман, Жиззахда юраман, ойда-йилда ёзган-чизган нарсаларимни кўтариб Тошкентга, журналларга кирсам, ҳалигидақа муомалаларга дуч келаман, Ҳайрон бўламан. Одил акаям ҳайрон бўлади. Мирзага бораман.

- Мен уларга айтдим, - деди Мирза бир сафар. – Нимагадир улар сизни тушунишмаяпти.

- Меними, ҳикояларимними?

- Унисиям, бунисиям. Уларнинг қўлида иккита рўйхат бор: асари чиқадиганлар ва чиқмайдиганлар. Сизни иккинчи рўйхатга киритишипти. Мен уларга айтдим, Абулқосимнинг Одил Ёқубовга алоқаси йўқ, дедим.

- Нега энди?! Одил Ёқубов менинг устозим! Нега энди мен Одил акадан тонишим керак?

- Ҳикояларингизни чиқармоқчимисиз ахир?

- Одил Ёқубовдан воз кечиш эвазига эмас!

Х х Х

Одил Ёқубов Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси наср секцияси бошлиғи эди. Ана шу йиғинларнинг бирида Одил ака секция раҳбари сифатида янги журналга ёш ижодкорнинг асарларини тавсия қилганию, журнал раҳбари дону-сомоннинг фарқига бормай, ёшлар йўлига тўғаноқ бўлганини айтган ва... натижа...

1982 йили бир кун Одил аканикига борсам, хафа бўлиб, руҳи тушиб ўтирган экан. “Шарқ юлдузи” журналида Мамадали Маҳмудовнинг “Ўлмас қоялар” номли романи эълон қилинган бўлиб, роман Русиянинг Туркистонни босиб олиш жараёни ва шу жараёнда

махаллий миллат вакилларининг босқинчиларга қарши жанг қилиши тасвирланган. Эътибор беринг, 1982 йил. У пайтлари “Россия Туркистонни босиб олган эмас, балки биз ихтиёрий тарзда Россияга қўшилганимиз” айтиларди тарих китобларида. Романда кучли миллатчилик руҳи бор, романни журналга Ёзувчилар уюшмаси наср секцияси раҳбари тавсия қилган” деган баҳона билан раҳбарлар томонидан Одил ака қаттиқ нишон остига олинган экан.

- Умуман олганда роман яхши, лекин романнинг шундай-шундай камчиликлари бор, шуларни тузатса, бемалол эълон қилса бўлади”, дея журналга тавсия қилган эдим, - деди Одил ака.

Мамадали Маҳмудов эса романнинг ҳеч қаерига тегмай, журналда чиқартириб юборган. Кейин нишонга Одил Ёқубов олинган. Яхшиям тавсияда, тафсиномада барча тузатиш керак бўлган ўринлар айтилган бўлиб, шунинг эвазига Одил ака омон қолган.

- Ношуд шогирд! – деди Одил ака аламли бир алфозда, - мана шунақа қилиб, устозини уятга қолдиради.

Ер ёрилмадию, мен кириб кетмадим. Гўё бу гаплар менга нисбатан айтилаётгандай эди. Қаттиқ эзилиб ўтирган бўлишига қарамай, Одил ака менинг аҳволимни англадию, яна мендан хол-аҳвол сўради. Ўзи далдага муҳтож бўлиб ўтирган холда менга далда берди.

Х

х

х

1982 йил кузида Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти менинг “Суюнчи” номли китобчамни “АБК” (Авторнинг биринчи китоби) серияси остида нашр этди. Нашриётга, Одил аканинг олдида борганларимнинг бирида Одил ака мени хоналарга етаклаб бориб, мени таништирган, проза бўлими мудираси Лола Тожиева менинг манзилимни ёзиб, шартномаларга қўл қўйдириб олган, шу тахлит китобча қўлимга текканга қадар ҳам унда қайси ҳикояларим босилаптию, ҳажми қанча, ранги қанақа, билмаганман. Ҳаммасини Одил ака ҳал қилган. Қўлида қолдирган ҳикояларимдан ўзи танлаб, ажратиб берган. Китобчам нашр этилган кунлари Одил ака “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига бош муҳаррир бўлиб ўтди.

Мен ҳамон барча редакцияларни қайтадан забт этишга беҳуда уринар, беҳуда уриниш натижасими, тайинли бир нарса ёза олмасдим. Кейинги вақтларда редакциядагиларнинг талабларини ўзимча ўрганиб, янги нарсаларимни ўзимча уларнинг талабларига мослаб, қайтадан ёзардим. Натижада янги вариант аввалгидан баттар бўлиб, ёзганимдан - бир вақтлардагидай - ўзимнинг кўнглим тўлмасди. Шундай бўлса-да, - мослашиш илинжида! – яна журнал эшигини тақиллатардим. Ва табиийки...

- Ҳар қалай аввалги вариантнингизда нимадир бор эди. Буниси,.. – ҳайрон бўлиб елка қисди Эркин Аъзамов. – Хуллас, сиз бизнинг қолипларимизга тўғри келмаяпсиз.

1984 йилга қадар, 1984 йили ҳам шу ҳол давом этди. Шундай кунларда Одил акадан яна хат олдим:

“Дўстим Абулқосим!

Батафсил ва самимий хатингиз учун раҳмат. Берган, биласизки, ёзувчи тугул худога ҳам ёққан, демак, мактубиниз фақир-ҳақирга ҳам ёқди.

Кўп гапларингиз ўринли. Лекин ўринсизлари ҳам йўқ эмас. “Нигилистлар” нима дейишса дейишаверишсин. Асар беш-ўн та жумланинг ундай ёки бундай таҳрир қилиниши билан баркамол бўлиб ҳам қолмайди, ерга ҳам кириб кетмайди. Шахсан мен ҳақиқий асар ёзиб, умумхалқ муҳаббатига сазовор бўлган нигилистларнигина тан оламан, қолган нигилистлар менга қолса осмонга қараб, ит бўлиб ҳуришсин.

Сизнинг китобингиз ҳақида келганингизда гаплашамиз. Бир келиб кетинг!

Салом билан Одил Ёқубов.

1983 йил 6 март”

Мен 1981 йил апрелдан 1982 йил январгача ўнга яқин ҳикояларим энг катта журнал-газеталардан эълон қилиниб, бир-бир ярим йил ичида – мислсиз даражада тез! – китобим ҳам

нашр этилган, мисоли улкан чўққиларнинг этагида бу ерга қандай кўтарилсам экан, деб айланиб, тимирскиланиб юрган ёш ижодкор, гўё қанот боғлаб, чўққи устига чиқиб олгандим. Энди эса ана шу чўққидан шувиллаб пастга думалаб борар эдим. Ва бу сафар мени ҳатто Одил аканинг далдалари ҳам тўхтатиб қололмаётган эди.

Айтишларича, биринчи китобчам чиққандан сўнг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига китобчамни қаттиқ танқид остига олган хатлар қуюлиб кела бошлаган. Ўша пайтлари Аҳмад Аъзам газетанинг адабий танқид бўлими муҳаррири эди. Ҳикояларимни маъқуллаган биронта ҳам хат бўлмаган. Шундан сўнг Аҳмад ака бош муҳаррир таклифи билан барча мактубларни жамлаб, улар ичидан Мансур Аҳмедовникини танлаб, унинг тимсолида барча хат эгаларига жавоб эълон қилди. Ушбу нарса газетанинг 1982 йил 15 октябрида “Бир китоб ҳақида икки фикр” рукни ости босилди:

“ҲИКОЯ ШУНДАЙ ЁЗИЛАДИМИ?”

Яқинда ёш ёзувчи Абулқосим Мамарасуловнинг “Суюнчи” деган илк ҳикоялар тўпламини ўқиб қолдим.

Ҳикояларни ўқиганимизда ёш ёзувчи, тўплам аннотациясида айтилганидек, асосан “оти нималигини билиб бўлмайдиган сирли тўғуллардан боши айланадиган, юрагига игна санчиладиган” ўспиринларнинг нозик кечинмаларини қаламга олиши аён бўлади.

Лекин қай тарзда, қай даражада? Мана, “Ёр-ёр” деб аталувчи биринчи ҳикоя.

Ўрта мактабни яқиндагина битириб, совхозда ишлаб бошлаган Абулхайр деган ўсмир йигит бир дўстининг тўйида куёвнавкар бўлиб жўралари билан келинникига келади ва у ерда “тўйгунча ичиб”, кайфи ошиб қолади. Шундан кейин унинг куёв дўстига ҳаваси келиб, бирданига (буни қаранг-а!) ўзининг ҳам уйлангиси келиб қолади. Ўша кечаси у маҳалласидаги ҳали муҳаббат изҳор қилиши у ёқда тугул тузук-қуруқ гаплашмаган ҳам бир қизнинг уйига бостириб киради. У ерда қизни авраб ётганида отаси хабар топади. Қаҳрамон “бўлажак қайнота”сини уриб, йиқитиб, қочади. Шу оқишом у Қарши чўлига “ишлаш учун” жўнаб қолади.

Бор гап шу.

Ахир бу гаплардан тузукроқ мантиқ тополмаймиз-ку!

Бу ўринда автор Абулхайрни шундай ўйлантириб қўяди: “...Ўн саккиз-ўн тўққизга кириб қолди. Отаси бўла туриб, нега ўйлантирмайди? Ўзиям йигитмисан йигит, битта хотинни эплайди”. Бундай тутуруқсиз фикрлар тобора давом этади: “...Ўйланиши маза-да. Айниқса, ҳозир... Мана, куёв йигит келиннинг ёнига киради. Биринчи кеча. Машиат... Қанийди, Абулхайрнинг отаси ҳам ,кел, ўғлим ўйлантириб қўяй, деса. Демайди. Дейишни ўйламайди”. Шуниси таажжубланарлики, Абулхайр бу тутуруқсиз ўйлари билан чекланиб қолмай, сиртидан, ҳаммага эшиттириб ҳам айтади: “Биз ҳам келин-куёвга бахт тилаймиз. Биринчи кечаси муваффақиятли ўтсин” (?!). Наҳотки ўн саккиз-ўн тўққизга кирган йигит келиннинг уйида шу гапларни айтса? Ахир бу ерда катталар, ҳатто ўз отаси ҳам бор-ку! Бунинг устига “унинг гапини маъқулловчи, руҳлантирувчи қийқириқлар эшитилди. Кимдир отасига: “Ўғлингизнинг гапига қулоқ солинг, зўр гапларни айтяпти”, дейди”, тарзида баён қилади автор ва Абулхайрнинг тилига баттар эрк беради.

Энди мана бу кўчирмага эътибор берайлик: “Улбозор индамади. Демак, рози. (учрашувга – М.А.). Нима, қиз болалар ўпишишини, қучоқлашишини хоҳламайдими. Улар ҳам одам. Ёш бўлгандан кейин йигитлик гаитини суриб қолиши керак. Эртага уйланса, ким билади, қанақа хотин учрайди... Иложи борича ҳозир ўйнаб қолиши керак. Аввало қўлга тушмайди, мабодо қўлга тушса ҳам унчалик қўрқадиган жойи йўқ. Зўр келса уйланади-қўяди. Тайёр беғул хотин уйга келиб турипти. Ёқмаса, бир-икки ой хотин қиладую, кейин қўйиб юборади. Тамом”. Ахир бу автор нутқи-ку! Буни қандай баҳолаш мумкин?!

Шундан кейин қаҳрамон шўрлик шунақанги бачкана хаёлларга борадики, негадир беихтиёр авторга ачиниб кетасан, киши.

Абулқосимнинг “Суюнчи” деб номланган иккинчи ҳикояси ҳам шу каби “фазилатлари” билан “Ёр-ёр”дан қолишмайди. Ёзувчи ҳар қадамда фойда ундирадиган, илоннинг ёгини

ялаган, айёр кишилар қиёфасини ҳайдовчи образи орқали, унинг ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ёрдамида очиб беришни ният қилган. Бу яхши албатта. Лекин ҳикоя ўта қуруқ, баёний тилда ёзилганлиги, унга китобхонни ишонтирадиган, ўйга толдирадиган, мантиқлироқ хотима ясалмаганлиги оқибатида муаллифнинг бу нияти ҳам амалга ошмай қолган.

“Лапас ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Назарида худди кечагина чақириқ қозозини олгандай, кўз очиб юмгунча икки йил ўтиб кетибди”, деб боиланади ҳикоя.

Боринги, бизнинг Лапасимизга шундай туюлди ҳам дейлик. У ҳолда, шу кайфиятдаги одам уйига бамайлихотир, гўё икки соат кўчани айланиб келгандек: “Қалай, яхши ўтирибсизларми, мен келдим”, деб киравериши керак эди-ку. Бироқ ҳикоя: “Лапаснинг қулогига гап кирмасди. – Онажон, мен келдим, - деди пичирлаб, - мен келдим!” қабилида тугалланади.

Бундан ташиқари ҳикояда персонаж нутқида хос бўлмаган “Шонли Совет Армиясининг солдатлари ҳар доим ҳушёр қўриқлайдилар” каби иборалар ва “бир ҳаяжонига ўн ҳаяжон қўшилди”. “ҳовлидан жавоб эшитилди” сингари бачки сатрлар учрайдики, китоб зеҳн билан таҳрир қилинганига ишонгимиз келмайди.

Абулқосим охирги ҳикоясида яна қишлоқ ўсмирлари ҳаётини, тўғрироғи биринчи муҳаббат масаласини қаламга олади. Менинча, шу ҳикоя тўпلامга киритилмаганда балки нуқсонлар бироз камаярмиди? Чунки ҳурматли ёзувчиларимиз Носир Фозилов (“Саратон” қиссаси) ва Ўткир Ҳошимов (“Оқ булут оппоқ булут” ҳикояси) ҳамда бошқалар бу борада шу қадар эсдан чиқмас образлар яратиб қўйишдики, эндиликда бу мавзуга қўл урган одам масъулиятни зоят чуқур сезмоғи даркор. “Алибек” (“Фаришта”) ҳикоясидан кўриниб турибдики, қош қўяман деб кўз чиқариш ҳеч гап эмас экан.

Ҳикоя ачинарли даражада қуруқ, жўн, ишонарсиз воқеалардан, тўғрироғи лофлардан иборат. Мен муболага демай, атайин лоф деяпман. Чунки 40-бетда таърифланганидек, бўлмагур хаёлларга ўралашиб юрган йигитнинг бирданига бир кунда севиб қолишига ишаноламан.

Совхоз бригадирли Алибекни (бош, ижобий қаҳрамон!) ўзига ҳисобчиликка таклиф этганда жон-жон деб рози бўлади ва диққат қилинг, нималарни хаёл қилади у: “Бахт кулиб боққанини кўр. Ҳисобчи бўлиш ёмон эмас. Бир мавсумда қанчадан-қанча пул ишлаб олиш мумкин. Бўлди энди, Нурали ака (бригадир) билан келишиб, ўзигаям, отасигаям (омборда мудир), онасигаям (уй бекаси), акасигаям (студент), опасигаям (икки йил бурун тоғ тарафга эрга тегиб кетган), синглисию (беш яшар), укасигаям (икки ёшли) иш ҳақи ёзаверади. Ана пул, мана пул. Қолган ука-сингиллари ўзлари ишлашади. Уларга ҳам кўп-кўп ёзиб туриш мумкин. Пулга ботиб қолади”. Ахир мактабни эндигина тугатиб, мураккаб ҳаёт қўйнига шўнгиш арафасида турган ҳалол ўсмирнинг безубор қалби қаёқда қолди?!!

Севимли адибимиз Ўткир Ҳошимов “Тасвир самимияти” деган мақоласида: “Ёзувчи ўзича янги услублар кашф этиши мумкин, янги образлар ўйлаб топиши мумкин, лекин унинг асарида биргина нарса – самимият бўлмаса, унинг китобини ўқувчи қабул қилмайди”, деган эди. “Суюнчи”ни ўқиб, бу гапларнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир қарра ишонамиз.

Мансур АҲМЕДОВ

ШУНДАЙ ҲАМ ЁЗИЛАДИ

Мухлис киши ўз табиати, ҳаётга муносабатига қараб китоб танлайди. Кўп ўқиган сайин ўз навбатида унинг китобга, адабиётга муносабати, яъни эстетик кечинмалари шакллана боради. Бизнинг у ёки бу асар тўғрисидаги мустақил туюлган фикримиз замирида ўзимизга сезилмаган ҳолда шу чокқача ўқиган асарлардан олган, китоблар таъсирида туғилган таассуротларимиз ётади. Таассуротларимиздаги торлик эса кўпинча туйғуларимизда ҳам сунъий чегаралар – китобийликни пайдо қилади. Бу эса оригинал, ўзгача адабий ҳодисани

тўғри тушуниб баҳолашимизга халал беради: янги асарни беихтиёр олдин ўқиган нарсаларимиз қаричи билан ўлчаймиз, ундаги қаҳрамонларни ўзимизга яхши таниш бўлган адабий персонажларга таққослаймиз-да, тафовутга кўникмаймиз, ажабланамиз, ёзғирамиз.

Абулқосимнинг ҳикоялари кишида шунақа мураккаб таассурот уйғотади. Ёш ёзувчининг турмушга, айниқса қаҳрамонларининг ўй-кечинмаларига нисбатан далил-ғули бир тантилик билан ёндашиши, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини ҳали тажриба сўраб турган тетапоя маҳорат билан тасвирлаши ҳаммада бир текис хайрихоҳ туйғулар уйғотавермаслиги турган гап. Буни М.Аҳмедов мисолида ҳам кўриб турибмиз. “Ёр-ёр”даги Абулхайр, бошқа ҳикоянинг қаҳрамони Алибекнинг ҳатти-ҳаракатлари ва хусусан муҳаббат, оила ҳақидаги ўй-хаёлларидан аллақандай андишасизлик, ҳатто айтиш мумкинки, беадаблик туйиш, менингча, фақат М.Аҳмедовга хос бўлмаса керак.

Бунинг сабаби бадий асарларимизда урчиб кетган, нуқул юлдузларга қараб оҳ тортадиган, сарвқомат, бодомқовок, қалдирғочқош дилрабо севгилисини сўлим мажнунтол соясида устма-уст сигарет тутатганча энтикиб кутаётган сип-силлик сохта йигитларнинг сентиментал изтиробларини ўқиганимизда, уларга кўникиб қолганимизда. Ана шундай лирик ошиқларнинг висол арафасида, келармикан, дея нигорон интиқлигига таққослаганда Абулхайрнинг “Биринчи учрашувдан дарров тармашаверса, яхши эмас-да”, сингари ўйлари, Алибекнинг: “Айниқса фигураси! Ажойиб!” деб севганининг ортидан “ишшайганча” қараб қолиши, қизни бир дақиқа ўз оғушида тасаввур қилиб “юраги ўйнаб кетиши” ғоятда шармсизлик бўлиб туюлади. М.Аҳмедов кўчирма олган парчалардан эса қаҳрамонларимизнинг беодоб туйғулари фош бўлиб қолгандек кўриниши, севгига бундай нияти бузук ўспиринлар эмас, балки покиза, тарбияли, тоза қалбли ёшлар муносиб эмасми, деган фикрга олиб келиши мумкин.

Лекин биз адабий персонажнинг одоб-ахлоқи билан ёзувчининг ахлоқий позициясини аралаштириб юбормаслигимиз, қаҳрамоннинг оғзидан чиққан тутуруқсиз гапни авторнинг ёқасига ёпиштиравермаслигимиз керак. Баъзан ёзувчилар қаҳрамони орқали ўзининг ҳаётга, одамларга муносабатини бадий талқин қилади, баъзан эса салбий персонажини ошқора қораламайди-да, уни “ичдан туриб” кузатади. “Қани, гапираверчи”, дегандай сиртдан “маъқуллаб” туради... Хуллас, бунинг йўллари кўп.

Гап одоб-ахлоқ мавзуининг талқини ҳақида кетар экан, баъзан ҳатто тажрибали адибларимизнинг гоҳо хилват табиат гўшаларида, гоҳо эса никоҳ тўшагида қаҳрамонларининг яланғоч тани, ҳаяжонли эҳтирослари орқали содда ёш китобхоннинг ибтидоий туйғуларини қитиқлаб, шу йўл билан асарларини ўқишли қилишга уринишларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бадий асарнинг туйғулар тарбиясидаги масъулиятини инobatга олсак, бундай ҳоллар Абулқосимнинг қаҳрамонлари ўйларидаги андишасизликдан зарарлироқдир.

Йўқ, мен ёш ёзувчи Абулхайр ва Алибекни салбий персонажлар сифатида фош қилади, уларнинг одобсизлигини қоралаб ёзади, демоқчи эмасман. Аксинча, у Абулхайрга ҳам, Алибекка ҳам илиқ бир меҳр билан ёндошади, шунинг учун ҳам автор гўё улар томонда тургандек кўринади. Лекин бу фақат сиртқи муносабат. Аслида ҳар иккала ҳикояда ҳам қаҳрамонларга нисбатан меҳрга теран юмор омехталаниб кетган. Ёш ёзувчи ўспирин йигитларнинг турмуш, оила, муҳаббат ҳақидаги кечинмаларини гўдак юришини кузатгандек завқли кулги билан тасвирлашга интилади ва бунга эришади ҳам.

Эътибор беринг: Абулхайрнинг севгилиси Улбозор ҳақидаги ўйларининг бузуклиги, қизни оғир аҳволда ташлаб, ўзи Қарши чўлига жуфтакни ростлаб қолишига қарамай, ҳикоя кишида нохуш кайфият туғдирмайди; ҳисобчи бўлиб пулга ботиб қолишни, талаба қизларнинг “биттасини илинтириб олса, ҳар куни учрашувлар, ўпишишлар, кўксига бош қўйиб ётишни” орзу қилган Алибекнинг Зулфияга муҳаббати эриш туюлмайди, аксинча, кишининг кўнглини ёриштириб юборади. Ёш ёзувчи ўзининг кечаги тенгқурларини гўё “Эй боласи тушмагурлар-эй, қачон сизларга эс киради?” деб тасвирлайди ва уларнинг “эти ўлмаган” кечинмаларини “Кўнгил-да, нима дейсиз”, дея гўё оқлаб туради. Менингча, худди шундай вазиятда унинг

самимияти ойдинлашади. Бу самимият айниқса, “Алибек” ҳикоясида янада равшанроқ кўринади.

Билмадим, бошқаларга қандай, аммо мазкур ҳикоя муҳаббат мавзuida ёшлар прозасида яратилган сара асарлар сирасига киради, деб ўйлайман.

“Ёр-ёр” ва “Алибек” ҳикояси тўлиғича қаҳрамонларнинг таассуротларига асосланган, барча воқеалар, борлиқ, кишилар, уларнинг ички оламида акс этиши бўйича ёритилади. Автор ўзининг ҳукм-хулосаларини очиқ-ошқора билдирмайди. Фақат баъзи тасвирий ўринлардагина уларнинг ҳатти-ҳаракатларига “аралашади”. М.Аҳмедов автор нутки, бевосита унинг қарашлари деб “ачинган” ўринлар ҳам қаҳрамонларнинг турмуш, муҳаббат тўғрисида ҳали шаклланмаган, болалик билан катта ҳаёт оралиғида адашиб юрган олақуроқ тушунчаларидан иборат. Шу маънода Абулхайр ва Алибекнинг тутуруксиз ўй-хаёлларида ўзгача бадиий мантиқ, ёш ёзувчининг ўзига яраша поэтик жасорати – бошқаларникига ўхшамайдиган усуллардан фойдаланишга, нотекис бўлса ҳам ўз йўлидан юришга қатъияти бор.

Албатта, тўпламдаги ҳикояларда ёш ёзувчининг ўзи топган янгиликларни тўла очолмай, уларнинг кабарик томонларини пайпаслаб кўраётган ўринлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, адабий тил ва ҳикояларнинг ички композицион тартиботи борасида Абулқосим ҳали кўп ишлаши керак. Масалан, “Суюнчи” ҳикоясида автор ўз изланишларига бегона материал танлаган, нишонни нотўғри белгилаган. Оқибатда асардан ҳозирги ҳажвиётимизда кўп такрорланадиган сийқа сюжет ривожига мойиллик сезилиб қолади, ҳикоянинг ҳиссий мароми уйғунлашмайди: ҳажвий йўналиш меъёрдан ортгани ҳолда асар кутилмаган мутлақо тескари – сентиментал-романтик оҳангда яқунланиши ҳам муваффақиятсизликка сабаб бўлган.

Лекин ҳар ҳолда “Суюнчи” тўплами ижодига меҳр ва эҳтиёткорлик билан ёндошишни тақозо қиладиган ёш қаламкаш адабиётимизга кириб келаётганидан гувоҳлик беради.

Аҳмад АЪЗАМ

Аҳмад аканинг айтишича, “...икки фикр”дан сўнг газетага янада кўпроқ хатлар ёғилади. Уларнинг салкам ҳаммаси “Суюнчи”ни тан олмайди. Ва газета бу борада яна бир бор чиқиш қилишга қарор қилади (Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 1983 йил 14 январ №3 (2691):

“АФСУС, БУНДАЙ ЁЗИЛМАСЛИГИ КЕРАК

Мен севимли газетамизда Мансур Аҳмедов билан Аҳмад Аъзамнинг ёш носир А. Мамарасулов китобчаси ҳақидаги икки фикрини ўқиб чиқиб (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1982 йил 15 октябр) ёшлар ижодига бўлган эътибордан қувондим. Лекин икки фикрни ўқиганда Мамарасуловнинг ҳикоялари билан ҳали таниши эмас эдим. Шу сабабли гарчи Мансур Аҳмедовнинг ажабланишию, келтирган далиллари кишини ўйлантириб қўядиган даражада бўлса-да, мен А.Аъзамнинг комил ишонч билан “Шундай ҳам ёзилади” деб чиқарган ҳукмини ўқиб, бўлса бордир, деб қўя қолган эдим. Бироқ яқинда Мамарасуловнинг китобчасини ўқиб чиқарканман, ўша икки мақолани эсладим.

Айрим танқидчилар адабиётнинг улкан ҳақиқатларини билганлари ҳолда конкрет асарларини таҳлил қилар эканлар, уларни унутгандек бўладилар, “кичик” асарларга кичик ўлчовлар билан ёндошадилар. Адабиётимизда китобхон ҳурматини топаётган яхши асарлар кўп. Лекин гоёвий-бадиий жиҳатдан савияси паст, бўш асарлар кўпайиб кетаётганлиги уларга қўйилаётган талабларнинг сустигидан эмасмикан?

Абулқосим Мамарасулов илк ҳикоялари билан нима демоқчи? Ҳаёт муаммоларини у қай даражада ечиб бера олган?

Шахсан мен китобчани ўқиб чиқиб, бу саволлардан бирортасига қониқарли жавоб ололмадим. Китоб аннотациясида ёзилган “ўспиринларнинг нозик кечинмалари”ни, уларнинг “покиза туйғулари”ни қаламга олади, деганга ўхшаши гаплар мени ишонтирмади. Эҳтимол, муаллифда шундай эзгу ният бўлгандир. Лекин китобхон, менингча, унинг қаҳрамонларида “нозик кечинмалар”, “покиза туйғулар”га қодир қалб эгаларини кўрмайди. Аксинча, орамизда орзу-ўйлари бачкана, чегараланган, тўпори йигитчалар ўсиб келаётганлигига ачиниб кетади.

Аҳмад Аъзам ёш муаллифни одобсизликда айблашларидан ҳимоя қилиб, адабий персонажнинг одоб-ахлоқи билан ёзувчининг ахлоқий позициясини адаштирмасликни талаб этади ва ёзувчилар салбий образларни ошқора қораламай, балки уларни “ичдан туриб” қузатишлари, “қани, гапираверчи”, дегандай сиртдан “маъқуллаб” туришлари мумкин. Хуллас, бунинг йўллари кўп”, деб ёзади. “Автор ўзининг ҳукм-хулосаларини очиқ-ошқора билдирмайди, фақат баъзи тасвирий ўринлардагина уларнинг ҳатти-ҳаракатларига “аралашади”. Лекин танқидчи муаллифнинг “ҳукм-хулосалари” нималарда кўринишини китобхонга билдирмайди. Мамарасуловнинг ҳикоялари шундай ёзилганки, китобхон учун муаллифнинг ўз қаҳрамонларига муносабатини, «унинг бевосита қарашлари» қайси ўринларда акс этганини англаб олиши мушкул. Ҳолбуки, ёзувчининг ҳаётий позицияси, унинг идеали, эътиқоди асар руҳидан яққол сезилиб туриши, у чиқарган ҳар қандай ҳукм-хулосалар эса асарнинг мантиқий яқунидан равшан англашилиб туриши керак.

А.Аъзам мақолада “Ёш ёзувчи ўзининг кечаги тенгқурларини “эй боласи тушмагурлар-эй, қачон сизларга эс киради?” деб тасвирлайди ва уларнинг “эти ўлмаган” кечинмаларини “кўнгил-да, нима дейсиз”, дея гўё оқлаб туради. Менингча, худди шундай вазиятда унинг самимияти ойдинлашади” деб ёзади. Ваҳоланки салбий деса ҳам бўлаверадиган ўспирин кўнглидаги “эти ўлмаган” кечинмалар самимияти кимга керак? Саволни бошқача тарзда берса ҳам бўлади. Модомики шу самимият зарур экан, у муаллифнинг қайси гоясию, мақсадларига хизмат қилади? Мақолада бу саволга ҳам жавоб йўқ.

Эҳтимол, “ҳамма нарсадан ҳам гоя, мақсад қидиравериши шарт эмас” деб менга эътироз билдирувчилар топилиб қолар. Бошқа соҳада билмадиму, лекин адабиётда мурасачиликка йўл қўйиши катта зиён келтириши мумкин. Зеро бадий адабиётнинг хусусиятларидан бири унинг оммавийлигидир. Ўзида ҳеч қандай муҳим муаммолар, гоялар ташимайдиган адабиёт оқибатда натурализмга олиб келиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ёш ёзувчида дастлабки натуралистик тасвир кўриндими, ҳаётнинг иқир-чиқирлари сараланмасдан, муайян мақсадга бўйсундирилмасдан “объектив” тасвирландими, уни огоҳлантирмоқ зарур.

Тақризда Мамарасуловнинг “Алибек” ҳикояси муҳаббат мавзуда ёшлар прозасида яратилган сара асарлар қаторига киради, дейилади. Наҳотки “муҳаббат” тушунчаси шунчалик жўнлашиб кетган бўлса! Хўп, муҳаббат “сип-силлиқ, сохта йигитларнинг сентиментал изтироблари” эмас, лекин шунингдек, Аҳмедов айтганидек, “бўлмагур хаёлларга ўралашиб юрган йигитнинг бирданига, бир кунда севиб қолиши” ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўша йигитчада бирор ҳис-туйғу тугилган бўлиши мумкин, аммо бу севги эмас. Зеро ҳақиқий севги ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Бу олижаноб гўзал туйғу соҳиби бўлиши учун инсон аввало, муносиб қалб эгаси бўлмоғи даркор. Алибек-чи? Алибек ўзи қандай йигит? Ҳар қалай яхши деб бўлмаса керак. “Ҳисобчи бўлиш ёмон иш эмас”, “бир мавсумда қанчадан-қанча пул ишлаб олиш мумкин”, деб ўйлайди у.

Тақризчи Абулхайр ва Алибекнинг тутуруқсиз ўй-хаёлларида ўзгача (қандай?) бадий мантиқ, ёш ёзувчининг ўзига яраша поэтик (!) жасоратини кўради ва муаллиф қаҳрамонларини ҳимоя қилишида давом этиб, уларнинг дунёқараишларини “турмуш, муҳаббат тўғрисида ҳали шаклланмаган, болалик билан катта ҳаёт оралигида адашиб юрган олақуроқ тушунчалардан иборат”, деб изоҳлайди. Агар иш, оила, муҳаббат ҳақида ўн саккиз-ўн тўққизга кириб қолган Алибек билан Абулхайрнинг “ҳали шаклланмаган” тушунчалари шундай бўлса, улар шаклланиб бўлгандан кейин бу тушунчалардан нима кутиши мумкин?

Минг қилганда ҳам “севгилиси” Улбозорни оғир аҳволда ташлаб, жуфтакни ростлаб қолган Абулхайр воқеаси балки тақризчида “нохуш кайфият уйғотмас”, аммо мен ҳикояни

ранжиб ўқидим. Ёки: “авваламбор таниш керак, кейин унга берадиган пулинг бўлиши керак экан. Икковиям бўлмаса, ўқишдан умидингни узавер”, деб ҳисоблайдиган Алибекнинг Зулфияга бўлган муносабати ҳам, менингча, ҳали чин муҳаббат эмас.

Ҳозирда халқимиз олдида янги инсонни камол топтиришдек шарафли вазифа турган, бадий адабиётимизда кучли, баркамол ва ибратли образларнинг яратилишига эҳтиёж тобора кучайиб бораётган бир пайтда ўқувчиларни чалғитадиган мақолалар адабиётимизга қанчалик фойда келтириши мумкин?

Аниса МАМАТОВА

РЕДАКЦИЯДАН: Аниса Маматованинг куюнчаклик билан ёзган луқмасини ўқиган газетхонлар бошловчи ёш ёзувчининг илк китобчасига шунчалар эътибор берилаётганидан ажабланишлари ҳам мумкин. Лекин бугунги адабиёт, хусусан, ёшлар ижоди ҳақида қизгин ҳамда самимий фикрлашга, ўртага муаммолар ташлашга майллар кучли экан, биз буни қўллаб-қувватлаймиз. Аниса Маматова худди Мансур Аҳмедов каби бадий адабиётнинг, қахрамонларнинг аввало ибратли таъсир кучига эга бўлишини истайди ва адабий асарларга шу нуқтаи-назар билан ёндошади. Бу масалада ёзувчининг ҳаётини позицияси доимо равшан бўлиши керак, деган талабига қўшилмоқ лозим. Ёзувчи позициясидаги ноаниқлик, мубҳамлик асар тўқимасига ҳамда қахрамонлар дунёсига ҳам ўтишини айтади. Шу асосда бошловчи ёзувчининг ҳикояларидан қониқмаганлигини ёзади. Албатта, А. Маматованинг ҳамма фикрига қўшилиб бўлмайди. Унинг хулосаларида китобийлик сезилиб туради. Бошловчи ёзувчининг илк ҳикоялари шундай қизгин фикрлар уйғотган экан, демак, унинг изланишлари самарасиз эмас. У ҳаёт ичига тобора чуқурроқ кириб борар экан, халқ турмушининг катта ҳақиқатларини англаб етаркан, асарлари ҳам шунга кўра ҳаётини, ишонарлироқ, таъсирчанроқ бўла боради. Бахслар эса унда тўғри ижодий фикр камол топиши учун кўмакчи бўлади”.

Мени ташвишга солган нарса мақолаларнинг ўзи эмас. Танқидларнинг ҳар қанақа туридан кўрқмасдим. Ўрганиб ҳам қолгандим, керак бўлса, ўзим танқидчиларни излаб топиб, фикр сўрардим. Яхшими, ёмонми, ёзган нарсанга биров фикр билдирса – бу яхши, демак, ёзганинг бошқаларни лоқайд қолдирмаган. Аммо айнан Одил Ёқубов раҳнамолигида нашр этилган китобча хусусидаги бетўхтов танқидий фикрлар айнан Одил Ёқубов бош муҳаррир бўлиб ўтган газетага жўнатилаётган эди. Худди кимдир китобхонларнинг оммавий норозилигини уюштираётгандай. Менинг “салб юришим” “Ёшлик” оstonаларида пароканда бўлгандан сўнг дастлабки куюндай ёпирилиб келаётган мактовлар ўрнини энди мана шу тарздаги танқидлар куюндай ўраб борарди. Айниқса, Аниса Маматованинг фикрларини ўқиганда одам сесканиб кетади. Худо кўрсатмасин, 30-50 йиллар ораллигида бу мақола эълон қилинганда, Абулқосим Мамарасулов деганларини бир пасда жойини солиб ташлашарди шоввозлар.

Аниса Маматова руҳидаги яна бир одамни – Ҳамид Маллаевни 1984 йилги республика ёш ижодкорлар кўрик-танловида кўрганман. Унинг иккита қиссаси “Ёшлик”да эълон қилиниб, анча танилиб қолган эди. Семинарда Ҳамид оққўрғонлик бир ҳикоячи қизни жуда қаттиқ танқид қилди-да, хулоса ясади:

- Сиз умуман ёзманг. – дея ҳукм қилди Ҳамид.

Ўтирганлар менга қарашди, мен кулимсираб Ҳамидга қарадим-да, оққўрғонлик қизни уришган бўлдим:

- Ҳамид тўғри айтяпти, сиз умуман ёзманг, чунки ўзбек адабиётида Ҳамид Маллаев бор, шунинг ўзи етади. Керак бўлса, ҳаммамизнинг ўрнимизга ўзи ёзаверади.

Ўша, узил-кесил ҳукм чиқариш, ёлғиз мен ҳақман, ким менга қарши бўлса – у ҳаммага қарши, деган фикрни ўтказишга уриниш – танқидий фикрлардаги ана шу руҳ кишини хавотирга соларди.

Бировга “сен ёзма” деб буйруқ қилиш мумкинмикан? Яна денг, ёзувчи ёзувчига?!

Буниси энди 1984 йилдаги воқеа. Ҳозирча 1982 йилда юра турайлик: Тошкентда икки, уч фикрлар тугён ураётган пайтда Жиззахда ҳам ажабтовур ишлар бошланиб кетди. “Жиззах ҳақиқати” газетасининг 1982 йил 5 ноябр сониди “Яшашнинг йўли” номли ҳикоям босилди. Ҳикояга берилган “тақриз”нинг ўзбекчага таржимасини кўринг:

«1982 йил 12 ноябр № 420

Жиззах вилоят партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Боймиров Т.Б.га

Вилоят газеталари “Жиззах ҳақиқати ва “Джизакская правда” вилоят ташкил қилинган биринчи кунларданоқ вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг бўлинмалари ходимларини коммунистик руҳда тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Газеталарнинг саҳифаларида доимий равишда милиция ходимларининг фаолияти ва ютуқлари тўғрисида мақолалар берилмоқда, социалистик қонунчилик қа тартиботни мустаҳкамлашга, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Лекин “Жиззах ҳақиқати” газетасининг 1982 йил 5 ноябр сониди босилган “Яшашнинг йўли” ҳикояси бизнинг фикримизча сиёсий ва социал мазмуни бўйича социалистик турмуш тарзига, совет қурилишининг маънавий меёрларига, умуман бизнинг жамиятга тамомила зиддир.

Бош қаҳрамоннинг уйланиши мисолида, яъни шофёр Сайфининг тили билан шундай фикр келтириб чиқариладики, гўё ўзбек миллий тўйи қалинсиз бўлмайди, ёш келин-куёв албатта катта қарзга ботиб қоладилар ва узоқ йиллар давомида қарз тўлашга мажбурдирлар. Муаллиф А. Мамарасулов бу ҳолат ўзгармаган анъанавий ҳолат деб ҳисоблайди, ўқувчининг қулоғига қўйиш мақсадида кичкина ҳикоя давомида етти марта қайтаради, ҳатто қалин ҳажмини ҳам уч минг сўм деб кўрсатади.

Одат тусига кириб қолган ана шундай турмуш тарзида ҳикоя қаҳрамони Сайфининг асосий мақсади пул топиши, бойлик орттириши бўлиб қолади. Унинг учун муаллиф шиор топиб берган: “Ҳамма нарсанинг отаси ҳам, онаси ҳам пул”. Ана шу фикр мунтазам равишда ўқувчининг қулоғига қўйилади, ўн марта қайтарилади. Бунинг устига пул топиши йўллари ва пулнинг кучи муаллиф томонидан турлича, жамиятимизга ва социал ҳаётимизга қарши аспектлар билан кўрсатиб берилади.

Масалан, текст бўйича: “Ҳозир аниқки, ҳужжат тўғриладан осони йўқ, ҳаммасининг отасиям пул, онасиям. Катталарга қозғоз керак. План бажарилляптими? – Бажарилляпти. Ҳужжат борми? – Бор. Бўлди”.

Ёки бошқа мисол: (текст бўйича): “Давлатнинг берадиган ойлигига ҳозир ким ҳам қаноат қиларди. Ҳамма қандайдир йўллар билан пул топишни ўйлайди”.

Бизнинг жамиятимизга ёт бўлган ана шу ҳаёт позициясини (балки муаллиф позицияси) ёритиш учун шофёр Сайфи танлаган йўл ҳар жиҳатдан кўрсатиб берилади: “Кимга фундамент учун тошувиш керак, кимга цементу, кимга бошқа нарса, шиқилиб ўмарганини ташиб кунини ўтказилади”... “...Тўғриси айтганда, буюм яшашнинг бир йўли-да!..” “...Бари бир қандайдир йўллар билан яшаш, яшашга усул излаш керак”.

Сайфи танлаган йўлни одатий ҳол деб ўқувчилар онгига сингдирилиши чидаб бўлмас ва йўл қўйиши мумкин бўлмаган вазият деб баҳоломоқ керак, Ҳикояда тўғридан тўғри Сайфига қарашли “МАЗ” машинаси ҳисобда турган транспорт ташиқоти ҳайдовчиларни текшириб турмаслиги, шунинг учун шофёрлар машинани ҳар кун гаражга олиб келмаслиги, ҳатто ойда икки-уч марта катталарга кўриниб қўйиши кифоялиги, сўнгра машинани отасининг мулкидай ўзи хоҳлаган ерга ҳайдаши кўрсатилади.

Ҳикоя қаҳрамони Сайфини ҳаётда бор ва йиғма образ сифатида талқин қиларкан, муаллиф бизнинг жамиятимизда ана шундай ҳаёт йўлини танлаганлар кўпчилик деган фикрни олға суради. Лекин ҳикоянинг бирон бир жойида Сайфининг иш жойи, бу ташиқлотнинг номи, Сайфи мулоқотда бўлган кишиларнинг исми-фамилияси конкрет кўрсатиб берилмаган.

Шунингдек муаллиф томонидан милиция участка инспекторининг шахси бузиб талқин қилинган. Бунинг устига ички ишлар органи ходимининг образи. Давлат ҳокимиятининг вакили ўқувчига гўл, журъатсиз киши сифатида етказилади. Марказий эпизодларнинг бирида «чап» юкни тушираётиб, ашёвий далиллар билан қўлга тушган Сайфи милиция участка инспекторининг раҳмини келтиради, ахмоқ қилади, сўнгра билдирмасдан унинг киссасига пора солади ва милиционернинг устидан кулиб кетади.

Муаллиф А.Мамарасуловнинг асари унга қизил ипдай тизилган фикр билан, ҳатто ҳаяжонли ишонч билан яқунланади: “Ҳа, ҳа-а, пул зўр, зў-ўр! Пул ўйнатади!”

Ички ишлар бошқармаси Сизга шуни маълум қиладики, бу ҳикоя ўзининг қатор негатив ҳолатлари билан бирга “Жиззах ҳақиқати” газетасида Улуғ Октябр Социалистик революциясининг 65-йиллигига бағишланган байрам сонига босилган. Шу йилнинг 5 ноябрида чиққан бк №133 (1322) газета чиройли безаклар билан, байрам чақириқлари билан, Ленин портрети билан безатилган. Ана шу тантанали материаллар билан бирга бу танқидий материал – ҳикояни бериш мумкин эмас эди. Бу ҳикоя ўз мазмуни билан вилоят меҳнаткашларини революция ва меҳнат руҳида тарбиялашга хизмат қилмайди, совет халқимизнинг анъаналарига ва “Жиззах ҳақиқати” газетасининг ана шу байрам сонига мос эмас.

Ҳикояда ички ишлар органларини масхара қиладиган фактлар мавжуд. Бундай материаллар фақат УВД ва МВД томони билан келишилган ҳолда берилиши керак. Бу нарса матбуотда давлат сирларини сақлаб қолиши вилоят бошқармасида сақланаётган Переченьда кўрсатилган. Лекин Жиззах вилоят ижроия комитетига қарашли ички ишлар бошқармаси раҳбариятига юқоридаги материаллар тайёрланаётгани ҳақида ҳеч қандай хабар берилмаган.

Ҳаммасининг устига ички ишлар органлари ходимлари номига ҳақоратли сўзлар айтилган бу танқидий ҳикоя бутун матлакатимиз, жамият кенг нишонлаётган Совет Милициясининг 65-йиллиги, профессионал байрам арафасида босиб чиқарилди. Муаллиф А.Мамарасуловнинг “Яшашнинг йўли” ҳикоясининг босилиши, ички ишлар органлари ходимлари шарафини ва номини хўрлаш ҳамда ҳақоратлаш каби фактлар Совет Милицияси авторитетини туширишига хизмат қилди.

Умуман, Совет турмуш тарзини бузиб талқин қилган, антисоциал характердаги бу ҳикоянинг босилиши шуни кўрсатиб туриптики, вилоят меҳнаткашларини гоёвий тарбиялаш борасида газета редколлегияси фаолиятида қатор камчиликлар мавжуд.

Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва партия ташкилоти бу масалани ҳал қилиб беришни Сиздан сўрайди ва ички ишлар ходимларига тўхмат қилганлар ва асоссиз “пора олди” деб айблаганларга қарши чора кўришингизни сўрайди.

Жиззах вилоят ижроия комитети
ИИБ бошлиғи:

имзо”

Буниси эса мазкур хатнинг асл нусхаси:
«12 ноября 1982 года № 420

**Первому секретарю Джиззакского
Обкома Компартии Узбекистана
Тов. Боймирову Т.Б.**

Редакциями областных газет «Жиззах хакикати» и «Джиззакская правда» с первых дней создания области оказывается большая практическая помощь в деле коммунистического воспитания личного состава органов и подразделений внутренних дел. На страницах газет постоянно публикуются материалы о деятельности и достижениях работников милиции, вопросах укрепления социалистической законности и правопорядка, привлечению к этому важному делу широкой общественности.

Однако, в газете «Жиззах хакикати» от 5 ноября 1982 года опубликован рассказ под названием «Яшашнинг йули», что в буквальном переводе «Путь жизни».

На наш взгляд, политическое и социальное содержание данного рассказа противоречит социалистическому образу жизни, моральным нормам советского строя и общественному укладу.

На примере женитьбы основного героя рассказа шофёра Сайфи утверждается мнение, что узбекская национальная свадьба неразрывно связана калымом, сопровождается огромными долгами для жениха и длительным выплачиванием. Автором А. Мамарасуловым это преподносится как неизменившаяся твердая традиция, настойчиво повторяется в ходе рассказа около семи раз, даже указывается размер калыма в сумме трех тысяч рублей.

В результате такого освещения социальной обстановки основной целью жизни героя рассказа Сайфи становится корысть и нажива денег, для которого автор создает девиз: «Мать всего и праотец – деньги». И эта мысль методически внушается читателю в ходе повествования в объеме короткого рассказа более 10-ти раз. Причем стимул и преимущество денег преподносится каждый раз под различными антиобщественными и противосоциальными аспектами.

К примеру по тексту: «- В наше время ясно, что ничего нет легче, чем составить документ, всему мать и праотец - деньги. Руководству нужна только бумага. План выполняется? – Выполняется. Документы есть – Есть. Ну и достаточно».

Или же другой пример по тексту: « - Кто может в наше время удовлетворяться государственной зарплатой. Все думают добыть деньги какими-нибудь окольными путями»,

В подтверждение этой чуждой нашему строю жизненной позиции автор тут же красочно раскрывает путь, который избрал шофер Сайфи: «Кому для фундамента кирпич и камень, кому цемент, кому что-то другое подвезет. Словом, утаскивал, что мог, чем и промышлял»... Если говорить откровенно, это тоже один из способов прожить... Все равно, как-то надо же жить, надо искать свою дорогу в жизни».

Недопустимым является то, что у читателя складывается и создается впечатление о том, что образ жизни шофёра Сайфи является общепринятой нормой. В рассказе прямо указывается, что транспортная организация, которой принадлежит его автомашинка «МАЗ» практически не контролирует водителей и не обязательно ежедневно являться в гараж. Намекается на то, что достаточно два-три раза в месяц встретиться с руководителями, а после этого автомашину можно использовать как частную собственность.

Раскрывая образ жизни героя рассказа Сайфи как существующий и собирательный, автор даёт понять, что стоящих на такой путь жизненной позиции у нас много. Однако, в рассказе нигде не указывается конкретно ни наименование организации, в которой он работает, ни фамилии общающихся с ним людей.

Также огульно автором обрисован личность участкового инспектора милиции. При этом образ сотрудника органов внутренних дел, представителя государственной власти преподносится читателю в виде глупого, безвольного человека. В одном из центральных эпизодов Сайфи, пойманный с поличным при разгрузке «левого» груза сумел разжалобить, одурачить участкового инспектора милиции, затем незаметно подсунуть ему в карман взятку и с насмешкой уехать.

Повествование автора А. Мамарасулова кончается той же мыслью, которая красной нитью пронизывает весь рассказ, восторженным утверждением: «Да, да-а, деньги сильны, силь-ны!! Деньги заставляют танцевать».

Управление внутренних дел доводит до Вашего сведения то, что наряду с негативным содержанием данного рассказа, он помещен в праздничном номере газеты «Жиззах хакикати», посвященном празднованию 65-летия Великой Октябрьской социалистической революции. Указанный выпуск за № 133(1322) от 5 ноября сего года оформлен красочным аншлагом, праздничными призывами и портретом В.И. Ленина. На фоне этих торжественных материалов является несовместимым публикация указанного критического материала рассказа, который по своему содержанию не отвечает воспитанию трудящихся области на революционных и трудовых традициях советского народа и тематическому выпуску данного номера газеты – «Жиззах хакикати».

В рассказе изложены факты, порочащие органы внутренних дел, и подобные материалы должны публиковаться только по согласованию с УВД и МВД, что регламентировано Перечнем, имеющимся в областном управлении по охране государственных тайн в печати. Однако, руководство УВД Джизакского облисполкома не было поставлено в известность о подготовке этих материалов к печати.

Наряду с этим, критический рассказ с оскорбительными эпитетами в адрес работников органов внутренних дел опубликован накануне профессионального праздника и юбилейной даты 65-летия Советской милиции, которую широко отмечала общественность страны. Публикация рассказа «Яшашнинг йули» автора А. Мамарасулова, изложенные в ней факты, порочащие и унижающие честь и достоинство работников органов внутренних дел способствовало снижению авторитета советской милиции.

В целом, публикация подобного материала, не отражающую советскую действительность, носящего антисоциальный характер, свидетельствует о том, что в постановке работ редколлегии газеты по идейному воспитанию трудящихся области имеют место определенные недостатки.

Руководство и партийная организация Управления внутренних дел вносят данный вопрос на Ваше рассмотрение и просят принять меры по фактам клеветнического и необоснованного обвинения работников системы МВД в получении взятки.

**Начальник УВД Джизакского облисполкома
Генерал-майор милиции:**

п о д п и с ь

Кейин айтишларича, худо ўнглаб, мазкур хат “ўрганиб чиқиш ва таклифлар бериш учун” ўша пайт вилоят партия комитети идеология бўлимида инструктор бўлиб ишлаётган шоир Бахтиёр Ризо кўлига жўнатилади. Шу тахлит мен бу жараёндан ҳам - жисман - тинч-омон чиққан эканман. Лекин менинг ҳикоям туфайли “Жиззах ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири Октябр Жавлонов анча азият чекди. Шу тахлит 1983 йил ҳам мен учун ғоят омадсиз келди. 1983 йили нашр этилиши мўлжалланган иккинчи ҳикоялар тўпламим Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъати нашриёти томонидан номаълум муддатга ортга сурилди. Одил ака энди бу ерда ишлаган, ўз-ўзидан бу жараёнга бевосита аралаша олмас эди. Айтарли бир нарсам матбуотда кўринмади. “Мамарасулов Абулқосим арзирли ёзувчи эмас экан”, деган фикр адабий жамоатчилик орасида мустаҳкамланиб борди. Бу бировга керак, дея айта олмайман. Лекин менга худди биров шу нарсаларни уюштираётгандай туюлаверар, аммо: “мен кимман ахир? Менга қарши курашиш кимга зарил?” деган саволни ўзимга ўзим берар, яна айбни ўзимга ағдарар, аламинми яна ҳикоя ёзишдан олар эдим. Янги ҳикояларим эса тобора бадтардан бадтар бўлиб, ўзимга мутлақо ёқмас, ҳаётдан узоқлашиб, китобийлашиб

бораётганимни сезиб турардим. Одил ака далда бўлиш учунми, “Байт битилган рўмолча” номли ҳикоямни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” (1983 йил 29 апрел №18(2706-сон)да чиқартирди. 1983 йили “Лола сайли” номли ҳикоям “Шарқ юлдузи”да эълон қилинди, аммо бу ҳаракатлар “Абулқосим ўртамиёна ижодкор” деган фикрни мустаҳкамлашга хизмат қилди, холос.

1984 йили 14-24 май кунлари Москвада Бутуниттифоқ ёш ижодкорлар семинар-кўриги ўтказилиши мўлжалланиб, унга Ўзбекистондан 12 нафар ижодкор, шу жумладан икки ёш ёзувчи бориши керак бўлган. Бири Хайриддин Султонов. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси наср кенгаши раиси Одил Ёқубовнинг тавсияси ва талаби билан иккинчи номзод қилиб мен танланганман. Семинарга етиб боришимнинг ўзи саргузаштга айланди. 8-9 май кунлари менинг уйланиш тўйим бўлди. Москвага 13 май куни тонг азонда самолётда учиб кетамиз, етиб келинг, деган хабар бор эди. Янги куёв бир кунни қизганиб, 13 май куни эрталаб соат тўққизларда Тошкентга аэропортга етиб борсам, бизнинг гуруҳ тонг азон соат бешдаги самолёт билан учиб кетган экан. Орқаларидан етиб бораё деб кейинги рейсга билет сўрасам, 28 майдан бу ёғи барча билетлар сотиб бўлинган дейишди. Ҳайрон бўлиб, Ленин кўчаси, 41 га келиб турсам, Нурали Қобул дуч бўлиб, тўйга боролмагани учун мендан узр сўради. Мен барча айбларни ювиб кетадиган хизмат борлигини, Москвага семинарга самолётга билет кераклигини айтдим. Нурали Қобул кечгача у ёқ-бу ёқларга телефон қилиб, ниҳоят мени аэропортга жўнатди. Мен Нурали Қобул тайинлагандай, диспетчер қизга: “Я Мамарасулов, от командири, мени Москвага билет керакми”, деган эдим, у паспортимни олиб, дарҳол учишга тайёрланаётган самолётга билет ёзиб берди. Москвага тун соат бирда етиб бордик. Москвани мутлақо билмайман. Қаерга боришимни ҳам мутлақо билмайман. Нурали Қобулнинг айтгани шу бўлганки, “семинар қатнашчилари ё Марказий Ленин номли футбол стадиони ёнидаги меҳмонхонада, ё “Юность” меҳмонхонасида бўлади. Аэропортдан таксига эмас, автобусга ўтириб метрогача бор, метродан Ленин стадионида чиқ”. Шу тахлит стадион ёнидаги меҳмонхонага чиқиб борсам, ҳамма ёқ тақа тақ берк. Семинар қатнашчиларидан ном-нишон йўқ. Соат тунги уч. Кўчада нима қилишимни билмай турган эдим, такси ўтиб қолди. “Юность” меҳмонхонасига олиб боришини илтимос қилгандим, қўнмай жўнаб кетдию, сал наридан яна қайтиб, “агар беш сўм берсанг олиб бораман”, дея шарт қўйди. Мен шу топда йигирма беш сўм сўраса ҳам беришга рози эдим. “Юность” узоқ эмас экан. Борсам, меҳмонхона эшиклари ланг очик, одам гавжум, эшик посбонидан ёш ижодкорлар шу ердами деб сўрагандим, дарҳол бири етаклаб, регистрация хонасига олиб борди. У ердаги рўйхатдан менинг номимни, қайси хонага жойлашишим кераклигини аниқлаб, дарҳол хонагача олиб бориб қўйишди. Куни билан не азобларда юрганиму, на қадар осонлик билан семинар жойини топиб келганимга қувонишга ҳам ҳолим бўлмай, етиб ухладим. Эрталаб тургандан рўйхат бўйича Хайриддиннинг телефон рақамини топиб, қўнғироқ қилдим. Шу тахлит топишиб олдик.

Семинарда барча ўн беш республикадан вакиллар бўлиб, наср, назм, драматургия, адабий танқидчилик, болалар адабиёти ва ҳоказо соҳаларга бўлинган, ўз навбатида ҳар бир соҳа бўйича ҳам бир неча гуруҳлар мавжуд бўлиб, мен асосан Москвалик ва Ленинградлик ёш ижодкорлар ўрин олган, Даниил Гранин, Алес Адамович каби забардаст ёзувчилар, Евгений Сидоров, Всеволод Сахаров каби танқидчилар раҳбарлик қилган гуруҳга тушиб қолган эканман (нега бундай бўлгани алоҳида тарих). Семинарга “Ёр-ёр”, “Сомончилар”, “Йўловчи”, “Бир дона нон”, “Яшашнинг йўли” ва бошқа ўнтача ҳикояларимни ўзим қоралама таржима (подстрочник) қилиб жўнатган эдим. Билсам, Москва ва Ленинград адабий жамоалари орасида азалий кучли, қизгин тортишув бор экан. Москваликларнинг асари муҳокамага қўйилса, барча москваликлар уни ҳимоя қилар, асарнинг яхши томонларини намоёйиш қилишга уринишар, ленинградликлар эса у асарни чилпарчин қилиб ерга уриб ташлашарди. Ленинградлик ёзувчиники муҳокамага қўйилса, аксинча томоша юзага қалқиб чиқарди. Ёлғиз мен – Кавказорти ва Ўрта Осиёлик - ана шуларнинг орасига тушиб қолган эканман. Ҳар икки гуруҳ мени ўз томонларига тортиб олишга ҳаракат қилишарди. Мен биринчи кунги барча муҳокамаларда қатнашдим, шу ернинг ўзида асарларини ўқиб, ўз фикримни билдирдим ва имкон қадар холис ёндошишга, ҳеч бир томонга ён босмасликка ҳаракат қилдим. Кечкурун эса салкам барчасига ўз ҳикояларимни тарқатдим-да, менинг асарларим муҳокамасида фикр билдиришларини илтимос қилдим. Шу жумладан, Даниил Гранинга ҳам “Ёр-ёр” ва “Яшашнинг йўли”ни топширдим. Семинарнинг учинчи куни 16 май менинг ҳикояларим муҳокамаси билан бошланди. Семинар ўтаётган хоналарда барча марказий газеталарнинг муҳбирлари семинар ишини ёритиш, бирон

янгилик топилиб қолса биринчи бўлиб овоза этишга шай туришар, журналлар ва нашриётларнинг муҳаррирлари эса ана шундай асарлар топилиб қолса, биринчи бўлиб қўлга киритиш ниятида хонама-хона юришарди. Даниил Гранин энг таниқли устозлардан бўлгани учун бунақалар айниқса бизнинг хонада кўпроқ эдилар. Семинар бошлангандан бери негадир мени москваликлар кўпроқ ўраб олишган эди, менинг муҳокамада ҳам улар биринчи бўлиб мени мақтай кетишди. Бири олиб, бири қўйиб. “Ўлди энди, ленинградликлар мени даб-дала қилса керак”, деб тургандим, улар москваликлардан ҳам ошириб мақташга тушишди. Ниҳоят навбат Даниил Гранинга келди. У мийиғида кулиб, ҳамманинг фикрларини жим эшитди ва ниҳоят:

- Тематика рассказов Абдулкасима много раз повторенная, пройденная, много раз сказанная. Но оказывается, дело не в том, о чем пишут, а в том, кто пишет? И как пишет? В этом плане всех рассказов Абдулкасима, которых я читал, можно включить в число новинок нашего семинара...”, дея “Ёр-ёр”, “Яшашнинг йўли” ва “Сомончилар”ни эринмай бирма-бир таҳлил қилиб чикди. «Самое главное в рассказах все персонажи – живые люди, ошибаются, спотыкаются, пускаются во всякие глупости. По сути человек таков! Таким естественным их и ввел автор в свои рассказы, Именно в этом успех Абдулкасима».

Мен тамом бўлган эдим. Мени томоғимдан қандайдир хўрлик бўғиб келарди. Ахир айнан мана шу ҳикоялар туфайли мени икки йилдан бери “савалашар”, кўз очирмай қўйишган эди. Менга охирги сўзни беришди. Телекамералар менга тўғриланди, микрофонлар бурнимнинг учига етиб келди. Аммо менинг гапирадиган ахволим йўқ эди. “Айнан мана шу ҳикоялар ҳақида ўзимизда “мутлоқ зўр ҳикоя” ва “мутлақо ҳеч нарсага арзимайдиган ҳикоя” деган мутлақо қарама-қарши фикрлар билдирилган эди. Мени, менинг ҳикояларимни тушунганларингиз учун, ҳаммаси учун сизларга раҳмат!” дея олдим, холос. Бўғзимдан йиғи отилиб чикмаслик учун гапимни тугатиб, ўтириб олдим. Танаффус эълон қилинди. Мени мухбирлар, муҳаррирлар ўраб олишди. Улар билан мулоқотга киришадиган ахволда эмасдим. Уларга москвалик Светлана Василенко ва бошқа москваликлар мен ва менинг асарларим тўғрисида сўзлаб беришипти. Ҳикояларимни “Советский писатель”, “Художественная литература”, “Молодая гвардия” каби нашриётлар, “Знамя” ва бошқа шу каби журналларнинг муҳаррирларига Света тарқатишти. Мен бу пайтда меҳмонхонадаги хонамга кириб олиб, маза қилиб йиғлаётган эдим.. Неча йиллардан бери ичимда тўлиб кетган аламу-андухларни тўкиб, руҳан тозаланиб, овоз чиқариб, маза қилиб йиғлардим. Ниҳоят ўзимни тутиб оладиган даражага етгандан сўнг бет-қўлимни ювиб, ошхонага ўтдим. Бир стакан кофе ва бошқа егуликлар олиб, бир четдаги бўш стол ёнига чўкдим. Шу пайт ошхонага “Ёшлик” журнали бош муҳаррири, ўзбекистонликлар делегацияси раҳбарларидан бири - Эркин Воҳидов кириб келди. Ўзига егуликлар олди-да, катта, бўш ошхонада айнан менинг ёнимга келиб ўтирди. Сокингина саломлашдим-да, тамаддимни давом эттирдим. Эркин ака ҳам бир оз жим овқатланди-да:

- Абулқосим, биз сизни тушунмаганмиз, - деди сокин, далдали овозда. - Бунақаси бўлиб туради. Тўғрироғи, “Сомончилар” деган ҳикоянгиздаги милиционер образи ижобий эмас эди. Янги журналнинг биринчи сонидан бошлаб уларга қарши нарса эълон қилишдан, тўғриси, чўчидик. Сомон, буғдой деган гаплар ўз йўлига. Насиб қилса, мана энди йўлингиз очилди. Москвадан қайтгандан сўнг бизга ҳикояларингизни етказинг. Эълон қиламиз.

“Хўп” дейишгаям мадорим етмади. «Маъкул» дегандай секин бош ирғадим.

Кейин мени Света излаб топди. Унинг айтишига қараганда бугун Даниил Гранин сўзидан кейин мен бир неча дақиқа ичида машҳур бўлиб кетган эмишман. Асарларим нашриётлар орасида талаш бўлиб кетганмиш ва х.к ва х.к. Ўзимизнинг ўзбекистонликлар ҳам мени излаб қолишганмиш. Москваликлар уларга менинг асарларим уларда қандай қизиқиш уйғотгани, Даниил Гранин нималар дегани тўғрисида айтиб беришганмиш. Кейин биз Марина Цветаеванинг отаси қурдирган Пушкин номли бадий санъат музейини томоша қилгани кетдик. Кечқурун меҳмонхонага қайтсам, танқидчи Раҳимжон Отаев мени Одил Ёқубов излатганини айтди. Кейин мен Одил акани изладим, аммо Одил ака аллақачон чет элга кетиб қолган экан

“Дўстим, Абулқосим!

Салом!

Хатингиз негадир жуда кечикиб келди. Мен сизни Москвада қидирганимнинг боиси – бир-иккита журнал (“Дружба народов” ва бошқалар) муҳаррирлари билан таништириб кетмоқчи эдим. Бу

шини Даниил Гранин қилган бўлса – жуда яхши бўлипти. Сизнинг бошингиздан ўтган воқеа шуни кўрсатадики, биз ҳақиқий адабиётни яхши тушунаймиз, чунки ҳануз китобийлик ва чучмаллик дардидан қутила олганимиз йўқ..

Майли, йигит кишининг бошига нелар келиб, нелар кетмас, депти халқимиз.

Бугун мен Ж.Жабборов билан гаплашдим (Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти директори). Ёрдам қилиб, китобингизни 85 йили чиқариб беришга ваъда қилди. Яна кўрармиз.

Тўйга боролмадик, лекин яхши ўтди, деб эшитдик. Келинни олиб бир келинг.

Уй ичи, ёру-биродарларга салом. Келинга алоҳида.

Салом билан Одил Ёқубов.

20 / 06. 84 йил. ”

Лекин менинг ҳикояларим 1984 йили ҳам, 1985 йили ҳам “Ёшлик”ни забт этолмади.

1984 йил январида, бошимни қай деворга уришни билмай юрган кунларимнинг бирида, нажотсиз аҳволда Тошкентга бориб, яна одатдагидай марказий газета ва журналларнинг эшикларини бирма-бир тақиллатиб чиқдим. Бировига янги нарсамни бердим, бошқасидан берганларимни қайтариб олдим.. Биронтаси “мана шу нарсангиз бизга маъкул” демади. Ҳатто Одил ака раҳбарлик қилаётган газетада ишловчи, менга унча-мунча дўстлиги бор деб ҳисоблайдиган Аҳмад Отабоев ҳам иккита ҳикоямни кўлимга қайтарди:

- Бўлмайди. Бу биргина менинг фикрим эмас.
- Яна ким фикр берди?
- Айтсам хафа бўласиз-да.
- Хафа бўлиш бундан ортиқ бўлмас. Айтаверинг, бориб, фикрини ўзидан эшитаман.
- Ғаффор Ҳотамов!
- Нима деди Ғаффор ака?
- Аввалги ҳикояларининг ярмича ҳам эмас буларнинг салмоғи, деди.

Буни ўзим ҳам билардим. Бу ҳикоялар ўша, мослашиш илинжида ёзилган, ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмайдиган ҳикоялар эди, аммо... Ғаффор Ҳотамов Одил Ёқубовнинг мендан каттароқ шогирди бўлса-да, то 1984 йилгача у киши билан шахсан таниш эмасдим. Бўйдоқман, демак, Нурали Қобул айтмоқчи, энг бахтли инсонман. Оилам, яъни онам, акам Бахмалнинг Барлосида яшайди. Мен Зарбдор туманидаги “Бўстон” газетасида ишлайман. Юришим санаторийма-санаторий, бу ёғи Тошкент – Самарқанд бир қадам. Тошкентга борсам, Мирзага учрардим, Одил акага учрардим, редакцияларга кирардим-да, ортга қайтаверардим. Шу пайтгача Ғаффор акага дуч келмагандим. Биз, албатта, бир-биримизни билардик, мен у кишининг, у киши менинг ёзганларим билан таниш эдик. Қолаверса, иккимиз ҳам Одил Ёқубовнинг шогирдлари эдик. Қолаверса, “Ёшлик” остоналарида кунпаякун бўлганимдан сўнг Мирзага кўп бор дуч келсам-да, дастлабки дамлардагидек, у мен билан очилиб, чин дилдан суҳбат қилмасди. Мен нима учун бу ҳолга тушаётганимни тушунишни истардим, сўрардим. Чунки Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Эркин Воҳидовлар билан Мирза яқин эди. Менинг айнан «Сомончилар»им қайтгандан сўнг ижодим ҳам «қайтган», яхшироқ янги нарса ёзолмаётган, аввал ёзган яхши нарсаларим ҳам эълон қилинмаётган, хуллас аросатда қолган эдим. Бошқа барча адабий нашрлар «Ёшлик»нинг имосига маҳтал эди. Улар маъқуллаган муаллифга йўл очилар, улар ёқтирмаган муаллиф эса сазойи қилинарди. Бунга менинг қисматим шоҳид. Тўғриси, у пайтлари мен бундай ўйламаганман. Эркин Аъзамовнинг «Отойининг туғилган йили» номли кассасини биринчи бор жуда катта қизиқиш билан ўқиганман. Бир кунда уч бор қайта, қайта ва яна бир бор қайта ўқиб чиққанман. Мен ҳавас қилганман Хайриддин билан Эркин Аъзамовларга. Улар мен тенги, мендан бир-икки ёш катта ижодкорлар бўлиб, бундай олганда бир авлод вакиллари эдик. Мирза севинч билан шулар «Ёшлик»ни очаётганини, энди талантли ижодкорларга кенг йўл берилишини, талантсизлар тумтарақай бўлиб кетишларини айтганда мен ҳам севинганман. Улар мени катта қизиқиш билан кутиб олганларидан сўнг «Ёр-ёр» қолаётганидан унча-мунча ранжиган бўлсам-да, «Сомончилар»им айнан шулар қўлидан ўтиб, журналда эълон қилинишини билиб, бошим кўкка

етган. Мен ўзим ҳавас қилган тенгқурларимга етиб олаётганимдан, улар билан адабиёт майдонида бир қатордан ўрин олиб, баравар ижод қилишимдан хурсанд бўлган эдим, аммо... Аммо Мирза “қўйинг шунақа гапларни” деб ўртага шахмат қўярди. Шахмат ўйнардик. Ахир 1981 йили биз Мирза билан жуда кўп бор самимий суҳбатлар қилганмиз. Бир биримизга айтадиган гапларимиз сира тугамасди у пайтлари, шахмат ўйнашга вақт ҳам, ҳожат ҳам қолмасди. Деҳқончасига айтганда, адабиёт ҳақида, адабиётдаги ижодкорлар ҳақида мазза қилиб ғийбатлашардик. Ана шу деҳқонча самимийлик йўқолган эди орамиздан. Менинг Тошкентда адабиёт ҳақида дардлашадиган бошқа ҳеч кимим йўқ эди. Хулласи калом, мен битта ҳамдардга ташна эдим. Шунинг учун ҳам интилиб, “Совет Ўзбекистони”га Гаффор акани излаб бордим. Гаффор ака мени очик чехра билан кутиб олди. Биз минг йиллик қадрдонлардай, кун бўйи хангома қилдик, дардлашдик... Гапимиз гапимизга, дардимиз дардимизга тўғри келди...

1985 йил охирида “Ёшлик”ни ушлаб турган “учлик» кўтарилиб, Гафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётини эгаллади. Уларнинг ўринларига бошқалар келди, шу жумладан наср бўлимига Гаффор Ҳотамов бошлиқ бўлипти ва у кишининг дастлабки қилган ишларидан бири – мени топиш бўлган. Бир киши келиб, Гаффор ака излаётганини айтди. Орқам-орқа Гаффор аканинг ўзи телефон қилиб, “ҳикояларингиздан беш – ўнта олинг-да, тез етиб келинг”, дея буюрди. Ҳикояларимни тайёрлаётган пайтим Гаффор аканинг хати ҳам етиб келди. Сабаб? Сабаб шуки, «учлик» «Ёшлик»ни тарк этаётганда ўзларининг генийлигига ишониб улгурган, атрофидаги (биринчи рўйхатидагилар) уларни гений деб тан олиб бўлган эди. Сабаб? 1982-85 йиллари улар эришган нарса шу бўлдики, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст ва уларга яқин(биринчи рўйхатдаги) ёзувчилар асарлари чоп этилди «Ёшлик»да. Ва асосан (айрим ҳолатлардан ташқари) уларнинг ёнларида ҳамиша ўта хира асарлар бериларди. Шу тахлит уларнинг ёзганлари «ялт» этиб ажралиб турарди. Улар атайлаб шунга эришганлар. «Ёшлик»нинг ўша йиллардаги сонларини варақлаб кўринг, бунга гувоҳ бўласиз. Шу сабабли улар «Ёшлик»дан кетаётиб, ўринларига уларга бўйсунмайдиган Омон Матжон, Гаффор Ҳотамов келаётганини билиб, биргаликда қасам ичишган: «Энди биз «Ёшлик»ка асар бермаймиз. Ва шу тахлит «Ёшлик» банкрот бўлади». Улар шу даражада ўзларига ишониб улгуришган эди. Ана шу сабабларга кўра Омон Матжон билан Гаффор Ҳотамов агар «Ёшлик» обрўсини ушлаб қолмоқчи бўлса, истаса-истамаса, зудлик билан янги номларни топиши, керак бўлса, янги номлар «учлик» рўйхатидагидан ҳам зўрроқ бўлиши лозим эди.

Омон Матжон билан Гаффор Ҳотамов бу вазифани уддалашди. 1986-90 йиллари «Ёшлик»нинг обрўси бир неча баравар ошиб кетди. «Ёшлик»нинг салкам ҳар бир сонидан янги муаллифларнинг асарлари эълон қилинди. «Ёшлик» ранг-баранг бўлиб кетди. «Учлик» ва улар атрофидагиларсиз ҳам «Ёшлик» нафақат яшаши, балки гуллаб-яшнаши мумкинлиги исботланди. Бунинг ёрқин мисоли: агар «Ёшлик» 1985 йили 196.000 нусхада чоп этилган бўлса, 1986 йили 234.000 нусха, 1987 йили 327.000 нусхага етди. Кейинги йилларда ҳам 300.000 нусхадан камаймади. Жумладан, биргина бизнинг Жиззах вилоятдан 1986-90 йиллари Абдурахмон Каримов, Исҳоқ Исмоил, Хўжабек Турсунов, Зулфия Қурбонова каби прозаиклар ва бир қанча шоирларнинг асарлари биринчи бор «Ёшлик»да юз очди...

Шу тахлит 1986 йил май сонидан “Барлос қишлоғининг зумрад тонглари” номли сериал ҳикояларим “Ёшлик”да дунё юзини кўрди. Ва 1990 йилгача “Характерлар”, “Мен сени севаман, Бувиражаб!” номли туркум ҳикояларим, Александр Солженициннинг “Архипелаг ГУЛАГ” асаридан таржимам кетма-кет эълон қилинди... Беш йил давомида “Ёшлик” Абулқосим Мамарасуловники бўлди. Хоҳлаган нарсасини ўзи хоҳлаган тарзда эълон қилдирди...

... ва ниҳоят Абулқосим Мамарасуловга кўз тегди.

Афсуски, кўз тиғи ўткир экан, 16 йилдан буён бадиий асар ёзиш учун қўлимга қалам ололмаган эдим. ..

Ва ниҳоят... мана, яна ёзаяпман. Яна ёздим!

Шунисига шукр! Кўрсатганига шукр! Шу кунларга етказганига минг бора шукр!

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ,

Жиззах вилояти Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчаси Ҳ.Олимжон кўчаси 29 уй.

Тел: (372)-227-49-46, (372)-512-15-57

Х

х

х

Адашмасам, 1985 йили Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг навбатдаги съезди бўлди. Унга барча уюшма аъзолари таклиф этилди. Шу жумладан мен ҳам. Съезд Алишер Навоий номли опера ва балет театрида бўлди. Съездда Ўзбекистон Компартияси МК идеология секретари Раъно Абдуллаева қатнашди. Айтиш мумкинки, съездни салкам ўзи бошқариб борди. 1984 йилги маълум ва машҳур XVI Пленумдан кейинги кўтаринки давр. Кўплар: «мана энди ҳақиқат бўлади, ёмонлар жазо олади, яхшилар рўёбга чиқади», дея умид билан юрипти. Гаплар қиличдай кесади. Ким, қандай танқид қилиниши аниқ. Айбдор аниқ, унга берилиши лозим бўлган жазо аниқ.: фалон, фалон, фалонлар отилсин, сўйилсин, қамалсин,.. ва ҳоказо. Аниқ номлар, аниқ кўрсатмалар, аниқ маконлар. Йиғин қизгин тусда ўтарди. Минбарга Эркин Воҳидов кўтарилиб:

- Бир вилоятга борганимизда ижодкорларнинг бир бири билан келиша олмаслигига дуч келдик, - дея мавҳум гап сўз қилаётганда Раъно Абдуллаева кесиб ташлади:
- Биз бор гапни рўй-рост айтаямиз. Ким қанақа кирдикорлар қилганини номма-ном яширмаяпмиз. Сиз нега бунақа гап қиласиз? Ё кўрқасизми?
- Ҳақиқатан ҳам юз-хотир қилиб ўрганиб қолганмиз, Андижонга борганимизда шундай ҳолга дуч келдик, - дея Эркин Воҳидов ҳам бир лаҳзалик қизариб-бўзаришдан сўнг очиқ-ошкор танқидга ўтиб кетди.

Хуллас, ана шунақа ола-тасир замон эди. Юмалоқ хатлар бекор қилинган, арз аниқ киши номидан аниқ макондан аниқ шахслар устидан ёзилиши шарт қилиб қўйилган эди. Съезднинг биринчи танаффусида ёнимга Мирза Кенжабоев келди-да, қўлимга тўрт-беш бетлик нарса тутди.

- Нима бу?
 - Ўзбекистон КП МКга хат. Ёш ижодкорлардан. Ҳозир съездда ўқилади
- Хатни нари - бери варақлаб, охирига қарасам, имзо кўювчилар ракамланган. 52 да тўхтаган. Мен 53 ракамини ёзиб, исми-шарифимни қўйиб, имзоимни босдим-да, сўрадим:
- Хат ўзи нима ҳақда?
 - Кейин билиб оласиз. Ёш ижодкорларга кенг йўл очиш, уларга тўғаноқ бўлаётганларни суриб ташлаш ҳақида.

Ўша кунлари Сарвар Азимов Шароф Рашидов одами сифатида Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлигидан бўшатилиб, ўрнига Ўлмас Умарбеков қўйилган, бундан айниқса ёшлар кўпроқ норози эди. Чунки, Сарвар Азимов раҳбарлиги даврида ёш ижодкорларга уйлар олиб берилган, янги газета, янги журнал, янги нашриёт ташкил этилган, менга ўхшаш бир қатор ёшлар уюшма аъзолигига қабул қилинган ва ҳоказо ишлар бўлаётган эди. Мирзанинг гапларига қараганда мазкур хатда биз Сарвар Азимовни ҳимоя қилиб чиққан, унинг тикланишини талаб қилган эдик. Кейинги танаффус пайтида билдимки, хат ваҳимаси анча-мунча. Анча вақтдан бери мазкур хатни имзо чектириш учун кўтариб юришган, айримлар қўл қўйса, айримлар бундай жавобгарликдан бош тортган. Айримлар ўзи имзо чекмасдан ўрнига бошқаларни даъват этган. Масалан, Хайриддин Султонов шахсан имзо чекмаган, аммо ўрнига учта имзо ваъда қилган. Энг қизиғи, хат асосан ўша пайтлари «Совет Ўзбекистони»га бош муҳаррир бўлиб ишлаётган Лазиз Қаюмов устидан шикоят бўлиб, рўйхатда мазкур газетанинг вилоятлардаги мухбирлари ҳам бор эдилар. Яъни ходимлар ўз раҳбарлари устидан ёзилган хатга бош қўшган эдилар. Айримлар «мен билмасдан имзо чекиб қўйган эдим», дея тонишга ҳам улгурган эмиш. Шунақа гап-сўзларни эшитиб, менинг ичимга қурт оралади. Ўзи нима гап? Хат нима ҳақда? Мен нимага имзо чекканимни билишим керакку! Мирзани топиб, хат нусхасини сўрадим.

- Нима, кўрқаяпсизми? Сиз ҳам тонмоқчимисиз?
- Мен тонаман, демаяпман. Билайчи, у ерда нималар ёзилган экан. Ё ҳақким йўқми?

Мирза гап-сўзсиз менга хат нусхасини тутди. Мен хатни ўқидим. Афтидан кўрқадиган, тонадиган ҳеч нарса йўқ эди, фақат айтилган гаплар камдай туюлди менга.

- Хатда Сарвар Азимов бирон марта ҳам тилга олинмаган-ку, - дея сўрадим кейинги танаффусда Мирзадан. - Қўшимча қилиш керак шекилли.
- Хатга Сарвар Азимов номини аралаштириш мумкин эмас. Унда «Сарвар Азимов ўз жойига қайтиш учун уюштираяпти», деган даъво билан уни янчиб ташлашга уринишади. Хат бошдан охиригача у кишининг ишларини ёқлаяпти-ку.

Мирзанинг жавоблари мени қониқтирди.

- Хатни ким ўқийди?
- Бу аблахлар хатни ўқишга рухсат беришмайди шекилли. Агар рухсат беришмаса, тўполон кўтарамиз. Талаб қиламиз. Тайёр туринг. Имкон топилса, 53 кишидан исталган биримиз сўз оламиз-да, талабларимизни баралла айтамыз.

Съезднинг кейинги мажлиси бошланди. Агар менда сўзга чиқиш имкони пайдо бўлиб қолса тайёр турай деб, ўзимча айтмоқчи бўлган гапларимни тартибга сола бошладим: «Хатда 53 кишининг имзоси бор. Уларнинг айримлари "мен хатни ўқимай имзо чекканман. Мени алдашган», деган гап билан ўз имзосидан воз кечяпти экан. Агар гап шу ҳақда кетадиган бўлса, ўшаларнинг энг охиригача менман. Хатга мен бугун, съезд бошланганда ўқимасдан имзо чекдим Лекин кейин хатни ўқиб кўриб билдимки, хатда асосан мен айтмоқчи бўлган, аммо айтолмай юрган гапларим битилган экан" ва ҳ.к. дея, хатни ўқиб бошламоқчи эдим.

Съезд асабий тарзда давом этди. Уни бошқараётганлар асабий, сўз ололмаётган 53 ёш ижодкор асабий. Бу ёғи ХУ1 Пленум ўтиб қўйган, катталар ёшларни «нари тур» дейишдан ҳайиқишади. Бу ёғи ҳали 1985 йил боши. Ёшлар ҳам ҳали катталарнинг йўлига чиқишни одат қилиб улгургани йўқ. Тўполон қилиб, минбарни эгаллаб олишдан ҳайиқишади Не бировлар ваҳимада: энди 53 нафар ёшни янчиб ташлашга керак деб. 53 нафар ёш ижодкорлар орасида ҳам ҳар хил гап-сўз: собит турганлар ҳам бор, аросатда қолганлар ҳам бор, имзосидан воз кечганлар ҳам бор. Қорақалпоғистонлик Гулистон Матёкубова, Пахтачидан шоир Исмаи Санаев... Аксарият имзо чекканлар вилоятлардан эдилар. Уларнинг айримларига кимлардир нималарнидир ваъда ҳам қилган. Уларнинг аксарияти менга ўхшаб Тошкентга келиб қолган пайтлари кизиқ устида имзо чеккан ва энди...

- Имзо керак бўлса, бизга ўхшаш вилоятдагиларга суянасишлар-а, - дедим Мирзага.
- Бутун республика шикоят қиляпти, дегани-да бу.
- Лекин имкониятлар топилса, биринчи навбатда ўзларингиз – Тошкентдагилар фойдаланасизлар.
- Ҳа энди, шароитга қараб...

Хуллас, 53 нафар ёшга сўз тегмай, съезд ўтди. Биз уй-уйимизга тарқадик.

Кунлардан бир кун мени вилоят партия комитетига чақириб, тез Тошкентга, Ёзувчилар уюшмасига етиб боришим кераклигини буюришди. Мен тез етиб бордим. Йўл устида Одил Ёкубовга учрадим.

- Сизни нега чақирганини биласизми?
- Йўқ.
- Хат ёзган 52 ёш ижодкорнинг биримисиз?
- Ҳа. Мен эллик учинчисиман. Съезд давом этаётганда имзо чекканман.
- Ҳозир уюшмага сизга ухшаб имзо чеккан ижодкорларни битта-битта чақириб суҳбатлашяптилар. Айримлар товба қилишяпти экан? Сиз нима қилмоқчисиз?
- Мен энди ўйинга қўшилиб бўлганман. Ўйин тугамасдан чиқиб кетаман десам, икки томонлама калтак ейман. Нима бўлса бўлар, яхшиси, охиригача туриб бермоқчиман.
- Маъкул. Шошиб қолманг. Шошсангиз сизни чалкаштиришга уринишлари мумкин. Саволларга ўйлаб, босиқлик билан жавоб беринг, - деди Одил ака.

Ўша пайтлари уюшма раиси Ўлмас Умарбеков, ўринбосарлари Абдулла Орипов ва Асқад Мухтор эди. Борсам, Абдулла Орипов йўқ экан, мени Асқад Мухторга дуч қилишди. Мен келишим сабабини айтган эдим, у киши бир зум ўйланиб қолди. Кейин деди:

- Туш вақти бўлиб қолди. Яхшиси тушдан кейин келинг, Ўлмас Умарбековнинг ўзи билан учрашасиз.

Туш пайти Мирзани топдим.

- Ўлмас Умарбековга бемалол боравринг. Уям сиз билан бизга ўхшаган одам. Ҳайиқмасдан, ҳаяжонланмасдан, дадил жавоб беринг. Керак бўлса, гапини қайтариб ташланг. Хў-ў осмондаги

одам у, деб ўтирманг. Сизни ҳеч нарса қилолмайди, биз бир эмас, икки эмас, эллик учтамыз, - деди Мирза.

Ўлмас Умарбеков билан суҳбатим ҳақиқатан осон кечди. Республика даражасидаги каттакон раҳбар ва кўчада юрган бир оддий ёзувчининг эмас, балки тенгма-тенг икки кишининг баҳси бўлди.

- Сиз имзоингиздан воз кечмайсизми? – сўради Ўлмас ака дабдурустдан.
- Нега энди воз кечишим керак экан? Воз кечадиган бўлсам, нега имзо чекдим?
- Сизга ўзи нима керак? Хатга қўшилишдан мақсадингиз нима?
- Мақсадим хатда айтилган. Хатда қўйилган талаблар амалга ошиши керак. Менга керак нарса бор-йўғи шу.

Агар ҳижжалаб сўрайдиган бўлса, хатда нима талаблар борлигини бирма-бир айтиб беролмасдим. Тўғриси, съезд пайти, ур-тўполонда узук-юлуқ кўз югуртганим бўйича хатни ўзим ҳам бошқа кўрмаган, умумий мазмунни билардим, холос.

- Устозингизнинг янги романи ҳақида қандай фикрдасиз? – мавзуни ўзгартди Ўлмас ака.

Шу кунларда Одил Ёқубовнинг «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» романи «Шарқ юлдузи»да эълон қилинган бўлиб, роман қизгин муҳокамада эди.

- Одил ака ёзгандан кейин зўр бўлади-да, - дедим мен тап тортмай. Зўр роман. ХУ1 Пленум руҳида. Замон талабларига тўлиқ жавоб беради.
- Кўпчилик ўқиганлар «роман анчайин бўш ёзилган. Одил Ёқубов қайтиб қопти», дейишяпти-ку.
- Ҳар ким ҳар нарса дейиши мумкин. Аммо мен учун Одил аканинг ҳар бир асари – мактаб. Ҳар бир асари зўр ёзилади.
- Мана, сиз устозингизни ҳимоя қиляпсиз, бунга имкон топяпсиз, аммо нега менга устозимни ҳимоя қилишга имкон бермайсизлар? Ахир мен ҳам шогирд сифатида устозимни ҳимоя қилишим керак-ку, тўғрими?

Хатдаги асосий нишон Лазиз Қаюмовга тўғриланган бўлиб, Ўлмас ака у кишини назарда тутаётган эди.

- Ҳимоя қиляпсиз-ку, - дедим мен. – Мана, мени обком орқали чақиртириб олдингиз. Жиззахда қанча ваҳима. Не бир ҳамкасбларим ярим ҳазил ярим чин: «боравер, мабодо қамаб қўйишса, қотган нон билан сув олиб бориб турамыз», деб жўнатишган.

Ўлмас аканинг ҳузуридан чиқиб, Одил акага учрадим. Бўлган гапларни айтиб бердим. Одил ака мийғида кулиб, хангомамни тинглади. Ғаффор Ҳотамов айтиб беришича, Одил ака бир-икки кундан сўнг уюшмага бориб, Ўлмас Умарбеков хонасига кириб, қандайдир масалани ҳал қилипти. Кейин беҳосдан эсига келиб қолгандай, сўрапти: «Ўлмасжон, менинг янги рўманимни ўқидингизми?»

- Ўқидим, Одил ака, ўқидим.
- Қандай экан?
- Сиз ёзгандан кейин зўр бўлади-да. Замонавий руҳда.
- Бу,.. ҳар хил фикрлар бўлаётган эмиш. Сизнинг фикрингиз қандай? Ё...
- Э, Одил ака, мен сизнинг романингизни зўр ҳаяжон билан ўқидим. Керак бўлса, расмий мажлисда ҳам айтаман шу гапимни.

Шунақа гаплар.

Яна бир муддат ўтиб, 53 нафар аризачи ёш ижодкорни уюшманинг мажлислар залида тўплашди. Бизни инсофга чақириш учун оқсоқол адибларни чақиришипти. Юқоридан ҳам кимлардир бор эди. Биринчилардан бўлиб Усмон Азим сўз олди:

- 53 имзо орасида меники йўқ, - дея гап бошлади у, - аммо мен қалбан улар орасидаман. Шу сабабли мен бугунги йиғинда қатнашиб, ўз сўзимни айтишни лозим топдим, - дея бизнинг номимиздан раҳбарият олдига ўз талабларини қўйди.

Хуллас, бизларнинг вакилларимиз гапиришди. Бизга панд-насихат қилиб, оқсоқол адиблар: «қўйинглар энди, нима керак шунақа гина-кудурат» қабилида сўзлашди. Оқсоқол адиблар сафида Одил Ёқубов ҳам бор эди.

- Мен бу ёшларга ҳавас қиламан, - деди Одил ака, сўз беришганда. – Вақтида менга ўхшаганларда ўз сўзини айтиш учун, оқимга қарши туриш учун журъат етишмаган. Бу ёшларнинг келажаги порлоқ.

Хуллас, мажлис яраш-яраш руҳида ўтди. Орамиздан кимдир сўз олиб, агар талабларимиз амалга ошмайдиган бўлса, биздан даъвойимиздан воз кечиш илтимос (талаб) қилинадиган бўлса, унда 53 нафар ёш ижодкорга нисбатан ҳам ҳеч қандай репрессия қўлланмаслигига кафолат беришларини талаб қилди. Охир-оқибат шундай бўлди ҳам.

Нима бўлганда ҳам мазкур арзбозлик, унинг натижалари ёш, келажаги порлоқ, аммо йўлларига банд солинган ижодкорлар номидан иш кўрувчи бир гуруҳнинг дастлабки бет очиши, муваффақиятли дебوحаси эди. Ёшлар энди бундан бу ёғига бемалол арз ёзиш, истаган нарсангни талаб қилишинг мумкинлигини, бунинг учун сенга нисбатан ҳеч қандай жисмоний ва бошқа жазолар қўлланмаслигига амин бўлдилар. Ва ана шу 53 ижодкор арзбозлигини ташкил этишда бошқоқш бўлганлар 1988-1991 йиллари бу соҳадаги безбетлик қобилиятларини бор бўй-басти билан намоён этдилар

Мазкур гуруҳнинг навбатдаги ташкилий фаолиятининг ёрқин кўринишларидан бири: «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1990 йил 18 январ №15(20.582) сонидан эълон қилинган:

**ЎзССР Ёзувчилар уюшмаси правлениеси секретариатига
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига
«Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида ҳам ижодий, ҳам ташкилий жиҳатдан ечилмаган кўпгина муаммолар тўпланиб қолдики, улар амалда ижодий ташкилотимизни ажралишга олиб келмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ошкоралик ва демократиялаш руҳида очиқ-ойдин, ҳалол ва принципиал гаплашиб олишимиз керак.

Бироқ Ёзувчилар уюшмасининг секретариати зўр бериб бундан ўзини олиб қочмоқда, Ёзувчилар уюшмасининг коллектив органи бўлмиш пленумларини белгиланган муддатларда чақирмаяпти. Бу СССР Ёзувчилар уюшмаси Уставини бузишдир.

Биз, қуйида имзо чекувчи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг аъзолари, «Ёзувчилар уюшмасидаги ижодий, маънавий-психологик муҳит ва уларни соғломлаштириш йўллари» деган кун тартиби билан Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг навбатдаги пленумини 1990 йил январ охиридан кечиктирмай чақиришларини талаб қиламиз.

Ж.АБДУЛЛАХОНОВ

Ҳ. АБДУСАМАТОВ

Ч. АМЕТОВ

Н.АМИНОВ

Э. АЪЗАМОВ

М.БОБОЕВ

М.ГРЕБЕНЮК

Мурод Муҳаммад ДЎСТ

С.МАМАЖОНОВ

С.МИРВАЛИЕВ

О.МУХТОРОВ

А. ОСМОНОВ

Шавкат РАҲМОН

Ҳабиб САЪДУЛЛА

Ҳ.СУЛТОНОВ

С. ТАТУР

Н.ХОЛБЎТАЕВ

Ў. ҲОШИМОВ

А.ФАЙНБЕРГ

Н.ФОЗИЛОВ

О.ШАРОФУДДИНОВ

Абдулла ШЕР

Н.ЭГАМНАЗАРОВ

Комил ЯШИН

М.ҚОРИЕВ»

1990 йил 22 январ, душанба

«Совет Ўзбекистони»даги 25 нафар ёзувчининг мурожаатномасини ўқиб, ташвишга тушиб юрган эдим. Мурожаат тўғридан тўғри Одил Ёқубовга отилган ўқ эди.

Бугун эрталаб уйғонгандан сўнг Зулайхо кўрган тушини айтиб берди: Одил ака ҳовлимизда турган эмиш,хўмрайган, гаплашгиси келмайди. Аччиғи зўр. Ҳарчанд иккимиз ялинсак ҳам

ичкарига кирмапти. Ҳовлидаги каравотга ўтириб олипти. Ичкарига кирмайман, депти. Юрагимга ғулғула тушиб, шу заҳоти Тошкентга жўнадим.

«Ёшлик»да Ғаффор Ҳотамов йўқ экан. Омон Матжон билан гаплашдим. Айтишича, Одил Ёқубов ўрнига Ёзувчилар уюшмаси раислигига ҳозир Одил акага ўринбосар бўлиб ишлаётган Тоҳир Маликни қўйишмоқчи экан. 1989 йил декабрида Одил ака СССР халқ депутатларининг 11 съездида юрганда Тоҳир Малик раислигида Ўзбекистон халқ депутатлигига Ёзувчилар уюшмасидан номзод кўрсатишга бағишланган мажлис бўлиб, биронта ҳам номзод кўрсатилмаган. Яъни Тоҳир Малик раисликни удалай олмаган, мажлисни бошқаролмаган. 26 январ куни Пленум ўтказиладиган бўлди. Пленумда шуни кимдир айтиши керак. Яъни Тоҳир Малик раисликка муносиб эмас, ҳали тажрибаси йўқ, иш ўргансин, дейиш керак.

Тушдан кейин Ғаффор ака келди. «Совет Ўзбекистони»даги мактубнинг иғволигини фош этувчи жавоб мактуби тайёрлаб, унга Шукруллога имзо қўйдириб келибди. Бу хатга мен ҳам имзо чекдим. Шу пайт Абдуқаҳҳор Иброҳимов сим қоқиб, келажагини билдирди. Келиб, бир соат ўтирди. 26 январ куни Пленумда Одил акани ҳимоя қилиб гапирмоқчи. Союзда ҳеч қандай ажралиш йўқлигини, бу бир тўда – **яъни уюшган жиноятчилик фаолияти** эканини айтди.

Маълум бўлишича, «Совет Ўзбекистони»даги хатни Мурод Муҳаммад Дўст ёзиб, ўзи билан 25 кишига қўл қўйдириб олган. Хатни Союзга берамиз, деган. Озод Шарафуддинов, Нурали Холбўтаев (Нурали Қобул), яна бир неча киши Одил аканинг ҳузурига келиб, Одил акадан кечирим сўрашибди. М.М. Дўст бизни алдади, «Совет Ўзбекистони», Ўзбекистон КП ҳақида гап бўлмаган эди, дейишаётганмиш. Эртага Пленумда Гулчехра Нуруллаева, Жамол Камол ва бошқалар Одил акани ҳимоя қилишмоқчи.

Мен Ғафур Ғулом нашриётига жўнадим. 1991 йил темпланига киритилган китобимга қўшимча хикояларимни топшириш учун. Соат 17. Проза бўлими мудири Машраб Бобоев хонасига кирдим. Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Ёқубжон Хўжамбердиев, яна икки киши ҳангома қилиб ўтиришган экан. Мен кирганимдан сўнг сўхбатни тўхтатиб, чиқиб-чиқиб кетишди. Ҳатто Машраб Бобоев ҳам чиқиб кетди. Менинг китобга ўзгартиришларимга аралашмади. Жўнаётганимда:

- Энди март ойининг охирида хабар оламан-да, - дедим.

- Йўқ, апрелнинг охири ёки май ойида хабар олсангиз, қўлёзма тайёр бўлади, - деди Машраб Бобоев.

Ундан маданият министрлигига, Равшан Қодировга ўтиб, «Мен сени севаман, Бувиражаб!» номли драманинг қисмати билан қизикдим. Қодиров драмани февралда бирон театрга ўтказишга ваъда берди. Ундан китоб савдоси бошқармаси бошлиғи Сотиболди Йўлдошевга учраб, «Ёш гвардия» нашриётида чиқаётган «Барлос қишлоғининг зумрад тонглари» китобимнинг тақдирини ўргандим. Нашриёт 15 минг тираж белгилаган. 20 мингта талаб тушибди. Қайтиб, «Ёшлик»ка келдим. Ғаффор аканинг ишлари бор экан. Соат саккизгача битирдик. Йўлда «Тошкент» ресторанидан 16 сўмга ярим соат ялиниб битта ароқ олдик-да, Одил аканинг уйига бордик. Одил ака қаттиқ хафа. «Энди бўлди, кетаман, менга Чигатой қабристонида жой керак эмас. Асли Олма Отага бориб, қозоқ ёзувчиси бўлишим керак экан. Энди Туркистонга кетаман. Ётиб, икки йилда иккита роман ёзаман. Мендан шу қолади. Болаларим орқамдан борса борсин, бормаса юраверсин, уйи-жойи бор, болачақадан ташвишим йўқ. Булар яхшиликни билмас экан. Шунча куйиб-пишганинг бир тийин экан. Қадринга етишмаса, нима кераги бор!...» - Одил ака тескари ўгирилди.

- Каттага учранг, - деди Ғаффор ака.

- Кераги йўқ..

Ғаффор ака бугун кимлар ҳимоя қилмоқчи бўлаётганини айтди.

- Қўйинг, Ғаффор, энди мени қайтарманг, энди ям қайтарсангиз, иккимиз уришиб қоламиз.

Одил аканинг айтишича, бугун у кишини Сарвар Азимов ўз ҳузурига чақирибди-да: «Бу болалар ёмон, сизга жуда қаттиқ тармашяпти. Ишдан ҳам бўшаттирамиз, депутатликдан ҳам чақиртириб оламиз, дейишяпти», депти. Яъни, сени ҳам ишдан бўшатаман, ҳам депутатликдан чақиртириб оламан, деди. Сарвар Азимовнинг номзоди 1987 йили Ёзувчилар уюшмаси раислига Одил Ёқубов билан бирга қўйилган, Одил Ёқубов кўп овоз олиб, раис бўлган эди. 1989 йил бошида иккисининг номзоди СССР халқ депутатлигига қўйилган. Ўшанда ҳам Одил Ёқубов ютиб кетган. Одил акани ўртага олаверганимиздан сўнг у киши бир воқеани айтиб берди

1990 йил 20 январ шанба куни эрталаб соат ўнда Ўз КП МК идеология секретари Ҳамидов телефон қилиб, «ҳозир уйингизга бораман», депти.

- Мен хотинга, битта ош қил, мендан ишдан бўшаш ҳақида ариза олгани келишяпти, дедим. Ҳамидов келиб, роса бир соат ўтирди. Бу болалар сизга каттиқ хужум қилишяпти, ниятлари ёмон, шарманда қиламиз, дейишяпти. Қўйинг, бу болалар билан уришиб ўтирманг, ишдан бўшаб кўя қолинг. Пленумга ўзим келиб, ёнингизда ўтираман. У болаларни қайтараман, силлиққина ўзим сизни эсон-омон олиб чиқиб кетаман. Ўзингиз бўшайман, деб айтинг. Яхши бўлади. Баҳона топинг. Кейин ўрнингизга Тоҳир Маликнинг номзодини тавсия қилинг, деди. Шу куни Ҳамидов Абдулла Ориповни чақириб, шунақа гап, Одил Ёқубов ҳисобот бергандан сўнг, ишдан бўшайман, дейди. Шунда сиз дарҳол минбарга чиқиб, Тоҳир Малик номзодини кўрсатинг, депти. Мана шунақа гаплар. Сарвар Азимов мени каттага чаққан, «бирлик»чиларнинг асл раҳбари Одил Ёқубов, деган.

Шу ўринда Ғаффор Ҳотамовнинг «Тақдир ажойиботлари» киссасидаги мана бу воқеа бот-бот эсга келаверади. Усмонхўжаев даврида ўзини осмоннинг устун дейиш даражасига етган «Совет Ўзбекистони» газетаси бош муҳаррири Лазиз Қаямов газета ходими Ғаффор Ҳотамовни ўз ҳузурига чақиради-да, 1985 йилги машҳур 53 лар аризаси ҳақида сўраб, дейди:

«- Булар фашистдан ҳам баттар экан!» - деди у, чуқур хўрсиниб».

Сарвар Азимов билан Ўзбекистоннинг учинчи шахси Ҳамидов бекорга Одил Ёқубовга ваҳима қилишмаётганди. Мен айтган ўша «учлик» кўп нарсаларга кодир ва кодирлигини неча бор исботлашга ҳам улгурган эди.

Изоҳ: «Бирлик»нинг етакчиларидан бири Муҳаммад Солиҳ Союзда ишлайди, Одил Ёқубовнинг ўринбосарларидан бири. Рафиқ Нишонов Ўзбекистон раҳбари бўлган даврда бир-икки бор Муҳаммад Солиҳни супуриб ташламоқчи бўлганда Одил Ёқубов ҳимоя қилган. Тагин денг, «Бирлик» Ёзувчилар уюшмаси биносида тузилган, яъни «Бирлик»нинг асл раҳбари Одил Ёқубов дейишга асос бор. Аслида Одил ака кенг феъллиги, ҳақиқатгўйлиги туфайли «Бирлик»ни, яъни Муҳаммад Солиҳни ҳимоя қилган.

- Мен ўрнимга Эркин Воҳидов номзодини кўрсатдим, - дея давом этди Одил ака. – Эркин Воҳидов буни эшитиб, эрталаб олдимга югуриб келди. Кўз ёши қилди. Мен бўлмайман, касалман, ўтимни операция қилиб, олиб ташлашган. Мени булар еб ташлашади. Номзодимни кўрсатганингиз учун раҳмат, деди. Мен Эркин Воҳидов катта шоир, эътиборли, деган ниятда тавсия қилган эдим, лекин у бўла олмаслигини ҳам билардим.

- Ундай бўлса, сиздан нима кетди. Абдулла Орипов номзодини ҳам кўрсатинг, катта шоир, СССР халқ депутаты, ҳам катта билан муносабати яхши. Тоҳир Малик ким бўлипти? – деди Ғаффор ака.

- Мен ҳам айтдим, - деди Одил ака. - Тоҳир Маликни ҳеч ким танимаса. Москвада ҳеч ким уни билмаса, на ёзувчи, на раҳбар сифатида номаълум шахс бўлса, дедим. Лекин Абдулла Орипов деганинг тўғри. Яхши маслаҳат.

- Ҳа-да! Бари бир бўшайдиган бўлсангиз, Эркин Воҳидовга яхшилик қилипсиз, Абдулла Ориповга ҳам яхшилик қилинг. Абдулла ака ҳам сиздан рози бўлсин. Ишини эплаб кетса – сиздан, кетолмаса - худодан.

- Ундай бўлса, Ориповнинг ўзидан рухсат олиш керак, - деди Одил ака. – Телефон қилчи.

Ғаффор ака телефон қилди. Ориповнинг қизи дастакни кўтариб, дадам ухляпти, эрталаб телефон қилинг, деди.

- Ҳа-а, у Ҳамидовдан ҳалиги гапни эшитиб, нега менинг номзодимни айтишмаяпти, - деб ичиб-ичиб, ухлаб қолган. Ўзи рози бўлармикан? – деди Одил ака.

- Бўлади, - деди Ғаффор ака. – Раис бўлгиси бор. Эрталаб яна телефон қиламан. Сиз, Одил ака, яна айтиб ташланг. Темур Пўлатовнинг ҳам номзодини кўрсатинг. Оқибат, булар сиздан хурсанд бўлиб қолишади.

Одил ака анча ўзига келди. Яхши тақлиф айтдиларинг, деди. Шундан сўнг биз хайрлашдик. Кўчада Ғаффор аканинг кайфияти бузилди. Икки ой бурун Одил аканинг яна бир шогирди Абдусаид Кўчимовни Ўзбекистон комсомоли марказий Комитети биринчи котиби Азиз Носиров чақирипти-да: (Абдусаид Кўчимов комсомол органи бўлмиш «Ленин учқуни» газетасининг бош муҳаррири эди.) «Ариза бериб, ишдан бўша, сенга бошқа иш топамиз», депти. Одил Ёқубов аралашгандан кейин Абдусаид Кўчимов жойида қолди. 20 январ куни Азиз Носиров Абдусаид

Кўчимовни яна чакириб: «Энди у ёқ-бу ёққа чопма. Ишдан яхшиликча бўша, ўзинга яхши бўлади. Мана сенга иш: «Ёш куч» журналига муҳаррир ўринбосари, «Ёш гвардия» нашриётига бўлим мудир, ЦК комсомолга бўлим мудир...», деб, тўрт жойдан иш таклиф қилипти. Кейин Абдусаид Кўчимов бу сафар «Қишлоқ ҳақиқати» бош муҳаррири, СССР халқ депутати Аҳмаджон Мухторовга боришти. Аҳмаджон Мухторов билан Азиз Носиров Самарқанднинг бир маҳалласидан. Абдусаид Кўчимов Самарқанднинг Ургутидан.

- Сен ўзи нима қиялсан? – деб сўрапти Аҳмаджон ака Азиз Носировдан телефонда.

- Ўзимча қилаётганим йўқ, ака, - деди Азиз Носиров. – Бу ёғини сўрасангиз, ўзимнинг ҳам аҳволим ёмон. Тепадан буйруқ беришяпти. Кўчимов Одил Ёқубовнинг шогирди эмиш.

- Ўша тепадагиларинг яна қанча ҳукм суради? Икки йилга етмайди. Кўчимовни бўшатсам ўзим омон қоламан, деб ўйлаяпсанми? Уни бўшатасан, кейин навбат ўзинга келади.

Шу гап билан Азиз Носиров мардлик қилиб, ҳамма юкни ўзига олиб, А. Кўчимовни жойидан кўзгатмапти.

- Одил акани бўшатишса, навбат мен билан Омон Матжонга етади, - деди Ғаффор ака. – Бизни ҳам ишдан олишади. «Ёш ленинчи»да муҳаррир ўринбосари Қулман Очиловни бўшатишди. Ҳеч бўлмаса, корректор бўлиб қолай, деса ҳам кўнишмапти.

1990 йил 23 январ, сешанба.

Эргалаб Ғаффор ака яна Абдулла Ориповга сим қоқди. Яна қизи олиб: «дадам соат 12 да ишга боради, ўша ёққа ўтинг», деди. «Мен ҳозир учрашмасам бўлмайди», деб Ғаффор ака Абдулла Ориповга кетди. Мен Одил аканинг кўнглини кўтариш учун Союзга бордим.

- Ғаффор қани? – деб сўради Одил ака.

- Абдулла Ориповга кетди.

- Ўзингчи, нима қилиб юрибсан? Қаерда ишляпсан?

- Аввалгидай, совхозда.

- Сени ишга ололмадик-а?

- Менинг ишим учун қайғурманг, Одил ака. Кўчада қолганим йўқ. Бир гап бўлар. Кеча Ғаффор ака билан маслаҳатлашиб, сизнинг қарорингизни маъқул деб топдик. Қадрингизга етмаганларидан кейин... тўғри-да, қайтага ғалвадан қутуласиз. Булар энди бари бир сизни қўйишмайди. Ҳозир қолсангиз, яна жанжални давом эттираверишади. Ундан кўра ётиб олиб, икки йилда битта роман ёзсангиз, шу фойда...

- Ҳе-е... романиниям онасини... - сўқинди Одил ака.

Хонага Одил аканинг ёрдамчиси Ҳамрокул Асқар кирди. Мен чиқиб кетдим. «Шарқ юлдузи» №2 феврал сониди «Учинчи йўл» ҳикоям чиқаётган экан. 2-корректурасини ўқиб, қўл қўйдим.

«Гулистон»га ўтиб, Эргаш Муҳаммад, Оқилжон Ҳусанов, Ўктам Мирзаёрлар билан бирга тушлик қилдик. «Гулистон»га қайтиб келганимизда бош муҳаррир Мирмуҳсин кўтаринки кайфиятда кириб келди.

- Ҳозир Ёзувчилар уюшмаси секретариат йиғилишидан келяпман, - деди Мирмуҳсин. - Пленумда фақат Союз секретарларининг ҳисоботи тингланадиган бўлди. Ташкилий масала кун тартибидан чиқариб ташланди. Ёзувчилар: биз кўрадиган ташкилий масала йўқ, дея жанжал қилишди.

Секретариатда Мурод Муҳаммад Дўст ҳам аввал сочлари тип-тикка бўлиб ўтирган эди. Охирида шалпайиб қолди. Нурали Қобул сўз олиб: «Ўртоқлар, бу нима деган гап? Ўртоқ М.М. Дўст, сиз менга ўша хатга қўл қўйдираётганингизда газета ҳақида гап йўқ эди. Хатда «Совет Ўзбекистони» деган ёзув йўқ эди. Хатни Ёзувчилар уюшмасига топшираман, дегандингиз. Нега бизни алдадингиз?» деди. Шундай гапни Озод Шарафуддинов ҳам айтди.

Хурсанд бўлиб, «Ёшлик»ка, Ғаффор аканинг олдига ўтдим. Абдулла Орипов «мен билмасам, ўзларингиз хал қилинглари», деган эмиш. «Мен Пленумда сўз сўрамоқчиман», деган эдим, Ғаффор акага маъқул тушди. «Ёш гвардия» нашриётига ўтиб, бўлим мудир Шаҳодат Исахоновага учрадим. «Барлос қишлоғининг зумрад тонглари» китобим кечикаётганини айтдим. Шаҳодат Исахонова китобни албатта шу йил чиқаражagini, тиражини 30.000 нусхага етказишини айтди.

1990 йил 26 январ, жума.

Эрталаб соат роппа-роса 11 да Пушкин-1 га етиб бордим. Уюшма эшиги олдида уч-тўртта бегона барваста йигитлар туришипти. Фақат Пленум аъзоларини – қизил патта бериб, ва таклиф қилинганларни махсус ҳужжат бериб, ичкарига киритишяпти бу бегоналар. Менга ўхшаганларни ўтказмаяпти.

Уюшмада аввал-кейин ҳеч қачон бунақаси бўлмаган эди. Уюшма эшиклари ҳамиша ҳамма учун очик бўлган. Айниқса, Одил Ёқубов даврида уюшма адолат излаганларнинг келадиган нажот уйига ҳам айланган ва эшиклари ҳамиша очик бўларди.

Ҳайрон бўлиб турдим, алам қилди. Сўнг:

- Мен мажлисга кирмайман, биринчи қаватдаги ҳожатхонада ишим бор, деб, ҳалиги йигитлар билан талашиб-тортишиб ичкарига кириб олдим. Бурчакка ўтиб, энди нима қилсам экан, деб тургандим, Шукур Содик, Мамадали Маҳмудов келиб қолишди-да, «юр бу ёққа», деб, Маҳмудовнинг хонасига етаклаб киришди.

- Икки йўлни танланг, - деди Шукур Содик менга дабдурустдан, - Самарқандда янги нашриёт очилапти. Бир йилда 50 та китоб чиқаради. Ё ўша ёққа катта муҳаррир бўлиб боринг, ё «Ленин учқуни»га Абдусайд Кўчимовга ўринбосар бўлиб келинг.

Менга икки таклиф ҳам маъқул келмади.

Мамадали Маҳмудов «тез-тез ёзинглар, наригилар кечадан бери сўзларни ўзлари бўлиштириб олишди. Агар ҳозир талабномаларни кўпайтириб ташламасак, улар зўрлик қилиб кетишади», деди. Уч-тўрт киши ўтириб талабномалар ёздик Мен Очил Тоғаевга, Аҳмад Аъзамга, Жамол Камолга, Дилором Исҳоқовага, Омон Матжонга, Ғаффор Ҳотамовга, ўзимга ва бошқаларга сўз сўраб, талабномалар ёздим. Бошқалар ҳам ёзишди. Ҳаммасининг талабномаларини мен олиб, устки кийимларимни ечдим, юқорига чиқадиган бўлдим. Учинчи қаватга кўтариладиган пиллапоялар қошида ҳам серсават йигитлар тепага чиқмоқчи бўлаётганларни текшираётган эдилар. Бир йигит менга Абдусайд Кўчимовнинг таклифномасини берди: «Сизнинг кимлигингизни улар танимайди. Таклифномада расм йўқ. Залга кириб олсангиз, бўлди, у ерда ҳеч ким суриштирмайди». Шу тахлит учинчи қаватдаги залга кирдим. Одил Ёқубов президиум аъзоларини юқорига таклиф қилаётган экан. Муҳаммад Солиҳ Одил аканинг ўнг томонида, Сарвар Азимов чап томонида ўтиришипти. Одил ака микрофонни Муҳаммад Солиҳга тутиб, менга сўз беринг, деди.

Муҳаммад Солиҳ: «ҳисобот учун сўз Одил Ёқубовга»

- Мен балки бу минбарга охирги марта чиқаётгандирман, - дея сўз бошлади Одил ака, - шунинг учун ёлғон камтаринликни итқитиб, бир мақтаниб олишим керак. Бундан икки йил бурун шу лавозимга сайлангандан сўнг амал курсисига ўтира туриб, сездимки, курси тўла мих экан. Мен ана шу – учлари чиқиб турган михли курсига ўтиришга мажбур бўлдим.

Одил ака кейинги икки йил давомида қанча ёшларга йўл очилганини, қанча юбилейлар ўтказилганини, янги таржима ташкилоти тузилганини, репрессияга учраган Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Элбек каби ижодкорларни оқлаш, асарларини нашр этишда амалга оширилган ишларни, 24 ижодкорга уй-жой олиб берилганини ва бошқа қилинган ишларни санаб ўтди-да, охирида деди:

- Мана шу Мурод Муҳаммад Дўст, менинг шогирдим эди, мен Ғафур Ғулом номли нашриётда ишлаб юрганамда уч йил менинг олдимга қатнаган, «Одил ака, биз «Муқаддас»ингизни ўқиб одам бўлганмиз», деган. Мурод Муҳаммад Дўстни мен Москвага ўқишга юборганман. Мурод Муҳаммад Дўстни «Литературная газета» мухбирлигига ҳам мен тавсия қилганман.

- Кейин ўзингиз Москвага бориб, менинг номзодимга қарши овоз бергансиз, - деди Мурод Муҳаммад Дўст ўтирган жойидан.

- Мурод ука, сен бир пас жим ўтир. Бу менинг охирги сўзим. Мен кетаман. Шу минбар, шу амал учун талашаётган бўлсанг, бари сенга қолади. Мен охирги сўзимни айтсам, мен сендан хафа эмасман. Шогирдим бўла туриб, шу ишларни қилсанг, мен қандай қилиб сендан хафа бўлай.

Одил ака касаллигини, икки йилдан бери ижодий ишлари қолиб кетаётганини рўқач қилиб, ишдан бўшатишларини сўради.

- Мени ҳеч ким ишдан бўшатаётгани йўқ, - деди Одил ака, - мен ўзим шу қарорга келдим.

Одил аканинг кўпгина гаплари гўё васиятдек туюларди. Шу орада мен сўз сўралган талабномаларни президиумга оббориб кўйдим. Одил ака жойига ўтгандан сўнг микрофонни Сарвар

Азимов эгаллаб, деди: «Мана, Одил Ёқубов жавоб сўраяпти. Энди уни ишдан бўшатиш учун овоз беринглар». Залда шовқин-сурон кўтарилди.

- Сиз ташқи ишлар министриси, - деди Аҳмад Аъзам, - нега ёзувчилар уюшмасининг ички ишларига аралашяпсиз?

- Одил Ёқубов истеъфо берган бўлса, - деди Тўра Мирзо, - унинг яна учта котиби бор. Улар ҳали истеъфо бергани йўқ. Нега мажлисга улар раислик қилмай, раисликни сиз эгаллаб олдингиз?

Сарвар Азимов: Секретариат аъзоларидан ким раислик қилса ҳам бўлаверади. Одил Ёқубовни ҳеч ким бўшатгани йўқ. Ўзи истеъфо берди.

Орқадан Ўктам Ҳакимали: Одил ака, сизни ҳеч ёққа бўшатмаймиз. Ўзингиз ишлайверасиз.

Одил Ёқубов: Мен касалман. Ҳозир тўғри касалхонага бориб ётаман. Кеча духтурлар келиб, «агар бориб ётмасангиз, мелиса билан олиб кетамиз», деган. Шунинг учун менга жавоб беринглар. Мана, истеъфо бердим. Қабул қиласизларми, йўқми, ўзларинг хал қилаверинглар. Мен кетай, орқадан гапириш осон бўлади, бемалол сўкаверасизлар. Менга жавоб. Агар бунга кўнмасаларинг, унда ҳозир ташкилий масалани ҳал қилинган-да, менга жавоб бериб, кейин пленумни давом эттираверинглар.

Сарвар Азимов: Мана, кўрдиларингми? Энди, Одил Ёқубовнинг ўзи илтимос қилиб турса, биз нима дейишимиз мумкин.

Омон Матжон (минбарга чиқди): Одил ака ҳақиқатан ҳам касал бўлсалар, ҳозир у кишига жавоб берайлик. Лекин раис масаласини ҳозир шошма-шошарлик билан ҳал қилмайлик. Съездга ниҳоят икки ой қолди. Съездга Одил ака даволансинлар, ўшанда бу масалага қайтармиз.

Ўлмас Умарбеков (минбарга чиқиб): Одил ака бизга керак. У кишининг соғлигини эҳтиёт қилайлик. Раислик у кишининг умрига эгов бўлади. Шунинг учун ҳозир Одил акани ишдан бўшатайлик, кейин Одил ака бориб даволансинлар.

Менинг ёнимдаги (невара кизи бўлса керак, етаклаб келган) қора кўзойнакли қария ўрnidан туриб: Бўшайман, деган одамга нега азоб берасизлар? Бўшатайлик, Одил соғлигини тикласин. Асарини ёзсин.

Залда шовқин-сурон.

Сарвар Азимов: Мана, иккита таклиф тушяпти. Биринчиси: Ҳозир Одил Ёқубовга жавоб берамиз ва ишдан бўшаган, деб ҳисоблаймиз. Иккинчиси: Ҳозир Одил Ёқубовнинг илтимосини инобатга олиб ишдан бўшатамиз, сўнгра жавоб берамиз.

Залда шовқин-сурон. Одил ака президиумдан тушиб, чиқаверишдаги ўриндикқа ўтирди. Йўталиб қолди. Тилининг тагига дори ташлаб, хижолатли илжайиб, ўртадан ташқарига чиқди. Бир оздан сўнг Одил ака яна қайтиб кирганча, шовқин-сурон тинмади. Ҳар ким ҳар хил таклиф киритди.

Сарвар Азимов: Биринчи таклиф: Ҳозир Одил Ёқубовга жавоб берилсин ва вазифасидан озод қилинсин. Иккинчи таклиф: Одил Ёқубовнинг илтимосини инобатга олиб, ўзининг иштирокида уни Раислик вазифасидан бўшаган, деб ҳисоблансин, лекин секретариат аъзолигида қолаверсин. Майли, секретариат аъзоси бўлиб қола қолсин. Сўнгра Одил Ёқубовга жавоб берайлик, бориб даволансин.

Олим Отахонов (залдан): Э, ҳимматингизга балли-е, Сарвар ака!

Жамол Камол: Касал одамни жўнатайлик ахир, бу нима масхарабозлик?

Сарвар Азимов: Демак, Пленум аъзолари карточкаларини кўтариб овоз беради. Чап томонни Эркин Аъзамов санайди. Ўнг томонни (кимни айтгани эсимда йўқ) Ким биринчи таклиф учун овоз берса, карточкаларини кўтарсин.

Бир томонни Эркин Аъзамов санади, президиум аъзоларини Тохир Малик санади. Жуда кам одам овоз берди. Шунга қарамай, 42 овоз деб эълон қилдилар. Пленум (правление) аъзолари 125 киши.

Сарвар Азимов: Ҳа майли. Бўлмаса, ташкилий масалани пленум охирида ҳал қиламиз. Ҳисобот учун сўз уюшма раисининг ўринбосари Гацунаевга.

Одил акага жавоб берилди. Залда ўтирганларнинг ярми Одил аканинг орқасидан ташқарига чиқди. Одил ака юрагини ушлаб, йиқилиб тушмаслик учун зўрға ўзини тутиб борарди. Иккинчи қаватга тушганда Одил акани Гулчехра Нуруллаева қўлтиқлаб олди. Нималардир дея Одил акани овутяпти, аммо ўзининг кўзларидан шариллаб ёш қуйиляпти. Кимлардир хайрлашди, кимлардир Одил аканинг қўлидан тутиб, бардамлик тилаяпти. Кимлардир ҳозир «жанг»га ташланажagini айтяпти. Биринчи қаватда, ташқарига чиқаверишда эски дўстим Мирза Кенжабоевга дуч келдим. Аввал-

кейин Одил Ёқубовга ва менга нисбатан уюштирилган барча ҳужумлар Мирзанинг дўстлари (гурухи) томонидан уюштирилгани учун орамиз кейинги йиллари совуб кетган эди. У ҳам Одил Ёқубовга тинмай тош отувчиларнинг фаолларидан бири эди.

Мирза: Ийе, Абулқосим! Қандайсиз? Хотинингиз депутатликдан бўшаб, энди енгиллашиб олдингизми?

Мен: Ҳа, хотин ҳам депутатликдан бўшади, устозни ҳам ишдан бўшатдиларинг! Тоза... кўчада қолдим энди, - деганча, тезлик билан кўчага отилдим.

Хизмат машинаси ҳам қаёққадир кетиб қолипти. Шукур Содик ўзининг «09» ини ўнглади. Мен эшикни очдим.

Одил акани жўнатдик.

Ичкарига қайтдик. Гулчеҳра Нуруллаева йиғлаб, тепага кўтариляпти. Мирза ҳамон ўша ерда. Пештахтадаги китобларни кўздан кечираётган киши бўлиб турипти. Аччиқ билан ёнига бордим.

Мен: Қалайсиз энди?

Мирза: (юзимга қаролмай) Адолатсизлик бўлди, Абулқосим. Катта адолатсизлик бўлди.

Мен юқорига шошилдим. Аччиғим ёмон.

Уюшма раисининг кейинги ўринбосари ҳисоботи: Икки йилдан бери кўп мажлисларни кўрдим. Кечадан олдин секретариат мажлисига одам тўлиб кетди. Ҳолбуки, биз фақат секретариат аъзоларини таклиф қилган эдик. Одам кўп тўпланганини кўриб қувондим, аммо мени бошқа нарса ўйлантириб қўйди. Тил ҳақида, Орол фожиаси ҳақида, бошқа йиғинлар ҳақида ўйладим. Ўшанда биз одамларни чақириб, елиб-югуриб ҳам шу зални одамга тўлдиролмаган эдик. Нега энди бу сафар одам кўп? Чунки бу сафар кун тартибига оргвопрос қўйилган. Бизнинг ёзувчиларимиз учун энг муҳим масала шу: оргвопрос. Орол, экология, болалар ўлими улар учун ҳеч нарса эмас. Уларга энг муҳими – оргвопрос.

Менинг ёнимда ўтирган Исфандиёр ҳадеб бақириб, ҳисоботчининг гапини бўлаверган эди, Ўктам Ҳакимали отилганча ёнига келиб, ёқасидан олди. Мен ўрнимдан туриб кетдим. Яна икки-уч киши етиб келди. Исфандиёр Ўктам Ҳакималидан кўрқиб қолди. «Менинг Одил Ёқубов билан ишим йўқ, мен фақат ҳисоботчига эътироз билдирияпман», деб қутулди. Кейин залдан чиқиб кетди. Шу пайт залнинг ўрта йўлагиде Исфандиёрни кузатиб турган Ўктам Ҳакимали «Ҳе онангни...» деб сўқинди. Қарасам, Ўктам Ҳакимали Эркин Аъзамовни гирибонидан оладиган ҳолатда турипти.

Эркин Аъзамов: Нега мени сўқасиз? Мен сизга ҳеч нарса деганим йўқ-ку, нега мени сўқасиз?

Ўктам Ҳакимали: Тур-э, онангни... сени! Одам куриб, сенга ҳисоб бераманми?

Эркин Аъзамов: Мен ахир ҳеч нарса қилмадим-ку сизга. Сиз...

Ўктам Ҳакимали: Йўқол-э, онангни... ифлос!..

Кимдир мушт ўктаммоқчи бўлаётган Ўктам Ҳакималини судраб олиб кетди. Эркин Аъзамов кизариб-бўзарганча, бир нарса дея олмай турарди.

Секретарлар ҳисобот бериб бўлганча, соат бир ярим бўлди. Сарвар Азимов танаффус эълон қилиб, танаффусдан сўнг мажлисга Эркин Воҳидов раислик қилажагини билдирди.

Танаффусдан сўнг бегона барваста йигитлар яна эшик олдида туриб олиб, ҳужжат талаб қила бошлашди. Яна жанжал-ғурбат бошланди. Шукруллодан сўрашган экан, аччиғи чиқиб, сўқипти. «Мен Ўзбекистон халқ шоири Шукрулломан. Сен кимсан? Йўқол бу ердан!», депти. Яна биров: «Бу ер ёзувчилар идораси. Мен ёзувчиман, шунинг учун келяпман. Сен ўзи кимсан? Аввал сен ўз ҳужжатингни кўрсат, кейин мен кўрсатаман», депти. Ана шу ғурбатлар орасида билдирмай, мен ичкарига кириб олдим. Ҳамма йиғилди. Уюшма котиблари бир ёқда қолиб, мажлисга яна бегона, Эркин Воҳидов раислик қила бошлади.

Эркин Воҳидов: Ўртоқлар, биз, секретариат аъзолари танаффусда маслаҳатлашдик ва қуйидаги қарорга келдик: Мажлисни фақат правление аъзолари ва таклиф қилинганлар иштирокида ўтказмоқчимиз. Бошқаларнинг чиқиб кетишини сўраймиз.

Бир киши ўрнимдан туриб: Қачондан бери Союз эшикларига мелиса қўйиладиган бўлди? Халқ келадиган эшикларни нега ёпаяпсизлар? Ўзи нима гап?

Залда шовқин-сурон. Кўплар аччиқ билан гапирди.

Эркин Воҳидов: Ҳа, майли, фақат илтимос: орқадан жуда кўп лукма ташлаш, бакириш-чакириш бўляпти. Жим ўтиришса, майли, биз пленумни давом эттиришга розимиз. Хў-ўш, мана, қўлимда рўйхат. Қуйидагилар бир неча кун аввалдан сўзга ёзилиб қўйишган: Жонрид Абдуллахонов, Сергей Татур, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов... Озод Шарафуддинов...

Хуллас, мазкур рўйхат атайлаб тайёрлангани маълум бўлиб қолди. Гўёки уч-тўрт кундан бери фақат ўша, «Совет Ўзбекистони»да чиқиш қилганлар сўз сўраётган эдилар. Шуни англаб қолган залдагилар яна шовқин кўтаришди.

Эркин Воҳидов: Шунингдек, иккинчи қўлимда яна бир рўйхат бор: булар бугун сўз сўраганлар. (Буларнинг қўлида доим иккита рўйхат бўлади. 1982 йили уларнинг иккинчи рўйхатига кириб қолганим учун не балоларга гирифтор ўлмаган эдим мен). Булар... Рамз Бобожон, Очил Тоғаев, Жамол Камол, Гулчеҳра Нуруллаева, Аҳмад Аъзам, Ғаффор Ҳотамов... Норбой Худойберганов... Биз фақат правление аъзоларига сўз беришга қарор қилдик. Мен битта у рўйхатдаги, битта бу рўйхатдаги одамга сўз бераман. Озод Шарафуддинов – йўқ.. Рамз Бобожон – йўқ. Жонрид Абдуллахонов.

Жонрид Абдуллахонов: Одил акага қарши гапирди. Мен ҳақ гапни, Союздаги жиноятларни очик айтганим учун мени ишдан четлатишди. Союз иши жуда ёмон, деди.

Очил Тоғаев: Бир вақтлар Сарвар Азимов ҳам, Ўлмас Умарбеков ҳам худди бугунгидай ишдан бўшатишган эди. Булар бугун шу ерда томошабин бўлиб ўтиришипти. Нахотки улар сабоқ олган бўлмасалар?

Евгений Березиков: Одил акани ҳимоя қилди.

Жамол Камол: Одил Ёқубов уюшмага раис бўлгандан бери об-ҳаво жуда яхши томонга ўзгарди. Иқлим яхшилашди. Истеъдодларга йўл очилди. С.Азимов, Ў. Умарбеков даврида юз очмаган 37-йил ҳужжатлари юз очди. Жумладан, биз Абдулла Қодирий юбилейини тантанали нишонладик. Ҳабибулла Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги кунлари» асари «Ёшлик»да эълон қилинди. Қодирийни ким ўлдиргани, ким бунга имзо чеккани бизга аён бўлди. Баъзи қўл қўйганларнинг ўзлари, баъзиларининг қариндошлари, укалари, болалари орамизда ўтирипти. Улар тирик. Улар сир очилишига қаршилиқ кўрсатадими? – Кўрсатади. Кимга? – Бу ишларга йўл очаётган, барча ёзувчиларни кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилаётган Одил Ёқубовга қаршилиқ кўрсатади.

Олдимизда эса Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Элбек ва бошқа катағон қилинган ёзувчиларнинг юбилейлари турипти. Демак, янги Ҳабибулла Қодирийлар чиқади, яна кўплар жавоб беришига тўғри келади. Жавоб бермаслик учун, янги Ҳабибулла Қодирийларни чиқармаслик учун нима қилиш керак? – Одил Ёқубовни, бу ишларнинг раҳнамози, қалқони Одил Ёқубовни ишдан четлатиш керак. (қарсақлар)

Москвада биздан 104 нафар СССР халқ депутати бор. Съездларда ана шу 104 нафар депутат орасидан овози баралла чиқиб тургани битта – Одил Ёқубов! Одил Ёқубов биринчи бўлиб, бизнинг пахта аслида 30.000 сўм туришини (ўттиз минг-а!) , бизга эса ўртача 600-700 сўм тўлашларини айтди. Одил Ёқубов биринчи бўлиб, бизнинг халқ америкалик негрлардан ўн баравар аянчли аҳволда яшашини айтди. Одил ака биринчи бўлиб, аёлларимиз фожиасини, болалар ўлимини, экология масалаларини кўтарди. Съездда айтди, айтгани қўйишмаганда телевизорга чиқиб айтди, радиода айтди, Бутуниттифок газета-журналларида айтди. Айтаяпти. Ўзбекнинг дардини биргина Одил Ёқубов айтаяпти (қарсақлар)

Европалик депутатлар бизларникига қараб: «вот среднеазиатские бараны!», деб тўғридан-тўғри айтганда бу сўзга қарши баранларнинг ичидан чиқиб гапирган Одил Ёқубов бўлди. Ҳа-а! (қарсақлар).

Мен бу сўзларни Одил Ёқубовга хушомад учун айтаётганим йўқ. Одил Ёқубов менга уй ҳам, дача ҳам, машина ҳам, бирон бир унвон ҳам олиб берган эмас. Мен ҳам сўраганим йўқ.

Одил ака Москвада дадил туриб, ўзбекнинг дардини айтаётгани мен учун энг зўр унвон, энг олий мукофот! Бу ҳаммамиз учун, бутун ўзбек халқи учун мукофот! (қарсақлар)

Одил аканинг ана шу жонқуярлиги баъзиларга ёқмаяпти. Ёқмагандан кейин бу овозни, бу жарангдор овозни ўчириш керакми? Ҳа-а-а! Керак! (қарсақлар)

Яқинда яна депутатлар съезди бўлади. Одил ака борса, Қозоғистондан Ўлжас, Қирғизистондан Чингиз «аҳволинг қандай?», деб сўрашса, Одил ака ерга қараб «мени ишдан олишди» деса, биз ким

деган одамлар бўламиз? Ўйланг. Агар қирғиз адабиётидан Чингизни бунда-ай четга олиб қўйсақ, нима қолади? – Катта бўшлиқ. Қирғиз адабиётида ҳеч нарса қолмайди. Худди шундай, ўзбек адабиётидан ҳам Одил Ёқубовни олиб ташлаб кўрингчи, қани, нима қолар экан?

Ана шундай экан, биз Одил Ёқубовни олиб қолишимиз керак.

Эркин Аъзамовга сўз берилган эди, у «кейинроқ чиқаман» деди. Ўрнига Мурод Муҳаммад Дўст чикмоқчи эди, рухсат беришмади.

Гулчеҳра Нуруллаева: Озарбайжон ва Арманистоннинг Қорабоғ жанжали ҳақида гапириб, бизда ҳам Ўзбекистонни Озарбайжонга айлантиришга уринишлар бўляпти, деди. Кейин:

- Яқинда бир даҳшатли хатга кўзим тушиб қолди. Тожикистонлик бир гуруҳ зиёлилар Москвага хат йўллаб, Самарқанд ва Бухорода нукул тожиклар яшайди. 20-30 йиллари зўравонлик оқибатида уларнинг паспортларига «ўзбек» деб ёзилган. Самарқанд ва Бухорони Тожикистонга кўшиб олишимиз керак, дейиштипти. Рафиқ Нишоннов икки йил бурун Ибн Сино тожикларники, деб икки кўшни халқни уриштириб қўйишига сал қолганди. Ўзи нима бўляпти? Қачондан бери биз тожик биродарларимиз билан ер талашадиган бўлиб қолдик?

- Умуман, кейинги пайтларда тушуниш қийин ишлар амалга ошириляпти. Масалан, «Ёш ленинчи» 1989 йилнинг энг машҳур одамлари деб Одил Ёқубов, Дадахон Ҳасанов, Эркин Воҳидовларни эътироф этгани учун газетанинг бош муҳаррир ўринбосари Қулман Очиловни ишдан бўшатдилар. Халқнинг дардини ёзиб чиқишларига йўл бергани учун «Муштум»нинг бош муҳаррири Жўра Саъдулла ишдан бўшатилади. «Ленин учқуни» газетасининг 1989 йил 30 декабр сониди менинг «1920 йили Қўқонда тузилган мусулмон ҳукумати ҳақида»ги мақолам учун газета бош муҳаррири Абдусайд Кўчимовни ишдан бўшатишга уриниш бўлди. Бу ҳол давом этапти...

...
...

- Агар бугун Пленумда Одил Ёқубовни ишдан бўшатиш масаласи кўриладиган бўлса, биз – бир гуруҳ пленум аъзолари мажлис залидан чиқиб кетамиз, - деди Гулчеҳра Нуруллаева.

Пленум якуни: Одил Ёқубовни ишдан бўшатиш масаласини қайтадан кун тартибига қўя олмади. Мен Пленумда сўз ололмадим. Лекин сўз тайёрлаган эдим. Мана у:

«Тўққиз йил муқаддам, 1981 йил ноябр ойида мен Одил Ёқубовдан телеграмма олдим: «Тез етиб кел. Ҳикояларинг нашр этиляпти». Мен тез етиб келдим. Билсам, янги «Ёшлик» журналининг биринчи сони нашрга тайёрланаётган, янги нашрнинг бош муҳаррири Эркин Воҳидовнинг «яхши шогирдларингиздан бирининг асарларини тавсия қилинг», деган илтимосига биноан Ёзувчилар уюшмаси наср кенгашининг раиси сифатида Одил ака менинг иккита ҳикоямни, уларга сўзбоши ёзиб, жўнатган экан. Одил ака мени янги журналга юборди, қандай боришим кераклигини обдон тушунтирди, чунки у вақтлари мен, бир қишлоқи йигит, Жиззах музофотидаги қишлоқ газетаси ходими, Самарқандда ўқиганман, яъни Тошкентни мутлақо билмайман. Бир амаллаб Ёзувчилар уюшмаси биносини топиб келдим. Одил Ёқубовнинг шогирди деб мени Эркин Аъзамов билан Хайридин Султонов қучоқ очиб кутиб олишди, чой қуйиб беришди, ҳол-аҳвол сўрашди ва иккита ҳикоядан бирини Одил Ёқубов сўзи билан журналнинг биринчи сониди эълон қилажакларини билдиришди. Мен жуда хурсанд бўлдим. Лекин менинг ҳикоям биринчи сонда чикмади. Ва умуман, менинг ҳикояларим 1986 йилгача «Ёшлик»да чикмай кетди. Мен ҳозир бунинг сабаблари устида тўхталмоқчи эмасман. Бунинг ўзи катта тарих.

Мен демоқчиманки, агар 1981 йили ўзбекнинг ишонган ёзувчиси Одил Ёқубов ҳар қанча саъй-ҳаракат қилмасин, битта номни юзага чиқаришга қурби етмаган экан, ана ўша давр билан кейинги уч йил орасида ер билан осмонча фарқ бор.

1987 йилдан бу ёғига жумҳурият матбуотида потирлаб, лолақизғалдоқлардай янги номлар чиқди. Биргина бизнинг Жиззахдан кейинги уч йилда «Ёшлик»: Абдурахмон Каримов, Исҳоқ Исмоил, Зулфия Қурбонова, Абдулла Қўшбоқ, Хўжабек Турсуновларни, «Гулистон»: Шарофат Ботинова, Сайёра Тўйчиевани, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»: Хўжабек Турсунов, Венера Иброҳимовани, «Шарқ юлдузи»: Саттор Қорабоев, Шарофат Ботинова, Венера Иброҳимова каби ёш номларни кашф этди. Худди шундай фикрларни бошқа вилоятлар вакиллари хусусида ҳам айтиш мумкин.

Яъни янги номлар юз очиши бизнинг матбуотимиз учун одатий, табиий ҳолга айланди. Шунингдек, «Ёш гвардия» нашриёти: Иброҳим Дониш, Саттор Қорабоев, Венера Иброҳимова, Абдурахмон Каримов, Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти: Абдулла Қўшбоқ, Шарофат Ботирова, Бахтиёр Ризо каби жиззахлик ёшларнинг китобларини нашр этди ёки нашр этиш арафасидаки, буни табрикламаслик ва мазкур нашр органларига миннатдорчилик билдирмаслик мумкин эмас.

Кейинги даврда кўзга ташланган адабиётимиздаги ана шу сифат ўзгаришлари, албатта, Ёзувчилар уюшмаси тўғри йўлдан бориб, қайта қуришни жиддий амалга ошираётганини, ижодкорнинг биринчи даражали иши – асар битишига етарли имкон яратилаётганидан далолатдир.

Ёсингизда бўлса, 1984 йилги Ўзкомпартия ХУ1 пленумидан кейин биз аёвсиз равишда пахта ўғрилари фаш этишни бошладик. Айнан ўша даврда адабиёт ўғрилари ҳам юзага чиқиб қолди. Мана шу залдаги йиғинларнинг бирида Усмон Азимов Лола Тожиевани «адабиёт ўғриси», деди. Биз пахта ўғрилари қамаяпмиз, отаяпмиз, осаяпмиз, ваҳоланки, адабиёт ўғриларига ҳеч қандай чора кўрилмаяпти, деган маънода гап-сўз қилди. Оқибати ҳаммангизга маълум. Кўп ўтмай, Лола Тожиева вафот этди. Саъдулла Кароматов, Йўлдош Шамшаровлар ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикрлар билдириш мумкин. Ана ўша даврда «Ёшлик» Усмон Азимов ва Иброҳим Ҳаққулнинг суҳбатини эълон қилди. Унда Темур Норбекка ўхшаган шоирлар шеър ёзмасин, қабилда гап бор эди. Эшитишимга қараганда, ўшандан сўнг Темур Норбек «адабиёт сизларга торлик қилаётган бўлса, сиғмаётган бўлсаларинг, олинлар», деб аразлаб кетиб қолган эмиш. Ўша йиллари адабий давраларда: ифлос талантсизлар ҳамма ёқни эгаллаб олишган, биздек талантларга йўл беришмаяти», деган гапларни Мирза Кенжабоев ва унга яқин одамлардан кўп бор эшитганман. Энди давр ўзгарди. Ҳамма талантларга, ҳар хил саъвиядаги талантларга кенг йўл очилди. Энди «талантларга йўл йўқ» деган гаплар тўхтади, чунки бу гапни айтиб юрганлар ўзларига ажабтовур йўл очиб олишди, масъул лавозимларни эгаллаб олишди. Энди улар: «адабиётга мушт билан кириб келаётганлар» деган иборани тез-тез айтишмоқда. Чунки адабиётга мирзалардан кейин кириб келганлар мирзаларнинг гирибонидан олмоқдалар: «фақат ўзларингни асарларингни, ўзларингни китобларингни чиқараверасанларми? Адабиётда бизнинг ҳам ҳаққимиз бор. Чиқар бизнинг ҳам китобни», дейишмоқда. Ахир ҳамма ҳам Темур Норбек эмас.

Аслида, орамизда ким талантли, ким талантсиз, ким ифлос ёки ким тозалигини вақт кўрсатади. Сен ёз, сен ёзма, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, Фалончи ёзмасин, деб ҳукм чиқаришга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳозирча халқ фақат Одил Ёқубовни, Абдулла Ориповни, Омон Матжонни, Эркин Воҳидовни тан олади. Усмон Азим, Мирза Кенжабоев десангиз, мактабларда елка қисишади. Бу бор ҳақиқат. Ҳар биримизнинг талантлилик даражамизни ана шу тахлит халқ ўзи аниқлаб беради.

Мен ҳозир Александр Солженициннинг «Архипелаг ГУЛАГ» асарини таржима қиляпман. Бу менинг биринчи таржима ишим. Солженицин бизлардек амал талашмаган, кимларнингдир устидан ҳукм-хатлар ташкиллаштириб, уни мунофиқона йўллар билан матбуотда ёритишга бош қўшмаган, мажлисларда: мен фалончидан талантлироқман, деб ўз афзалликлари рўйхатини тузмаган, кўча-кўйда, пана-пасткамда фисқу-фасод билан шуғулланмаган. Аксинча, Солженицин ҳаммасини фидойиларча ёзди ва уни бутун дунё тан олди.

Биз, қўлимиздаги паттага биноан расман ёзувчи деб ном олган бўлсак, буни оклаш керак. Энди бақир-чақир билан иш битмайди. Нима, бизда Солженицин даражасида кўтаргулик соф миллий муаммолар йўқми? Масалан, босмачилик. (Бу сўзни Солженицин қўштирноқ ичида ишлатади). Аёлларимизнинг бугунги фожиаси паранжи ташлаш йилларига бориб тақалади. Катта Фарғона канали қурилиши. Ёки Қозғистон КП МК биринчи котиби Назарбеков ибораси билан айтганда, Сталин даврида бизнинг Ўзбекистон ҳам миллатлар ва элатлар сургун қилинадиган ГУЛАГга айлантирилган эди. Ёки дейлик, Орол фожиаси асоси бугун, кеча ўйлаб топилмаган. Орол фожиасининг илдизи 1918 йилги Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги Декретга бориб тақалади. Илдизи қирқилмаган дарахт эса бот-бот кўкариб чиқаверади.

1989 йил 18 декабрда ҳарбий хизматдаги амаки-укамнинг ўлигини олиб келишди. Укам Барнаулда ҳарбий хизматда, тинч замонда ҳалок бўлди. Улар: «уканг поезд билан тўкнашиб ўлди», деб хулоса чиқаришипти. Ҳатто тузукроқ ёлғон тўқишни ҳам ўзларига эп кўрмаптилар. Биз бу гапга

ишонмадик. Мажбуран, қанчадан-қанча жанжал-ғурбатлар эвазига эксперт чақиртирдик, мурдани, ундаги жароҳатларни суратга олдик. Бу фактлар билан укамни уриб ўлдиришганини исботладик. Аммо буни ҳамон маълум доиралар тан олишмаяпти. Мана, биқинимиздаги Тошкент ҳарбий гарнизони ҳарбий прокуратурасига боринг, менга ўхшаш кимидир ўлганларни истаганча топасиз.

Мана сизга миллий муаммолар. Ёзинглар. Бугун чиқмаса эртага чиқади, бир йилдан кейин чиқади, ўн йилдан кейин чиқади, бари бир чиқади. Илло, биз ўша кунларга етажакмиз».

1990 йил 16 феврал.

Ҳинд кинофильми «Бир лаҳза» («Один момент»)ни Бўстон шаҳарчамизнинг санъат саройига бориб томоша қилдик. Эру-хотин беш яшар Шоира, тўрт яшар Дилдора кизларимиз билан бирга. Фильм ўта зерикарли эди. Кино тамом бўлиб, кўчага чиққанимизда ҳаммамиз хурсанд бўлиб кетдик.

- Зўр кино кўрдиг-а, - деди Дилдора қизим.

- Ҳа, - деди онаси кулиб.

- Зўрға кино кўрдиг-а, - деди Дилдора.

Биз дастлаб англамадик. Дилдора яна такрорлагандан сўнг кулиб юбордик.

Тунда (соат тонг олди 3 да) Шукур Содик, Мурод Абдуллаев, Гаффор Ҳотамов учовлон келишди. ЎзССР халқ депутатлигига номзоди қўйилган ёзувчи, «Ленин учкуни» бош муҳаррири Абдусайд Кўчимовни ҳимоя қилиш учун Ургутга боришаётган экан. Озроқ суҳбатлашиб, кейин ухладик. Маълум бўлишича, А.Кўчимов сайланаётган округга қарашли хўжаликлар раисларига, кишлок советларига, округ комиссияси раисига Тошкентдан телеграмма боришти: «Абдусайд Кўчимов кўпгина нопок ишларга қўл ургани сабабли ҳозир КПСС аъзолигидан ўчирилиш арафасида. Шунингдек, А.Кўчимов жиноий жавобгарликка тортилиб, устидан тергов кетяпти. Биз бундай одам ЎзССР халқ депутатлигига нолойиқ, деб ҳисоблаймиз. «Ленин учкуни» газетаси коллективи номидан Ё. Раҳимова». Ургут район партия комитети биринчи котиби Ўлмас Маҳмадмуродов Абдусайд Кўчимовга қарши. А.Кўчимовга альтернатив тарзда картошқачилик бригадири Номоз Баратов қўйилган, райком котиби ўша одамни ўтказишга уринаётган эмиш. Шу сабабли Абдусайд Кўчимовга бор имконияти даражасида қаршилиқ кўрсатаётган эмиш Шу сабабли Абдусайд Кўчимовни кўпчилик бўлиб қўллаш керак.

1990 йил 17 феврал

Эрталаб мен ҳам қўшилиб, Самарқандга жўнадик. Оближроқўм раиси Тошбўри Қиличев Шукур Содикнинг оғайниси экан. Тўртовлон Тошбўри аканинг қабулида бўлдик. Танишдик. Ўзимизга ўхшаган оддий, кишлок йигити экан. Яхши суҳбатлашдик. Жиззах области қайта тиклангани ҳақида қарор чиққан газетани бизга кўрсатди. «Абдусайд Кўчимов масаласи оғир, райкомнинг биринчи котиби унга қарши», деди.

- Тошкентдан тазйиқ борми? – сўради Гаффор ака.

- Йўқ. Тошкентдан ҳам, вилоятдан ҳам ҳеч кимнинг иши бўлгани йўқ. Фақат Ўлмас Маҳмадмуродов қаттиқ қарши. Ўтиши қийинга ўхшайди.

- Абдусайд Кўчимовни ишдан бўшатишга уринишлар бўлган эди, - деди Гаффор ака.

- Мен бу масалани Ўз ЛКСМ биринчи котиби Азиз Носиров билан гаплашдим, - деди Тошбўри ака. – Тепадан ҳеч ким аралашмаган. Азиз Носиров билан Ўлмас Маҳмадмуродов қалин дўст. «Бошқа ишга ўтказамиз»десак, Абдусайд Кўчимов депутатлик даъвосидан воз кечадими, деб ўйлаган эдик», деди Азиз Носиров.

Абулқосим Мамарасулов.

**Жиззах вилояти Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчаси Ҳ.Олимжон кўчаси 29 уй 1-хонадон
Тел.: (372) 512-15-57, (372) 227-49-46**

e-mail: abulqosim@inbox.ru